| 10. | Oqdaryo | 1 | 5761 | | 203 | 5761 |
| | Jomboy | | 1228 | | 230 | 1228 |
| | **JAMI:** | **10** | **75356** | **9697** | **2074** | **65659** |

Samarqand viloyati statistika boshqarmasi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Viloyatda paxta-to‘qimachilik klasterlarining tumanlar kesimida ajratilgan va biriktirilgan qishloq xo‘jaligi yerlariga ko‘ra eng yuqori ulush Pastdarg‘om (22.5%, 16949 ga), Payariq (16.5%, 12459 ga), Narpay (14.2%, 10762 ga), Kattaqo‘rg‘on (14.3%, 10750 ga) Ishtixon (11.4%, 8620 ga), Paxtachi (11.0%, 8195 ga), hamda Oqdaryo tumanlariga (7.6%, 5761 ga) to‘g‘ri kelmoqda.

**Olingan natija va tahlillar.** Samarqand viloyatida paxta-toʻqimachilik klasterlari soni yuqori boʻlgan tuman Payariq va Kattaqoʻrgʻon tumanlari hisoblanadi. Boshqa tumanlarda bittadan paxta-toʻqimachilik klasterlari tashkil etilgan. Shuningdek, Tayloq, Samarqand, Urgut tumanlari yer maydonlari koʻproq meva-sabzavotchilikka ixtisoslashganligi bois paxta-toʻqimachilik klasterlari tashkil etilmagan. Qoʻshrabod tumanida asosiy qishloq xoʻjaligida foydalaniladigan yerlar maydoni koʻproq lalmikor dehqonchilikka ixtisoslashganligi bois birorta ham paxta-toʻqimachilik klasterlari faoliyat olib bormaydi. Kelgusida bu tumanda iqlimiy sharoitlarni geografik joylashuvini inobatga olgan holda dorivor oʻsimliklarni yetishtiruvchi klasterlarni yoʻlga qoʻysa maqsadga muvofiq boʻladi.

Agrosanoat klasterlarning turlari boʻyicha tumanlarlar kesimida klasterlar uchun ajratilgan va biriktirilgan qishloq xoʻjaligi yerlariga koʻra ulushiga nazar tashlasak, paxta-toʻqimachilik hamda gʻallachilik klasterlari boʻyicha eng yuqori ulush Pastdargʻom, meva-sabzavotchilik boʻyicha Urgut tumaniga tegishli.

Maʼlumotlardan koʻrinib turibdiki, oʻrganilayotgan hududlarda agrosanoat klasterlarini tashkil qilish uchun yetarlicha imkoniyatlar jumladan, hududlarning qulay geografik oʻrni, tabiiy sharoitning oʻziga xosligi, qishloq xoʻjalik tuzilishi va mehnat resurslari bilan taʼminlanganlik darajasi kabi muhim xususiyatlarga ega. Samarqand viloyatida meva-sabzavotchilik klasteri tizimini joriy qilish imkoniyatlari mutaxassislar tomonidan yuqori baholangan. Tadqiqot ishida oʻrganilayotgan hududlarning tabiiy-iqlim sharoitlariga mos, serhosil va eksportbop meva-sabzavot ekinlari navlarini joylashtirish, tashqi bozor talabiga toʻliq javob beradigan mahsulotlarni yetishtirish, saqlash, qayta ishlash va sotish jarayonini toʻliq qamrab oluvchi klaster tizimini keng joriy qilish taklif etiladi.

Oʻrganilgan maʼlumotlarga asoslangan holda aytish mumkinki, Samarqand viloyatining togʻ va togʻ oldi tumanlarining oʻrmon xoʻjaliklarida dorivor oʻsimliklar yetishtiruvchi klasterlarni tashkil etish imkoniyatlari yetarli. Shundan kelib chiqib, mintaqaning togʻli hududlarida dorivor oʻsimliklar yetishtirish, saqlash, birlamchi yoki chuqur qayta ishlash klasterlarini tashkil etish zarur. Bunday dorivor oʻsimliklar klasterlarini tashkil etishda iqtisodiy jihatdan barqaror faoliyat yuritayotgan, zaruriy infratuzilma obyektlari, tuproq-iqlim sharoitlari, suv taʼminoti, ichki va tashqi bozorlardagi talablarini inobatga olgan holda dorivor va ziravor oʻsimliklar joylashtirishga mos yer maydonlari ajratilishiga alohida eʼtibor qaratish lozim [3].

Shuningdek, viloyatdagi mavjud agrosanoat klasterlari hududdagi umumiy klaster tizimini tashkil etmasdan balki alohida korxona misolida faoliyat olib bormoqda. Yaʼni klaster nazariyasida keltirilganidek, klaster hududdagi ixtisoslashuv asosidagi hamkorlik va raqobatning birlashishini aks ettirmasdan, balki qishloq xoʻjaligi mahsulotini oʻz hududida yetishtirib yoki hamkor fermer xoʻjaliklaridan xarid qilib, ularni realizatsiya qiluvchi firma sifatida ishlamoqda. Buning natijasida fermerlar, mahalliy hokimiyat organlari va klaster firmalariaro shunchaki gorizontal hamkorlik yoʻlga qoʻyilmoqda. Bu ham Samarqand viloyati hududlarida chin maʼnodagi klasterlarni shakllantirish bilan bogʻliq muammolardan biri deb aytishimiz mumkindir. Shuningdek, viloyatda agrosanoat klasterlarini shakllantirishda hududlarning qishloq xoʻjaligi mahsulotlarini yetishtirish boʻyicha joylashuv koeffitsientini inobatga olish va raqobat imkoniyatlari mavjud hududlarda klasterlarning tabiiy rivojlanishini qoʻllab-quvvatlash kerakdir.

**Xulosa va takliflar.** Samarqand viloyatida agrosanoat klasterlarini rivojlantirishni ragʻbatlantirish maqsadida quyidagi ishlar amalga oshirilishi muhim ahamiyatga ega:

1. Agrosanoat klasterlarini rivojlantirish uchun klaster ishtirokchilariga imtiyoz va preferensiyalar beruvchi maxsus zonalar tashkil etish.
2. Agrosanoat klasterlari sohasida faoliyat olib boradigan ishchi xodimlar va ularga biriktirilgan fermerlar uchun oʻquv va maslahat tadbirlarini oʻtkazish.
3. Qishloq xoʻjaligida hosildorlik va mahsulot sifatini oshirishga qaratilgan innovatsion loyihalar va texnologiyalarni qoʻllab-quvvatlash.
4. Logistika va sotish bozorlarining qulayligini taʼminlash maqsadida agrosanoat klasterlari faoliyat yuritadigan hududlarda infratuzilmani rivojlantirish.
5. Agrosanoat klasterlari doirasida investitsiyalarni jalb qilish va kooperatsiyani rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish.

Samarqand viloyatida agrosanoat klasterlari rivojlanishi natijasida qishloq xoʻjaligi mahsulotlari sifati yaxshilanib, ishlab chiqarishning iqtisodiy samaradorligi oshmoqda va qishloq aholisi farovonligi yuksalmoqda. Agrosanoat klasterlarini rivojlantirish uchun maxsus zonalar tashkil etish zarur. Maxsus zonalar – bu agrosanoat klasterlari va qishloq xoʻjaligida tadbirkorlikni rivojlantirish uchun alohida sharoitlar yaratilgan hudud hisoblanadi. Ushbu zonalar investitsiyalarni jalb qilish, infratuzilmani yaxshilash, resurslar va texnologiyalardan foydalanishni taʼminlash, sanoatning raqobatbardoshligini oshirish uchun moʻljallangan.

Agrosanoat klasterlarini rivojlantirish boʻyicha maxsus zonalarda ishlab chiqarishni rivojlantirishga koʻmaklashish va tadbirkorlik faoliyati samaradorligini oshirishga qaratilgan soliq imtiyozlari, subsidiyalar, kreditlardan foydalanishni qoʻllab-quvvatlash, kadrlar tayyorlash va boshqa chora-tadbirlar kabi qoʻllab-quvvatlash choralari koʻrilishi mumkin. Bunday hududlarni tashkil etishdan maqsad agrosanoat majmuasini rivojlantirishni ragʻbatlantirish, sanoatning ishlab chiqarish salohiyati va raqobatbardoshligini oshirish, shuningdek, korxonalarni yaqinlashtirish, tajriba almashish va umumiy muammolarni hal qilishga koʻmaklashishdan iborat.

## Adabiyotlar


1. Maxmasobirova N.U. Milliy iqtisodiyotni klaster modellari asosida rivojlantirishning jahon tajribasi (agrosanoat majmuyi misolida). Diss. avtoreferati. – Toshkent: 2023. 17-b.
2. Samarqand viloyati statistika boshqarmasi maʼlumotlari. www.samstat.uz
3. Ibragimov L. Boboyev Sh. Samarqand viloyatida agrosanoat klasterlar faoliyatini rivojlantirishning geografik imkoniyatlari. //"Fan va taʼlimi". 2023, №1. 82-91-b.
4. Ibragimov L. Boboyev Sh. Geografik tadqiqotlarda agrosanoat klasterlarini oʻrganilishi. «Zamonaviy geografik tadqiqotlar: nazariya, amaliyot, innovatsiya» xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. –Samarqand: 12-13-may 2023. 251-255-b.
5. https://www.agro.uz/iqtisodiy-ko-rsatkichlar/#1672920282692-4c40b427-73fb



**REZYUME.** Ushbu maqolada Samarqand viloyatidagi agrosanoat klasterlarini hududiy joylashuvi oʻrganilgan boʻlib, unda viloyatdagi agrosanoat klasterlarining holati va tumanlar kesimidagi joylashuvi, mavjud klasterlarning turlari va agrosanoat klasterlar tarkibidagi fermer xoʻjaliklari, ularga biriktirilgan qishloq xoʻjaligi yerlari kabi muhim maʼlumotlar yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье изучено региональное расположение агропромышленных кластеров Самаркандской области, а также представлена важная информация, такая как состояние агропромышленных кластеров в регионе и их расположение в районном разрезе, виды существующих кластеров и фермерских хозяйств в агропромышленном комплексе-выделены промышленные кластеры и прикрепленные к ним сельскохозяйственные угодья.

**SUMMARY.** In this article explores the territorial location of agro-industrial clusters in Samarkand region, covering important data such as the state of agro-industrial clusters in the region and their location in the cross-section of districts, the types of existing clusters and the farms within agro-industrial clusters, the agricultural land attached to them.

UDK 314.316.3/.4.316.8

# OILA VA UNING DEMOGRAFIK TARAQQIYOTI

**L.X.Xudoyorov** – *o'qituvchi*
**M.H.Jabborova** – *talaba*
*Shahrisabz davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** jamiyat, farzand, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot, oziq-ovqat, kiyim-kechak, uy-joy,demografik mezon, ijtimoiy mezon, iqtisodiy mezon.

**Ключевые слова:** общество, ребенок, социально-экономическое развитие, еда, одежда, жилье, демографический критерий, социальный критерий, экономический критерий.

**Key words:** society, child, socio-economic development, food, clothing, housing, demographic criterion, social criterion, economic criterion.

**Kirish.** Jamiyat tashkil topishida, uning davomiyligini ta'minlashda oila ijtimoiy demografik manba hisoblanadi. Insonning dunyoga kelishi, yangi avlodning paydo bo'lishi, avlodlar almashinuvi asosan, oilada sodir bo'ladi. Farzand tug'ilib, kamolga yetib, shaxs sifatida shakllanguniga qadar lozim bo'lgan barcha ta'lim-tarbiya oila muhitida beriladi. Insonning ota-ona, qarindosh-urug'iga, qadriyatlarga, atrof-muhitga va tabiatga bo'lgan munosabatlari dastlab oilada boshlanadi. Shu bilan birga oila urf-odatlarni avloddan-avlodga yetkazuvchi ijtimoiy guruh hisoblanadi.

Har bir jamiyat a'zosi mana shu jamiyatning kelajakdagi vorisi bo'lib, kelayotgan yosh avlodni shu jamiyatga xos bo'lgan urf-odat, an'ana, qadriyatlarga munosib bo'ladigan yosh avlodni shakllantiradilar [1]. Bu jarayonda nafaqat ota-ona, qarindosh-urug'lar, balkim, shu jamiyatning boshqa a'zolari ham faol ishtirok etadilar. Biz buni ta'lim, sport, sog'liqni saqlash, din va boshqa yo'nalishlarda ham ko'rib boramiz.

Oila jamiyat bag'rida tashkil topib, taraqqiy etib borar ekan, o'zi ana shu jamiyatning kichik bir bo'lagi sifatida namoyon bo'ladi [2]. Jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar, oila taraqqiyotiga ham ta'sir etadi. Ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot rivojlangan davlatlarda oila va unda yuz beradigan demografik jarayonlarga qarashlar bir tomonlama bo'lib, borayotganligi tashvishlanarli holat bo'lib, qolmoqda [3]. Aksincha ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy etib rivojlanayotgan davlatlarda istiqomat qilayotgan aholining demografik faollashuvi oshib bormoqda.

**Oila –** bugungi shaklda oila a'zolarining bir-birlari bilan umumiy turmushi, iqtisodiy, mulkiy, ma'naviy, psixologik munosabatlari, o'zaro javobgarlik his-tuyg'ulari vositasida bog'lanib turishi bilan izohlanadi [4]. Oilada har bir oila a'zolarining o'z ijtimoiy o'rni bor. Oila mezonlari uch guruhga bo'linadi.

**1. Demografik mezon–**asosan oilaning demografik holati orqali ifodalanadi. Bu mezonning turli ko'rinishlari mavjud bo'lib, ular orasida oila a'zolari tarkibiga, er va xotinning oiladagi mavjudlik holatiga, farzandlar soniga ko'ra guruhlashtirish keng tarqalgan.

2. **Ijtimoiy mezon–**oila a'zolarining ijtimoiy holati e'tiborga olingan holda guruhlashtiriladi. Ularning ijtimoiy kelib chiqishi, kasb-kori, oilada tutgan o'rni kabi jihatlari mezonning asosiy ko'rinishlari hisoblanadi.

**3. Iqtisodiy mezon–**oilaning iqtisodiy ta'minlanish darajasi e'tiborga olinib, ular kam, o'rta va to'liq ta'minlangan oilalar hisoblanadi [5].

**Adabiyotlar tahlili.** Oilaning ijtimoiy-demografik xususiyatlarini ilmiy tadqiq qilish ishlari asosan XX asrdan boshlanadi. Oila a'zolari o'rtasida sodir bo'ladigan murakkab va serqirrali o'zaro munosabatlar ko'plab olimlar, shu jumladan, O'zbekistonlik olimlar Jalilov X., Shoumarov B., Bekjonova M., Qoraxonov M., Mullajonov I., Shodiyev R., Bo'riyeva M. va boshqalar tomonidan o'rganilgan. Ayrim manbalarda oilaning demografik funksiyasi, "**naslni davom ettirish**" deb, sotsiolog olimlar U.M.Sverdlov, V.A.Ryasensov, V.P.Klyuchnikov esa "**inson zotini davom ettirish**", A.G.Xarchev va S.D.Laptenok "**aholi sonini qayta tiklash**", N.G.Yurkevich "**bolalarni dunyoga keltirish**" kabi nomlar bilan ataganlar.

**Tadqiqotda qo'llanilgan metodikaning tavsifi.** Tadqiqot mavzusini o'rganish jarayonida statistik, kuzatuv, matematik, tarixiy, geografik taqqoslash va ekstrapolyatsiya usullari qo'llanilgan, shuningdek, ijtimoiy so'rovnomadan foydalanilgan.

**Oilalarning demografik rivojlanish istiqbollarida sotsiologik demografik tadqiqotlar.** Mazkur olib borilgan ilmiy tadqiqot ishini yozish jarayonida bir nechta sotsiologik tadqiqotlar o'tkazdik. Sotsiologik tadqiqot Qashqadaryo viloyatida "Oilada nechta farzand bo'lgani ma'qul?" nomli mavzusida o'tkazildi. Bizning sotsiologik tadqiqotimizning maqsadi Qashqadaryo viloyatidagi reproduktiv yoshdagi ya'ni oila qurgan va ularning oila qurishdan oldingi rejalashtirgan farzandlari soni (o'g'il va qiz bolalar) turmush qurgandan so'ng farzandlar soni hamda reproduktiv yoshning so'ngiga qadar yana qancha farzand ko'rishni rejalashtirayotganliklariga oid bo'lgan natijalarni o'rganishdan tashqari viloyat aholisi o'rtasida reproduktiv salomatlik va tibbiy geografiya sohasidagi statistik ma'lumotlarni to'plash, tahlil qilish, umumlashtirish va prognozlashtirishga qaratilgan. Sotsiologik tadqiqotning amaliy asosi sifatida, shaxsning reproduktiv huquqlarining roli va ahamiyatini yana bir bor ko'rsatib o'tishlikni lozim topdik.

Sotsiologik demografik tadqiqot usulining normalari va qoidalarini hisobga olgan holda Qashqadaryo viloyati "**Oila**" ilmiy-amaliy markazi bilan hamkorlikda tadqiqotlar o'tkazildi. Tadqiqot ishining vazifalaridan hisoblangan farzandlarning dunyoga kelishiga sabab bo'luvchi ba'zi holatlarning ta'siri ham hisobga olinib quyidagi natijalar olindi. Ya'ni oiladagi farzandlar soni, ularning dunyoga kelishida ota yoki onaning qaysi biri hal qiluvchi qarorni qabul qilishda ahamiyatli ekanligi yoki har ikkisining ham ahamiyati birdek ekanligi, farzandlar dunyoga kelishida ota va ona uchun davlat tomonidan moddiy qo'llab-quvvatlashning ahamiyati qay darajada bo'lishi lozimligi e'tiborga olindi.

Oilani rejalashtirishda kim ko'proq tashabbuskor (er yoki xotin) ekanligi, o'tkazilayotgan tadqiqotda ishtirok etayotgan respondent (qatnashuvchi, ishtirokchi)larning farzandlari soni (o'g'il va qiz bola) va ular orasidagi yosh tafovutlarini ham o'rganish, kontrasepsiya vositalarining oilani rejalashtirishdagi ahamiyati va roli hamda kontrasepsiya vositalari turlaridan foydalanishning bugungi kundagi holati haqida hamda ulardan kim ko'proq foydalanayotganligini (er yoki xotin) bilish kabi savollar ham o'z o'rnida qo'yildi.

Er va xotinning necha yoshda oila qurishganini o'rganish orqali reproduktiv yoshdan o'tganlar va peproduktiv yoshga endi kelganlar o'rtasida nikohga kirish yoshi o'rtasidagi farqni o'rganish, birinchi farzand respondent(qatnashuvchi, ishtirokchi)larning necha yoshida tug'ilganligini aniqlash orqali nikohning birinchi, ikkinchi, uchinchi yillarida kontrasepsiya vositalaridan foydalanganmi yoki yo'qmi, foydalangan bo'lsa qaysi turidan degan savolga javob berish hamda nikohdan so'nggi oradagi yillar oralig'ida farzand ko'rmaganlarining ayrimlarida bepushtlik bo'lgan yoki bo'lmaganligi (er yoki xotin) aniqlash kabi savollar muhim o'rin tutdi.

Qarindoshlar o'rtasidagi nikohga bo'lgan respondent (qatnashuvchi, ishtirokchi)larning fikrini o'rganish orqali ularning turmush o'rtog'i unga nisbatan qarindosh yoki qarindosh emasligi hamda qarindosh bo'lsa, qarindoshlar

o‘rtasida tug‘iladigan farzandlarda jismoniy va psixologik jihatdan rivojlanishida nuqsoni bo‘lishi mumkinligidan xabardorlik darajasini ham o‘rganish va qancha respondent (qatnashuvchi, ishtirokchi) aynan qarindoshi bilan o‘zaro nikohda ekanligini aniqlash lozim bo’ldi. Respondent(qatnashuvchi, ishtirokchi)larning nikohga kirishida asosiy qarorni kim qabul qilganligini (o‘zi sevgani uchun mustaqil qaror qabul qilganmi, ota onasining xohish irodasi bilanmi yoki qarindoshlarining xohishiga ko‘ra amalga oshirilganmi) o‘rganish, farzandlar tug‘ilishida davlat tomonidan moddiy qo‘llab-quvvatlashning ta’siri qanday bo‘lishini o‘rganish, kelajakda yana nechta farzand (o‘g‘il va qiz bola) ko‘rishni rejalashtirayotganliklarini o‘rganish va farzandlar tug‘ilishi orasidagi farqni aniqlash, reproduktiv xatti-harakatni baholash, abort qilish omillarini tahlil qilish va abortlar natijasida yuzaga keladigan qonuniyatlarni aniqlashdan iborat.

Shuni alohida ta’kidlash kerakki, ushbu tadqiqotda respondent(qatnashuvchi, ishtirokchi) sifatida 140 ga yaqin kishilar ishtirok etdilar. Ushbu tadqiqotda ishtirok etgan respondentlarning barchasi Qashqadaryo viloyatining shahar, shaharcha va qishloqlarining aholisidirlar. Birinchi savol respondent(qatnashuvchi, ishtirokchi) larning yosh tarkibini aniqlashga qaratilgan edi.

**1-jadval**

| **Yosh toifalari** | **Foizda** | **Yosh toifalari** | **Foizda** | **Yosh toifalari** | **Foizda** |
|---|---|---|---|---|---|
| 18 yosh-gacha | 1 | 19-24 | 4,3 | 25-29 | 10 |
| 30-34 | 13,7 | 35-39 | 20 | 40-44 | 14,3 |
| 45-49 | 11,5 | 50-54 | 11,4 | 50 yoshdan oshganlar | 13 |

Jadval: Muallif tomonidan o‘tkazilgan sotsial-demografik tadqiqotlarning natijasiga asosan tuzilgan.

Respondent (qatnashuvchi, ishtirokchi)larning millati bo‘yicha milliy tarkibini hisobga olishga qaratilgan savol bandiga muvofiq so‘rovnomada ishtirok etganlarning millati bo‘yicha ham natijalar olindi.

**2-jadval**

| **Millati** | **Foizda** | **Millati** | **Foizda** | **Millati** | **Foizda** |
|---|---|---|---|---|---|
| O‘zbek | 75 | Tojik | 14 | Qozoq | 3 |
| Turkman | 6 | Rus | 1 | Arab | 1 |
| Boshqa millatlar | 1 | - | - | - | - |

Jadval: Muallif tomonidan o‘tkazilgan sotsial-demografik tadqiqotlarning natijasiga asosan tuzilgan.

Anketalarni tahlil qilish jarayonida so‘rovnomada qatnashgan respondent(qatnashuvchi, ishtirokchi)larning 40 foizi oliy ma’lumotli, 42 foizi o‘rta maxsus ma’lumotli va 15 foizi o‘rta ma’lumotli ekanligi ma’lum bo‘ldi. Shuni alohida ta’kidlash kerakki, oliy ma’lumotli respondent (qatnashuvchi, ishtirokchi)lar orasida asosan pedagogika sohasi mutaxassislari ko‘pchilikni tashkil qildi.

**Xulosa, takliflar, tavsiyalar.** Qashqadaryo viloyati oilalarining ijtimoiy demografik rivojlanishida tug‘ilishni tartibga solish chora-tadbirlari quyidagilarni nazarda tutishi kerak:

✓ aholi sifatini oshirish, ayollarning umumiy va kasb-hunar ta’limi olishdagi faolligini oshirish;

✓ aholini ishga joylashtirish chora-tadbirlari hamda urbanizatsiyani rivojlantirish;

✓ respublika fuqarolarining turmush darajasi va sifatini oshirish;

✓ oila, mehnat jamoasi, shaxsning xatti-harakatiga davlatning ta’sirini kuchaytirish;

✓ oila va nikohni mustahkamlash va h.k.

Demografik siyosat konsepsiyasini amalga oshirish dasturi uchun davlat byudjeti, shuningdek, BMTning Aholishunoslik jamg‘armasi va ayollar masalalarini rivojlantirish jamg‘armasi hamda boshqa xalqaro moliya institutlarining mablag‘lari ajratilishi maqsadga muvofiq.

**Adabiyotlar**


1. Бўриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. –Т.: «Фан», 1991.
2. Бўриева М.Р. Демография асослари. –Т.: «Университет», 2000, 157-б.
3. Бўриева М.Оила демографияси. –Т.: «Ўзбекистон», 1997, 44-б.
4. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. –Т.: «Фан», 1999.
5. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. –Т.: «Университет», 1997.



**REZYUME.** Ushbu maqolada oila tushunchasi va uning o‘rganish obyekti bo‘yicha mahalliy va xorijiy olimlardan kimlar taqdidot o‘tkazilganligi, shuningdek, oila asosi BMTning ta’rificha «Bir oila – butun insoniyat oilalarining birligidir», u jamiyatning kichik bo‘g‘ini, vatan ichra vatandir», - deya tavsif bergan. Qashqadaryo viloyati» «Oila» ilmiy-amaliy markazi bilan birgalikda «Oilada nechta farzand bo‘lgani ma’qul» mavzusida ijtimoiy so‘rovnoma natijalarining tahlili ham bayon qilingan.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье были представлены понятие семьи и её объект исследования отечественными и зарубежными учеными, а также основые типы семьи, согласно определению ООН, «Семья – это единство всех человеческих семей» это маленькое звено общества, описывающее, что Родина — это Родина внутри. Также был представлен анализ результатов социального опроса на тему «Сколько детей лучше в семье» совместно с научно-практическим центром Кашкадарьинской области «Семья».

**SUMMARY.** In this article, the concept of family and its object of study were presented by local and foreign scientists, as well as the basis of the family, according to the definition of the UN, "A family is the unity of all human families", it is a small link of society, described that the homeland is the homeland within. The analysis of the results of the social survey on the topic "How many children is better in a family" together with the scientific and practical center of Kashkadarya region "Family" was also presented.


## SUG‘ORILADIGAN VOHA LANDSHAFTLARNING DINAMIKASINI TADQIQ ETISH MASALALARI


**M.G.Nazarov** – *geografiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent*
**J.Sh.Poyanov** – *tayanch doktorant*
*Qarshi davlat universiteti*



**Tayanch so‘zlar:** dinamika, landshaft dinamikasi, antropogen dinamika, geotizim, invariant.
**Ключевые слова:** динамика, динамика ландшафта, антропогенная динамика, геосистема, инвариант.
**Key words:** dynamics, landscape dynamics, anthropogenic dynamics, geosystem, invariant.


**Kirish.** Barcha landshaftlar turli xil dinamik fizik-kimyoviy xossalarining asosiy omillari deb hisoblash mumkin, shu nuqtai nazardan olib qaraganda ular barqarorlik holatda bo‘lishi bilan bir qatorda landshaftlarning dinamik muvozanati ham boshqa energiya oqimlarining kirib borishi bilan doimiy ravishda o‘zgarib boradi. Shu sababli landshaftlarda tashqi va ichki muhit o‘rtasidagi modda va energiyaning doimiy aloqalar mavjuddir.

**Asosiy qism**. Landshaftning komponentlar va uning morfologik qismlari muttasil aloqada bo‘ladigan modda va

energiya almashinib turishi uning ichki tuzilishi nihoyatda murakkab ekanligini ko‘rsatish bilan birga landshaft doimo harakatda, doimo o‘zgarib, rivojlanib turadigan, o‘ziga xos bo‘lgan maxsus dinamik faoliyatda bo‘lib turadigan moddiy tizim ekanligidan dalolat beradi. Har bir landshaftga o‘z rivojlanishini barqarorlashtirib turuvchi dinamika xosdir [11:103].

Landshaft dinamikasi sifatida, ayni vaqtdagi mavjud bo‘lgan geotizimlardan asta-sekinlik bilan va inson ta'sirida sodir bo‘layotgan, hamda ularda turli xil o‘zgarishlarni yaratayotgan umumiy jarayonlarni tushunamiz. Uning ta’kidlashicha, geotizim dinamikasi bu- landshaftdagi bir invariantga bo‘ysingan o‘zgaruvchan holatlar tushuniladi. [9:109]. Landshaftshunos olim V.V.Kozinning fikricha, dinamika, bu landshaftning paragen a'zolari o‘rtasidagi ta'sir etish mexanizmidir deb uqtiradi [6:10-18].

A.G.Isachenko (1979) dinamika tushunchasiga quyidagicha ta’riflagan: dinamika bu –tabiiy geografik komplekslardagi o‘zgarishlarni emas, balki avvalgi holatiga qaytadigan (odatda siklik) harakatdagi va uning tuzilmasida qayta qurishni keltirib chiqarmaydiganlarni tushunadi [4:57]. Shuningdek, Isachenko (1991) dinamika landshaft invariantiga misol bo‘la oladi, unda landshaftning ma'lum bir vaqtda chidamlilik holati uning strukturaviy elementlarida namoyon bo‘ladi. Boshqacha qilib aytganda dinamika, bir invariant doirasidagi geotizimlar holatining almashinuvi, shu doirada invariantning o‘zini almashinuvini esa rivojlanish sifatida qarash mumkin. Landshaft dinamikasi va rivojlanishiga antropogen ta’siri yuqori bo‘ladi. Ammo, insoniyat uning holatini sekinlashtira yoki kuchaytira olsada, ritmik o‘zgarishini belgilab bera olmaydi yoki yarata olmaydi. Lekin, geotizimlar holatiga tashqi ta’sirning faolligi oqibatida inson uchun o‘zgacha nomaqbul o‘zgarishlar tendensiyasi kelib chiqishi mumkin [5:217].

Har qanday geosistema vaqt o‘tishi bilan doimiy o‘zgarishlarga duch keladi. Bunday o‘zgarishlar rivojlanishiga ko`ra bir biridan tubdan farq qiladi, shu bilan birgalikda doimiy takrorlanadigan o‘zgarishlar ma'lum vaqt oralig'ida sodir bo‘ladi.

A.A. Makunina fikricha (1982) landshaft dinamikasi uning holatining aniq bir vaqt, ritm va sikllar oralig‘idagi o‘zgarishidir [7:16-22].

T.D.Aleksandrova va b. fikricha dinamika geotizimlarning rivojlanishga qadami, deb ta’kidlashadi. Bunda tuzilmalarda dinamik o‘zgarishlar almashinuvi ro‘y bermasada, shunga tomon asta-sekin o`zgarib boradi [2:46].

F.N.Milkov dinamikani landshaftshunoslikning asosiy masalalaridan biri, deb ta`kidlaydi. Uning fikricha landshaft dinamikasi – bu tabiiy-hududiy kompleksda sodir bo‘layotgan funksional, fazoviy va strukturaviy o‘zgarishlardir. F.N.Milkov landshaftdagi dinamika har xil bo‘lganligi uchun 1) korologik dinamika (landshaft chegarasining o‘zgarilishi bilan bog‘liq), 2) tuzilish dinamikasi (landshaftning morfologik qismlari va ular orasidagi aloqalarning o‘zgarilishi bilan bog‘liq), 3) vaqt (zamon) dinamikasi (vaqt bilan bog‘liq bo‘lgan landshaftning o‘zgarishlari) hamda 4) yo‘nalgan (yo‘nalishli) dinamika yoki rivojlanish dinamikasi (landshaftning bir tomonlama yo‘nalgan o‘zgarishlari) kabi turlarga ajratadi. Bular o‘z navbatida genetik turlarga bo‘linadi [8:179-185]. Bundan tashqari Milkov (1986) ta’monidan landshaft komplekslarining dinamik o‘lchovi haqida quyidagicha fikr bildirib o‘tgan. Dinamikaning tezligi landshaft majmuasidagi strukturaviy o‘zgarishlar uchun zarur bo‘lgan vaqtni aks ettiradi. U ilgari tavsiflangan tezlashtirilgan va kechiktirilgan fazalar va rivojlanish davrlari bilan bevosita bog'liqdir (Milkov, 1986).

Landshaft dinamikasi va rivojlanishiga insonning xo‘jalik faoliyatlari kuchli ta’sir ko‘rsatadi. Ammo, insoniyat uning holatini yengillatishi yoki kuchaytira olsada, ritmik o‘zgarishini belgilab bera olmaydi yoki barpo qilolmaydi. Biroq, geotizimlar holatiga tashqi ta’sirning jadalligi oqibatida inson uchun o‘zgacha nomaqbul o‘zgarishlar tendensiyasi rivojlanishi mumkin. Cho‘l mintaqasi vohalarida landshaftlarning mavsumiy dinamikasi avvalo grunt suvlari sathining ko‘tarilishi bilan birgalikda ro‘y beradi. Yoz mavsumida grunt suvlari sathining yuqoriligi vegetatsiya davri davomida saqlanadi – apreldan avgustgacha, ba’zan sentabrgacha. Avval u yer, bu yerlarda (dog‘simon), keyin yoz oxirlarida yoppasiga sho‘rlanish kuzatiladi. Kuzda, qaysiki qishloq xo‘jalik ekinlarini sug‘orish to‘xtagach, grunt suvlari sathi pasaya boradi. Eng past daraja oktabrdan dekabrgacha kuzatiladi. Bahorda atmosfera yog‘inlarining hisobiga grunt suvlarining sathi yana ko‘tariladi, may oyida esa yana pasayadi. Umuman atmosfera yog‘inlari va sho‘r yuvish hisobiga tuz pastki qatlamga tomon ketadi. Shunday qilib, teskari jarayon kuzatiladi [10:59-60].

Landshaftda ro‘y beradigan o‘zgarishlarni vaqtida aniqlash juda murakkab. Turli kattalikdagi geotizimlarga xos bo‘lgan maromli o‘zgarishlar har bir muayyan landshaftdagi maromli o‘zgarishlarga vaqt mobaynida mos kelmasligi mumkin. Bunday nomutanosiblik landshaftning komponentlari orasida ham, uning morfologik qismlari orasida ham mavjuddir. Chunki, ularning har biri o‘ziga xos qonuniyatlar asosida harakatda bo‘ladi va tashqi kuchlardan turlicha ta’sirlanadi hamda landshaft dinamikasi va landshaftning rivojlanishi tushunchalari bir-biriga yaqin bo‘lib, landshaftlarda yuz beradigan dinamik o‘zgarishlar yig‘ilib, landshaftlarda evolyutsion o‘zgarishlarga sabab bo‘ladi. Bu esa landshaftlar rivojlanishining ma’lum bosqichlarini hosil qiladi. Shu fikrga mos holda landshaft dinamikasi va rivojlanishiga insonning xo‘jalik faoliyatlari kuchli ta’sir ko‘rsatadi. Insoniyat uning holatini yengillatishi yoki kuchaytira olsada, ritmik o‘zgarishini belgilab bera olmaydi yoki barpo qilolmaydi. Biroq geotizimlar holatiga tashqi ta’sirning jadalligi oqibatida inson uchun o‘zgacha nomaqbul o‘zgarishlar kelib chiqishi mumkin [1:24].

Geotizimlar dinamikasi vohalar sharoitida ma’lum darajada aniq namoyon bo‘ladi va jadal (intensiv) xarakterga ega. Landshaft dinamikasida tuproqning tuz tartibi, agroirrigatsiya yotqiziqlari, moddalarning nurashi va boshqa omillar qatnashadi. Vohalarda gidrogeologik jarayonlarga bog‘liq tarzda tuproq-gruntning tuz tartibi ijobiy va salbiy muvozanatda bo‘ladi, ya’ni sho‘r bosish yoki tuz to‘planishi ro‘y beradi, lekin bu bevosita gruntning tabiiy suv o‘tkazuvchanligi (drenajlanganligi)ga va inson tomonidan grunt suvlari tartibining boshqarilishi darajasi bilan bog‘liq. Umuman, landshaftlarning u yoki bu yo‘nalishdagi o‘zgarishi ham (sho‘rlanish va tuz to‘planishi) geotizimlar dinamikasi hisoblanadi [10:59-60].

Bizning fikrimizcha landshaft dinamikasi – bu tashqi va ichki kuchlar ta’sirida landshaftlarning o‘zgarishidir. Landshaftda yuzaga keladigan dinamika hisobiga u doimiy o‘zgaradi va rivojlanadi hamda landshaft dinamikasi deganda landshaftning tuzilishining o‘zgarishi bilan birga kelmaydigan, ya'ni birlik o‘zgarmasligi doirasida sodir bo‘ladigan o‘zgarishlar tushuniladi. Landshaftning evolyutsiyasi (rivojlanishi) landshaft tuzilishining o‘zgarishiga, bir invariantni boshqasiga almashtirishga olib keladigan qaytarilmas progressiv o‘zgarishlar bilan birga keladi.

Landshaftning tarixiy rivojlanish bosqichlari asta-sekin, doimiy yoki uzluksiz va yo‘naltirilgan qaytarilmas (mahalliy) o‘zgarishlar (tendentsiyalar) bilan belgilanadi.

Landshftlar rivojlanish tarixi dastavval tashqi muhitdagi sekin, biroq uzoq muddatli yo‘naltirilgan o‘zgarishlar (tendensiyalar) bilan bog‘liq.

Tashqi muhitning o‘zgarishi natijasida yuzaga keladigan evolutsion o‘zgarishlar landshaftlarning morfologik tuzilishining tub (qaytarilmas, sifatli) adaptiv qayta tuzilishida namoyon bo‘ladi. Shu bilan birga, rivojlanayotgan landshaftlarning ba'zi tarkibiy elementlari asta-sekin yo‘q bo‘lib ketmoqda va ularning o‘rnida o‘zgargan muhitga ko‘proq mos keladigan yangi tuzilmalar shakllanmoqda. Shunday qilib, ma'lum bir geosistema o‘zining invariantidan tashqariga chiqadi va go‘yo sifat jihatidan boshqasiga aylanadi. Evolutsion o‘zgarishlarning namoyon bo‘lishi uchun tashqi muhitdagi yo‘naltirilgan o‘zgarishlarning davomiyligi ushbu geosistemaning tabiiy hech bo‘lmaganda asosiy tarkibiy elementlarining o‘z-o‘zini rivojlantirish dinamikasining xarakterli vaqtidan sezilarli darajada oshishi kerak.

Geosistemalarning tarixiy rivojlanish tendentsiyalariga kuchli ta'sir ko‘rsatadigan atrof-muhitning yetakchi omillari quyosh energiyasi va yerning ichki energiyasi bo‘lib, ular hududlarning gidro-iqlimiy va geologik-geomorfologik xususiyatlarini tavsiflanadi. Geosistemalarning o‘z-o‘zidan rivojlanishi omillari orasida biota va ekzogen landshaft jarayonlarida muhim rol o‘ynaydi.

B.A.Bakarasov (2010) tamonidan landshaft komplekslari dinamikasining 6 ta genetik turini ajratib ko‘rsatgan [3:70-74].

1. O‘z-o‘zidan bo‘ladigan dinamika-tashqi omillar ta'sirisiz ichki sabablarga ko‘ra yuzaga keladigan o‘z-o‘zini rivojlantirish dinamikasi. O‘z-o‘zidan paydo bo‘ladigan dinamikaga murojaat qilganda, o‘z-o‘zidan paydo bo‘ladigan dinamika landshaftga tashqi omillar ta'sirida yuzaga keladigan dinamikaning boshqa genetik turlari fonida sodir bo‘lishini unutmaslik kerak.

2. Iqlim dinamikasi har xil davomiylikdagi iqlim o‘zgarishi bilan bog'liq. Ko‘p asrlik va uzoq muddatli iqlim ritmlari dinamika shaklida paydo bo‘ladi.

3. Tektogenik dinamikaga neotektonik harakatlar sabab bo‘ladi. Iqlim singari, neotektonik harakatlarda ham bir necha yildan ko‘p million yilgacha davom etadigan aniq ifodalangan sikllar kuzatiladi. Neotektonikaning ta'siri ostida yer yuzasida landshaftlarning o‘zgartirishning doimiy jarayoni amalga oshiriladi.

4. Geomorfologik dinamika relyef shakllarining o‘zi (qiyaliklar dinamikasi) va ekzogen relyef hosil qiluvchi jarayonlar suv va shamol eroziyasi, abraziya va boshqalar bilan bog'liq.

5. Biogen dinamika bu – landshaft komplekslarining tarkibiy qismi sifatida hayvonlar faoliyati bilan bog'liq. Biogen dinamikaning ikki turini ajratish kerak: siklilik dinamikasi va ishlash dinamikasi. Siklik dinamika bir necha yildan o‘n yilgacha yoki undan ko‘proq vaqt oralig'ida o‘zgaruvchan ko‘tarilish va pasayish bilan populyatsiyalar sonining o‘zgarishi bilan bog'liq.

6. Antropogen dinamikaga asosiy sabab inson faoliyatidir. Madaniy landshaftlarni yaratish-ekinlar, bog'lar, hovuzlar va suv omborlari, chorva mollarini boqish ko‘plab dinamik jarayonlarning faollashishi bilan birga keladi, bu esa aksariyat agrolandshaftlarining shakllanishiga olib keladi — jarliklar, ko‘chkilar, sug'oriladigan yerlarda ikkilamchi sho‘r bosish, harakatdagi qumlar natijasida [3:70-74].

A.A.Bakarasovning qayd etishicha (2010) landshaftlarning antropogen dinamikasi- bu tabiiy muhitga iqtisodiy ta'sir ko‘rsatishi bilan bog'liq. Ushbu turdagi dinamika quyidagicha namoyon bo‘ladi va shu sabablarni biz umumlashtirib quyidagi asosiy turlarga ajratishni ma’qul topgan:

a) daraxt-buta o‘simliklarini kesish va mexanik yo‘q qilishning boshqa turlari, maydonning qisqarishi va o‘rmonlar sifatining o‘zgarishi, dashtlar va o‘tloqlarning tarqalishi;

b) o‘simlik va tuproq qoplamining mexanik shikastlanishi bilan bog'liq bo‘lgan tezlashtirilgan qishloq xo‘jaligi eroziyasi va tuproq deflyatsiyasi, yaylovlarning degressiyasi va qumlarning tarqalishi, cho‘llanish, relyef va landshaftlarning karer-chiqindi komplekslari bilan o‘zgarishi, shaharlar va sanoat zonalaridagi landshaftlarning degradatsiyasi va tubdan o‘zgarishi va boshqalar;

c) suv omborlari tomonidan suv bosgan qirg‘oqlarning botqoqlanishi va qurg'oqchil landshaftlarda sug‘oriladigan yerlarda tuproqlarning ikkilamchi sho‘rlanishi;

d) landshaftlarning ifloslanishi va unga hamroh bo‘lgan o‘simliklar, tuproqlar, hayvonot dunyosining izdan chiqishi kuzatiladi.

Aksariyat hollarda landshaftlarning antropogen dinamikasi tabiiy jarayonlar (eroziya, deflyatsiya, ifloslanish) tomonidan amalga oshiriladi, ammo iqtisodiy faoliyat natijasida kelib chiqadigan jarayonlar landshaftlarning tanazzulga uchrashi va yo‘q qilinishiga olib keladi.

**Xulosa va tavsiyalar.** Sug‘oriladigan voha landshaftlaridagi dinamik jarayonlarni tahlil etish natijasida qilingan asosiy xulosa bu - sug‘oriladigan voha landshaftlarning o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olmay, yerlarning o‘zlashtirilishi katta maydonlarda tuproq qatlamini yuvilishi, sizot suvlari sathining ko‘tarilishi, sho‘rtob va sho‘rxoklanish kabi jarayonlarning vujudga kelishiga sabab bo‘lgan. Shu bilan birgalikda, qurg‘oqchil hududlarni o‘zlashtirish, yerdan foydalanishda ilm-fan, texnikaning eng so‘nggi yutuqlariga hamda inson xo‘jalik faoliyatining ijobiy ta'siriga tayanish lozim. Hozirgi kunda salbiy dinamik jarayonlarning oldini olish uchun asosiy tadbirlar sifatida quyidagi quyidagi tavsiyalarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

1. Sug‘oriladigan vohalarda sug‘orish ta’sirida ro‘y berayotgan dinamik jarayonlarni tadqiq etish, sug‘orish ta’sirida vujudga kelishi tarixini o‘rganish, uning rivojlanish holatini kuzatish ilmiy va amaliy jihatdan dolzarb ahamiyat kasb etishini aniqlashga imkonini yaratadi.

2. Sug‘orilayotgan voha landshaftlarida vujudga kelgan asosiy salbiy dinamik jarayon hisoblangan tuproq eroziyasining oldini olish maqsadida uchun haddan tashqari ko‘p ishlov berish, noto‘g'ri sug'orish va o‘simlik qoplamini keskin suratlar bilan kamayib borayotganligi hamda intensiv dehqonchilik amaliyotlari tuproq eroziyasining ko‘lamini kengaytiradi. Bu holatda esa tuproqning unumdor qatlamining yo‘qolishiga, tuproq sifatining pasayishiga va qishloq xo‘jaligi mahsuldorligining pasayishiga olib kelishi aniqlandi.

3. Sug‘oriladigan yerlardagi landshaftlarda tuproqning degradatsiyasining faoliyatini cheklash uchun tuproqqa ortiqcha ishlov berish, agrokimyoviy moddalarni haddan tashqari ishlatish va almashlab ekish ko‘lamining juda ham kam darajada ekanligi kabi yerni boshqarishning noto‘g'ri amaliyoti tuproq degradatsiyasiga olib kelishi mumkin. Bunga tuproq unumdorligi va qishloq xo‘jaligi unumdorligini pasaytiradigan tuproq eroziyasi, organik moddalarning yo‘qolishi, ozuqa moddalarining kamayishiga olib kelishi tabiiy holdir.

## Adabiyotlar

1. Allayorov R.X. Janubi-g‘arbiy Hisor tog‘ va tog‘oldi landshaftlaridan foydalanish va geoekologik vaziyatni optimallashtirish// G.f.f.d. (PhD) ilm. dar. olish uchun taqdim et. diss.. –T.: 2023.177-b.
2. Александрова Т.Д. и др. Геоэкологические основы территориального проектирования и планирования. –М.: «Наука», 1989. –С. 144.
3. Бакарасов В.А.Экология ландшафтов. –Минск: БГУ, 2010. –С.100.
4. Исаченко А.Г. География сегодня. –М: «Просвещение», 1979. –С. 192.
5. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение физико-географическое районирование. – М.: «Высшая школа», 1991. –С. 368.
6. Козин В.В. К вопросу о парагенетических ландшафтных комплексах. // Науч. зап. Воронеж.отд. Геогр. об-ва СССР. – Воронеж: 1974. – С. 10-18.
7. Макунина А. А. Динамика ландшафта и её факторы. // Вопросы географии. Ландшафтоведение: теория и практика. – М.: «Мысль», 1982. – С. 16-22.
8. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. – М.: «Высшая школа». 1990. –С. 335.
9. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. -Новосибирск: «Наука», 1978. –С. 319.
10. Xodjimatov.A.N. Antropogen landshaftshunoslik. Darslik. –T.: 2023. 130-b.
11. Zokirov S.Sh, Toshov X.R. Landshaftshunoslik. O‘quv qo‘llanma. –T.: 2016. 251-b.

**REZYUME.** Ushbu maqolada bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblangan sug‘oriladigan voha landshaftlarining dinamikasi nazariy jihatdan tahlil qilingan bo‘lib. Maqolada asosiy e’tibor landshaftlar dinamikasini tadqiq etishda fan sohasining bir qancha fikrlari tahlil qilishga qaratilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье теоретически анализируется динамика ландшафтов орошаемых оазисов, что считается одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня. В статье основное внимание уделяется анализу нескольких моментов из области науки при изучении динамики ландшафтов.

**SUMMARY.** This article is a theoretical analysis of the dynamics of irrigated Oasis landscapes, which is considered one of the pressing issues of today. The main focus of the article is on the analysis of several points of the field of Science in the study of landscape dynamics.

# NAVOIY VILOYATI MEHNAT RESURSLARINING SHAKLLANISHI VA AHOLI BANDLIGIGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

**Sh.Sh.Norov** – *doktorant*
*Navoiy davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so‘zlar:** mehnat resurslari, aholi bandligi, tabiiy geografik omillar, iqtisodiy geografik omillar, demografik omillar, sotsial geografik omillar.

**Ключевые слова**: трудовые ресурсы, занятость населения, природно-географические факторы, экономико-географические факторы, демографические факторы, социально-географические факторы.

**Key words:** labor resources, employment of the population, natural and geographical factors, economic and geographical factors, demographic factors, socio-geographical factors.

Viloyat birinchi marta 1982-yil 20-aprelda tashkil topib, 1988-yilgacha shu maqomda mavjud bo‘lgan. So‘nggi marta esa u 27.01.1992-yilda qayta tiklangan. Maydoni 111,0 ming kv. km yoki respublika hududining yaqin to`rdan bir qismiga teng. Aholi soni esa 01.01.2023-yilda 1055,5 ming kishi . Mehnat resurslari soni 570,6 ming kishi. Bu geografik ko‘rsatkichlar O‘zbekiston miqyosida katta qutbiylik xarakteriga ega: maydoni bo‘yicha ham, demografik salohiyati bo‘yicha ham u ikkinchi, biroq hududiga ko‘ra viloyat Qoraqolpog‘iston Respublikasidan keyingi ikkinchi, aholi soni jihatidan esa faqat Sirdaryo viloyatidan oldinda. Ushbu taqqoslama ko‘rsatkichlar Navoiy viloyatida aholi soni zichligining nihoyatda pastligidan guvohlik beradi [8].

Navoiy viloyati respublikamiz hududiy mehnat taqsimotida asosan, tog‘-kon sanoati, shuningdek, rangli metallurgiya, kimyo, qurilish materiallari sanoati hamda qishloq xo‘jaligida go‘sht-jun chorvachiligiga ixtisoslashganligi bilan ajralib turadi.

Navoiy viloyati mehnat resurslarining shakllanishiga ta`sir etuvchi omillarni quyidagi guruxlarga ajratish mumkin;

- Tabiiy geografik omillar. Mazkur omillarga; tabiiy geografik o`rin, geologik tuzilishi, foydali qazilma konlarining mavjudligi, rel`yef hususiyatlari, iqlimi va suvlari, landshafti, tuproq, o`simlik va hayvonot dunyosi kiradi.
- Iqtisodiy geografik omillar. Iqtisodiy geografik o`rin,tabiiy resurslar bilan ta`minlanganlik darajasi, aholining hududiy joylashuvi va harakati, bandligi, sanoat tarmoqlarining rivojlanganligi, qishloq xo`jaligi tarmoqlarining ixtisoslashuvi, savdo va xizmat ko`rsatish tarmoqlarining tashkil etilganligi, transport va tashqi iqtisodiy aloqalar.
- Sotsial geografik omillar. Ushbu omillarga ta’lim, aholiga tibbiy xizmat ko`rsatish, chakana savdoaholining ijtimoiy guruxlarga mansubligi, ma`lumotlik darajasi,kasbiy qobiliyati, malaka darajasi, tibbiy – fiziologik ko`rsatkichlari, tarixiy urf-odatlar, mehnat qilishga bo`lgan qarashlari.
- Demografik omillar. Aholining takror barpo bo`lish jarayonlari yani, tug`ilish, o`lim, tabiiy ko`payish, oilaviy jarayonlar; nikoh va ajralish demografik omillarni asosini tashkil etadi.

Navoiy viloyati mehnat resurslarining shakllanishiga ta`sir etuvchi omillarni o`rganganimizda tabiiy geografk omillarning o`rni juda yuqori ekanligini ko`rishimiz mumkin. Navoiy viloyati Respublikamizning markaziy va shimoliy qismida joylashgan. Viloyat katta masofada bitta qo‘shni Qozog‘iston Respublikasi bilan chegaradosh. Ma’muriy birliklardan g‘arbda Buxoro, janub va janubisharqida Samarqand va shimoliy sharqda Jizzax viloyatlari bilan, shimolda va shimolig‘arbda Qoraqalpog‘iston Respublikasi bilan, janubda qisqa masofada Qashqadaryo viloyati bilan tutash.

Viloyat geografik iqtisodiy kartada o‘ziga xos tashqi hududiy qiyofaga ega bo`lib; uning asosiy yuki, qayta ishlash sanoati, demografik va iqtisodiy salohiyati juda kichik maydonni egallagan janubiy qismida, katta maydinni egallagan markaziy va shimoliy hududlarida ekstensiv, cho‘l hududlarga xos yaylov chorvachiligi va tog‘-kon sanoati tasahkil etilgan.




Navoiy viloyati hududi o‘zining orografik xususiyatlari bo‘yicha respublikaning boshqa mintaqalaridan keskin farq qiladi. Uning hududida kichikkichik qoldiq tog‘liklar mavjud. Pasttekisliklar chekka shimol va shimolig‘arbda, yirik botiqlar – Mingbuloq, Molali, Oyoqog`itma, Karakata. Qoratov – viloyatning ichki qismida joylashgan. Balandliklar dengiz sathidan 250-300 m yuqorida, tog‘liklarning eng tepa nuqtalari esa 2000 metrdan ortiq.

Viloyatdagi asosiy tog`lar Nurota, Oqtov, Qoratov tizmalari janub va janubisharqda Turkiston va Zarafshon tizmalariga qo‘shilib ketadi. Mazkur tog‘lar turli xil qazilma zahiralarga ega. Foydali qazilma konlari kichik qoldiq tog‘larda ko`p (Bo‘kantov, Etimtov, Tomditov, Aytimtov, Qozoqtov, Ko‘kpatas, Quljuqtov, Beltov, Ovminzatov). Navoiy viloyati iqlimi nihoyatda quruq va kontinental, yog‘in miqdori juda kam bo`lib, yillik o‘rtacha 100-200 millimetrni tashkil etildi. Bu esa viloyatda qishloq xo‘jaligini, xususan uning dehqonchilik tarmog‘ini rivojlantirishga noqulay sharoit hisoblanadi. Shu boisdan, Hududining asosiy qismi yaylov chorvachiligi va qorako‘lchilikka ixtisoslashgan. Viloyatda gidrografik gidrografik to`r uncha shakllanmagan; Navoiy shahri shimolidan oqib o`tuvchi Zarafshon daryosining suvi juda kamayib qoladi. Zarafshon daryosining quyi qismida sug‘orma dehqonchilikni rivojlantirish maqsadida Quyimozor, To‘dako‘l, Sho‘rko‘l suv omborlari qurilgan bo`lib, ular asosan Buxoro viloyati suv taminotini yaxshilashga xizmat qiladi . Asosiy suvni taqsimlashda Amu Buxoro, O`ng qirg`oq, Chap qirg`oq, O‘rtacho‘l, Konimex kabi kanallar xizmat qiladi. Aydarko‘l, Oyoqog`itma ko`llari va suv omborlari baliq xo‘jaligida ahamiyati katta.

Mehnat resurslarining shakllanishida tug`lish bilan bir vaqtda o`lim jarayonlariga ham alohida e`tibor beriladi. Mehnat resurslarining shakllanishiga ta`sir etuvchi omil sifatida o`rganish o`ta murakkab sanaladi, sababi bu sohada biologik va ijtimoiy asoslar o`rtasidagi qarama-qarshiliklar keskin namoyon bo`ladi. Oxir-oqibatda o`lim inson organizmini biologik rivojlanishining g`alabasi sifatida barcha ijtimoiy qonuniyatlardan ustun keladi. Ayni vaqtda inson organizmi jamiyatda yashashi davomida sivilizatsiya yutuqlarining ijobiy jihatlaridan bahramand bo`libgina qolmay, balki atrof-muhitning salbiy ta`sirlaridan mutnazam stresslarga ham uchraydi. Shuning uchun davlatning aholi salomatligi va o`limiga nisbatan olib borayotgan siyosatidagi vazifalar faqatgina sanitariya-epidcmiologik vaziyatni nazorat qilish bilan cheklanib qolmasligi lozim.

Viloyatning yuqorida tahlil qilingan tabiiy sharoiti aholi va mehnat resurslarining joylashishi va aholi bandligiga juda katta ta’sir ko`rsatgan. Hududnning tabiiy xususiyatiga ko`ra uch mintaqa yaqqol ko`zga tashlanadi;

- Zarafshon rayoni; Navoiy shaxri, Karmana, Navbahor, Qiziltepa va Xatirchi tumanlari
- Nurota rayoni; Nurota tumani va G`ozg`on shaxri
-Qizilqum rayoni, Konimex, Tomdi, Uchquduq tumanlari va Zarafshon shaxri

Zarafshon rayoni viloyatning kichik janubiy qismi Zarafshon botig`ini bir qismini o`z ichiga oladi. Ushbu hududda viloyatning beshta ma`muriy birligi joylashgan, ya’ni, Navoiy shaxri, Karmana, Navbahor, Qiziltepa va Xatirchi tumanlari. Bu hudud sug`orma dehqonchilik rayoni bo`lib, aholi va mehnat resurslari juda zich joylashgan.

Nurota rayoni Shimoliy va Janubiy Nurota tog`lari hamda Nurota – Quytosh botiqlarida joylashgan. Mazkur

rayonda viloyatning ikki ma`muriy birligi joylashgan bo`lib, Nurota tumani va G`ozg`on shaxarlarini o`z ichiga oladi

Qizilqum rayoni shu nomdagi cho`l hududida joylashgan bo`lib, Konimex, Tomdi, Uchquduq tumanlari va Zarafshon shaxri kiradi. Ushbu rayon viloyat hududini juda katta qismini egallagan (88 foizi) holda, Aholi va mehnat resurslari juda kam soni to`g`ri keladi.

Navoiy viloyatining aholi bandligida mineral resurslarning ahamiyati juda katta. Viloyatning yer ustining tuzilishi uning qazilma resurslarga boyligini ham ko‘rsatadi. Viloyat hududi, ayniqsa, o‘zining oltin zahiralari bilan ajralib turadi. Bu yerda oltindan tashqari qurilish materiallari xom ashyosi, marmar, uran, fosforit, asbest, dala shpati kabi konlarning yirik zaxiralari mavjud. Aynan mazkur mineral xom ashyo resurslari viloyat iqtisodiyotini shakllantirish, uning ishlab chiqarish va eksport salohiyatini rivojlantirishda asosiy rol o‘ynaydi. Foydali qazilma konlaridan oltin Muruntov, Amantoytov, Oltintov, Ko‘kpatas, Aristontol va boshqalarda, fosforit Jeroy-Sardoba konida, marmar konlari G‘ozg‘on, Oqtov, Ko‘kpatasda, oxaktosh koni Tomdibuloqda, polimetal rudalar Oqetpes, Ko‘kmanachi, Visokovoltnoe, Qorabugutda, mis rudasi Qoramurunda, turli xil qurilish materiallari xom ashyosi mavjud Oytim, Bepasan, Azkamar, Jeroy Sardara kabi konlarda bor.

- Demografik omillar. Aholining takror barpo bo`lish jarayonlari yani, tug`ilish, o`lim, tabiiy ko`payish, oilaviy jarayonlar; nikoh va ajralish demografik omillarni asosini tashkil etadi.

2023- yilda viloyatda tug‘ilish darajasi 21,6 promilleni tashkil etgan holda ma'muriy birliklar bo‘yicha katta hududiy farqlarga ega.Tug‘ilish darajasining hududiy farqlariga ko‘ra viloyat shahar va tumanlarini uchta guruhga bo‘lishimiz mumkin;

Tug‘ilish darajasi past bo‘lgan hududlar: Navoiy shahri, Qiziltepa, Navbahor, Tomdi tumanlari;

Tug‘ilish darajasi o‘rtacha bo‘lgan hududlar: Zarafshon shahri, Karmana, Nurota, Xatirchi tumanlari;

Tug‘ilish darajasi yuqori bo‘lgan hududlar: Uchquduq va Kanimex tumanlaridir.

Demografik vaziyatning shakllanishida o‘lim ham asosiy jarayonlardandir.O‘limga ta'sir etuvchi omillar ikki guruhga ya'ni endogen va egzogen omillarga bog‘liq bo‘ladi. Endogen omillar ichki omillar bo‘lib, inson organizmidagi o‘zgarishlar bo‘lgan omillardir. Egzogen omillar esa tashqi omillar bo‘lib, ular tao‘qi muhit ta'sirida sodir bo‘ladi. Viloyat o‘lim ko‘rsatkichlariga ikkinchi omilning ta'siri kattadir.Navoiy viloyatining muloq soni 4495 kishini tashkil etgan, ya'ni o‘limning umumiy koefsenti 4,7 promillnga teng bo‘lgan.O‘lim ko‘rsatkichlarida ham shahar va qishloq tumanlarida hududiy farqlar yaqqol ko‘zga tashlanadi.

O‘limning umumiy koefsenti nisbatan kam bo‘lgan hududlar (4,5 promillegacha), Zarafshon shahri, Navbahor, Tomdi, Qiziltepa tumanlari.

O‘limning umumiy koefsenti o‘rtacha bo‘lgan hududlar (4,6-5,0 promillegacha), Navoiy shahar, Xatirchi, Karmana, Nurota tumanlaridir.

O‘limnmng umumiy koefsenti nisbatan yuqori bo‘lgan hududlar (5,1 promilledan yuqori), Uchquduq va Kanimex tumanlaridir.

Aholining tabiiy harakati, aholining tabiiy o‘sishi ko‘rsatkichlari orqoli ifodalanadi. Aholining tabiiy ko‘payishini mutloq va nisbiy ko‘rsatkichlari mavjuddir. Aholining mutloq ko‘rsatkichlari asosida hududlarin taqqoslab bo‘lmaydi, chunki har bir hudud aholisining soni turlicha bo‘lib, ulardagi tug‘ilganlar va o‘lganlar soni aholining umumiy soniga bog‘liq bo‘ladi. Shuning uchun ham hududlar aholisini taqqoslashda tabiiy o‘sish koeffisientidan foydalaniladi. Navoiy viloyatida tabiiy o‘sishning mutloq soni 13876 kishini tashkil etgan. Aholining 15,7 promilleni tashkil etgan holda tumanlar bo‘yicha qo‘yidagi hududlar farqlarga egadir;

Tabiiy o‘sish koefsenti 15,0 promilledan kam bo‘lgan shahar va tumanlar, Navoiy shahar, Qiziltepa, Navbahor, Navbahor, Tomdi tumanlari,

Tabiiy o‘sish koeffisienti 15,1 promilledan 18,0 promillegacha bo‘lgan qishloq tumanlari, Kanimex, Nurota va Kanimex tumanlaridir.

Tabiiy o‘sish koeffisienti yuqori ko‘rsatkichi Uchquduq tumaniga to‘g‘ri keldi, ya’ni tabiiy o‘sishning nisbiy ko‘rsatgichi 20,0 promilleni tashkil etgan.

Aholi takror barpo bo‘lishida birinchi navbatda oilani tashkil topishi ahamiyatlidir. Oila shakllanishining hududiy xususiyatlari va tarkibini o‘rganish aholi geografiyasining muhim vazifalaridan hisoblanadi. Oilaning shakllanishi esa, o‘z o‘rnida nikoh va ajralish jarayonlari bilan chambarchas bog‘liqdir. Nikoh erkak va ayolning tarixan tarkib topgan, jamiyat tamonidan muayyan tarkiyuga solib turiladigan o‘zaro hamda bolalarga nisbatan munosabatlari shaklidir. Nikoh o‘z evalyutsiyasiga, turlariga ega bo‘lgan sotsial jarayondir. Nikohni qayt etish fuqorolarning tartib qonun va qoidalari va diniy urf – odatlarga ko‘ra amalga oshiriladi. Nikohlanuvchilarning soni o‘z navbatida tug‘ilish darajasiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Navoiy viloyati nikohning umumiy sonida (9748 ta) respublikamiz ma’muriy birliklar ichida o‘n uchunchi o‘rinda turadi, bu esa aholining umumiy soni bilan bog‘liqdir. Nikohga kiruvchilarning umumiy koeffisientida (11,0 promille) esa yuqori o‘rinlarni egallaydi. Nikohga kiruvchilar sonini hududiy jihatlariga e'tibor beradigan bo‘lsak Xatirchi -2100 ta, Qiziltepa – 1472 ta, Karmana - 1337 ta, tumanlarida yuqori hisoblanadi. Tomdi -152 ta, Konimex – 375 ta, Uchquduq -475 ta,qo‘yi o‘rinlarni egallaydi. Bu ko‘rsatgich tumanlarning aholi soni bilan bog‘liq. Har ming aholiga o‘rganadigan bo‘lsak;

Nikohning umumiy koeffisienti past bo‘lgan hududlar (10,0 promillegacha); Navoiy, Zarafshon shaharlari, Nurota, Tomdi tumanlari.

Nikohning umumiy koeffisienti o‘rtacha bo‘lgan hududlar (10,1-12,0 promillegacha); Qiziltepa, Navbahor, Xatirchi tumanlari.

Nikohning umumiy koeffisienti yuqori bo‘lgan hududlar (12,1 promilledan ko‘p ) ; Karmana, Kanimex, Uchquduq tumanlaridir.

Yana bir demografik jarayonlprdan biri ajralishdir. Ajralish er –xotinning xayotlik davrida nikohning bekor etilishidir. Ajralish murakkab sosial jarayon bo‘lib, qator omillar ta'sir ko‘rsatadi;Oilaning tarkibi, sosial tartib, bilim darajasi va saviyasi, er – xotin o‘rtasidagi munosabatlar ta'sir ko‘rsatadi. Navoiy viloyatida 2023 yilda 718 ta ajralish qayt etilgan, ya'ni har ming aholiga nisbatan 0,8 promilleni tashkil etgan. Ajralish jarayonlari shaharda nisbatan yuqori: Navoiy shahrida 1,3 promille, Zarafshon shahrida 2,0 promille, Uchquduq tumanida 1,5 promille, aksincha ajralish koeffisienti nisbatan kam: Tomdi tumanida 0,2 promille, Nurota tumani 0, 3 promille, Xatirchi va Karmana tumanlarida esa 0,5 promilleni tashkil etgan.

Navoiy viloyati demografik jarayonlari va ularning hududiy jihatlarini o‘rganishda qo‘yidagi xulosalarni ko‘rsatishimiz mumkin. 2023-yilda viloyat demografik jarayonlari shahar va qishloq tumanlarida katta hududiy farqlar ko‘zga tashlandi. Tabiiy ko‘payish ko‘rsatkichlari qishloq tumanlarida ayniqsa, cho‘l hududida joylashgan olis tumanlarda yuqori bo‘ldi. Nikohlarni buzilishi shaharlarda yuqoriligi bilan ajralib turdi.

- Iqtisodiy geografik omillar. Iqtisodiy geografik o`rin,tabiiy resurslar bilan ta`minlanganlik darajasi, aholining hududiy joylashuvi va harakati, bandligi, sanoat tarmoqlarining rivojlanganligi, qishloq xo`jaligi tarmoqlarining ixtisoslashuvi, savdo va xizmat ko`rsatish

tarmoqlarining tashkil etilganligi, transport va tashqi iqtisodiy aloqalar.

Navoiy viloyati barcha sohalarda o'ziga xos mavqeni egallaydi. Sanoatning ulushi bo'yicha respublikamizda birinchi, biroq qishloq xo'jaligi, savdo va umumiy ovqatlanish, soliqlar, kichik biznes hamda xizmatlar ulushi bo'yicha ham "birinchi", faqat viloyat ro'yxatlari oxiridan. Darhaqiqat, viloyat YAHMning atigi 36,9 foizini kichik biznes hissasiga tushadi, vaholanki, bu ko'rsatkich respublika bo'yicha o'rtacha 55 foizdan ziyod. Bunday mintaqaviy xususiyatlar ko'proq viloyatning tabiiy sharoit va resurslaridan kelib chiqqan holda, xo'jaligining tarmoqlar tarkibi va ixtisoslashuvi, demografik vaziyatiga bog'liq.

- Sotsial geografik omillar. Ushbu omillarga ta'lim, aholiga tibbiy xizmat ko`rsatish, chakana savdoaholining ijtimoiy guruxlarga mansubligi, ma`lumotlik darajasi,kasbiy qobiliyati, malaka darajasi, tibbiy – fiziologik ko`rsatkichlari, tarixiy urf-odatlar, mehnat qilishga bo`lgan qarashlari.

Sanoat, qishloq xo'jaligi va umuman ishlab chiqarishning "egasi", amalga oshiruvchisi inson, mehnat resurslari hisoblanadi. Ijtimoiy sohalarda ham aholi xizmat qiladi, biroq bu xizmat insonning o'ziga, uning sog'lig'i, ta'limi, dam olishi, davolanishi va boshqa ehtiyojlarini qondirishga qaratiladi. Shu nuqtai nazardan ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish o'zaro chambarchas bog'liq va ularni bir-biridan keskin ajratib bo'lmaydi.

**Adabiyotlar**


1. Abirqulov Q. Iqtisodiy geografiya. –T.: 2004.
2. Abduraxmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti; nazariya va amaliyot. – T.: "Mehnat", 2004.
2. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно- терминологический словарь. - М.: 1980.
3. Bo'riyeva M, Tojiyeva Z., Zokirov S.Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. –Toshkent: 2011.
4. Копилов В.А. География населения. -Москва: "Мысль", 2000.
5. Qayumov A. va boshqalar.Aholi geografiyasi va demografiyasi. –Toshkent: 2009.
6. Soliev A.S., Maxamadaliev R. Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya asoslari. – T.: 2005
7. Soliev A., Qarshiboeva L. Iqtisodiy geografiyaning nazariy va amaliy masalalari. -T.: 1999.
8. Soliyev A. O'zbekiston Geografiyasi (O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi). –Toshkent: "Universitet", 2014.



**REZYUME.** Maqolada Navoiy viloyati mehnat resurslarining shakllanishi va aholi bandligiga ta'sir etuvchi omillar, ya'ni, tabiiy geografik omillar, iqtisodiy geografik omillar, demografik omillar, sotsial geografik omillar tahlil qilingan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье проанализированы факторы, влияющие на формирование трудовых ресурсов и занятость населения Навоийской области, а именно природно-географические факторы, экономико-географические факторы, демографические факторы, социально-географические факторы.

**SUMMARY.**The article analyzes the factors affecting the formation and employment of Labor resources of the Navoi region, namely, natural geographical factors, economic geographical factors, demographic factors, social geographical factors.


# QORAQALPOG'ISTON USTYURTIGA TABIIY-GEOGRAFIK TAVSIF


**Q.P.Turdibaev** – *tayanch doktorant*

**Ya.I.Ametov** – *b.f.d., professor*

*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti*



**Tayanch so'zlar:** Ustyurt, shimoliy, markaziy, janubiy Ustyurt, chink, dengiz sathi, havo harorati, yog'ingarchilik miqdori, o'simlik va hayvonot dunyosi.

**Ключевые слова**: Устюрт, северный, центральный, южный Устюрт, чинк, уровень моря, температура воздуха, количество осадков, флора и фауна.

**Key words:** Ustyurt, northern, central, southern Ustyurt, chink, sea level, air temperature, precipitation, flora and fauna.


Ustyurt tekisligi Kaspiy va Orol dengizlari oralig'ida joylashgan, barcha tarafi tabiiy chegara, chinklar bilan chegaralangan. Ustyurt tekisligi administrativlik tomondan Qozog'iston Respublikasi (shimoliy-g'arbiy qismi), Turkmaniston Respublikasi (janubiy qismining ozgina hududi) va O'zbekiston Respublikasi (janubiy-sharqiy qismi) tarkibiga kiradi.

Qoraqalpog'iston Respublikasiga Ustyurt tekisligining janubiy-sharqiy qismi tegishli bo'lib, u administrativlik tomondan Qoraqalpog'iston Respublikasining Qo'ng'irot tumani tarkibiga kiradi. Qoraqalpog'iston Ustyurti shimoliy-g'arbiy tomoni Qozog'iston Respublikasi, janubda Turkmaniston Respublikasi, janubiy-sharqda Qoraqalpog'iston Respublikasining Shumanay tumani, sharqda Mo'ynoq tumani bilan chegaradosh.

Ustyurt tekisligining umumiy maydoni 21 mln ga bo'lib, shundan Qoraqalpog'iston Respublikasiga tegishli qismi 7,1 mln ga. Hudud shimoldan janubga 500 km., g'arbdan-sharqga 350 km masofaga cho'zilgan va dengiz sathidan 63-287 metr balandlikda joylashgan. Qoraqalpog'iston Ustyurti sharqiy, janubi-sharqiy va janubiy tomonlari tabiiy chegara tik jarliklar «chink»lar bilan chegaralangan. Ularning balandligi 150 metrga qadar yetadi. Ustyurtning janubi-sharqida Sariqamish ko'lining O'zbekiston Respublikasiga tegishli qismi joylashgan.

Ustyurt platosining usti relyefi bo'yicha bir tekisdek ko'rinadi, lekin aslida to'lqinsimon ko'rinishga ega. Shu bilan birga dengiz sathidan balandligi ham bir xil emas [3].

Ustyurtda deyarli kenglik bo'yicha joylashgan uchta botiq va ikkita tepalik mavjud. Ustyurtning shimolida o'rta qismi sho'rxoklardan iborat balandligi 100 m dan oshmaydigan botiqlar bor. Bu botiqlardan janub tamonda Kassarma tepaligi joylashgan. Kassarma tepaligining janubida Borsakelmas botig'i joylashgan. Bu botiq tubining dengiz sathidan balandligi 63 m bo'lib sho'rxoklardan iborat. Borsakelmas botig'ining atrofi balandlashib, balandligi 150 m ga yetadigan yassi tekislikka aylanadi. Tekislikda ham sho'r yerlar uchraydi.

Borsakelmas botig'idan janubiy tomonda yer sathi asta balandlashib, Qorabovur tepaligi qirlariga tutashib ketadi. Qorabovur tepaligining usti yassi, dengiz sathidan mutlaq balandligi 150-290 m. Qorabovur tepaligining janubida dengiz sathidan balandligi 27-100 m gacha bo'lgan Asakaovdan botig'i joylashgan. U sharqda Sariqamish botig'i bilan tutashib ketadi.

Qoraqalpog'iston Ustyurti iqlimi va tuproq-geobotanik sharoitiga qarab 3 ta tabiiy geografik rayonga bo'linadi [2:106-111; 3:4]. Bular Shimoliy, Markaziy va Janubiy Usyurt rayonlaridir.

1. Shimoliy Ustyurt hududi Qo'sbuloq qudug'iga parallel joylashgan Qoraqolpog'iston Ustyurtining dengiz sathidan balandligi 150 m dan ortmaydigan shimoliy tekislik qismi kiradi. Rayon hududining sharqiy qismida Oqtumshuq chinki yaqinida dengiz sathidan balandligi 220-256 m gacha yetadigan tekisliklar mavjud.

2. Markaziy Ustyurt tabiiy geografik rayoni maydoniga ko'ra eng katta rayon bo'lib, Qoraqalpog'iston Ustyurtining markaziy qismini egallaydi. Markaziy Ustyurt hududi Qo'sbuloq qudug'ining janubiy tarafidan Qorabovur tepaligigacha hududni o'z ishiga oladi. Bu rayon Ustyurtdagi balandligi eng past rayon hisoblanadi. Borsakelmas botig'ida eng past nuqta 63 m bo'lsa, rayon shimolida 150 m ga yetadi. Borsakelmas tubi sho'rxok bilan qoplangan botiq. Uni atrofidan sal qiya tekislik o'rab turadi.

3. Janubiy Ustyurt rayoni Qoraqolpog'iston Ustyurtining Qorabovur tepaligidan janubda joylashgan hududlarini o'z ichiga oladi. Yer yuzasi asosan tekislik bo'lib, sal qiya tekisliklar bilan o'ralgan Asakaovdon botig'i ushbu rayonda joylashgan.

Qoraqalpog'iston Ustyurtining iqlimi keskin kontinental. Uning iqlimiga xos xususiyatlar – bu qishki havo harorati O'zbekistonning boshqa hududlariga nisbatan ancha past bo'lishi, qishning uzoq vaqt davom etishi, yozgi havo haroratining yuqoriligi va yog'ingarchilikning kamligidir. Oqtumshuq va Qaraqalpog'iston gidrometeorologik stantsiyasi ma'lumotlari bo'yicha Qoraqalpog'iston Ustyurtining shimoliy, markaziy va janubiy hududlarida iqlim sharoitlari bir-biridan farq qiladi (1-jadval).

**1-jadval. Qoraqalpog'iston Ustyurtining havo harorati ko'rsatkishlari, °C (2011-2022)**

| Yillar | Oqtumshuq gidrometeorologik stantsiyasi | | | Qaraqalpog'iston gidrometeorologik stantsiyasi | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | o'rt | max | min | o'rt | Max | Min |
| 2011 | 8,7 | 40,9 | -27,5 | 9,9 | 47,0 | -27,6 |
| 2012 | 9,5 | 42,3 | -29,1 | 10,5 | 44,5 | -29,0 |
| 2013 | 10,7 | 40,8 | -23,5 | 12,0 | 40,0 | -19,2 |
| 2014 | 9,2 | 37,0 | -34,1 | 10,3 | 44,5 | -33,7 |
| 2015 | 10,3 | 41,4 | -19,4 | 11,6 | 46,0 | -22,0 |
| 2016 | 10,9 | 42,1 | -22,1 | 11,7 | 41,0 | -28,4 |
| 2017 | 10,1 | 38,8 | -26,1 | 11,3 | 46,6 | -26,7 |
| 2018 | 8,9 | 43,4 | -27,5 | 10,4 | 45,8 | -26,2 |
| 2019 | 10,3 | 43,0 | -21,1 | 11,7 | 45,1 | -18,3 |
| 2020 | 10,6 | 45,6 | -23,7 | 11,7 | 43,8 | -22,8 |
| 2021 | 10,9 | 41,0 | -28,5 | 12,3 | 45,0 | -24,8 |
| 2022 | 10,3 | 43,0 | -30,0 | 11,8 | 44,6 | -20,8 |

Izoh: Gidrometeorologik stantsiyalar ma'lumotlari o'rganishlar asosida mualliflar tomonidan tahlil qilingan

Shimoliy Ustyurtning iqlimi qishning qattiqligi bilan ajralib turadi. Bu hududda sutkalik o'rtacha havo harorati -10°C dan past bo'lgan davr 20 kun davom etib, qor qoplami 60-70 kun saqlanadi. Yaxmalakli kunlar soni 6 kundan 10 kungacha davom etadi. Qish oylaridagi manfiy haroratning yig'indisi 850-900°C ni tashkil etadi. Oqtumshuq gidrometeorologik stantsiyasi ma'lumotlari bo'yicha yanvar va fevral oylarida eng past havo harorati -34,1°C ga etadi. Ayrim yillar bahor oylarida ham qattiq sovuqlar bo'lib turadi. Masalan, 1954-yil mart oyida Churuqda haroart -37°C gacha, Qo'sbuloqda – 34°C gacha pasaygan [5].

Yoz Shimoliy Ustyurtda issiq va quruq, eng yuqori harorat ayrim yillari hatto +45,6°C gacha ko'tariladi. Havo harorati +10°C dan yuqori bo'lgan davrdagi haroratning yig'indisi 3500-3700°C.

Markaziy Ustyurt iqlimi Shimoliy Ustyurtnikidan qishi biroz iliqroqligi bilan farq qiladi. Sutkalik o'rtacha havo harorati -10°C ga yetadigan kunlar deyarli kuzatilmaydi. Qaraqalpog'iston gidrometeorologik stantsiyasi ma'lumotlari bo'yicha past havo harorati -33,7°C, qor 40-60 kungacha saqlanib turadi va yaxmalakli kunlar 1-10 kungacha, havo harorati +10°C dan yuqori bo'lgan davrdagi sutkalik o'rtacha haroratlar yig'indisi 3700-4000°C ni tashkil qiladi.

Janubiy Ustyurt Markaziy Qozog'iston va Turon provintsiyalari chegarasida joylashganligi sababli iqlimi Ustyurtning boshqa hududlariga nisbatan ancha yumshoqroq. Haqiqiy qish 4 oydan oshmaydi. Hattoki ayrim yillari haqiqiy qish kuzatilmaydi. Qish davridagi manfiy havo harorati yig'indisi 500°C gacha, qorlar 30-40 kun saqlanib, yaxmalakli kunlar bo'lsa 1-5 kunni tashkil etadi.

Janubiy Ustyurtda yoz shimoliy hududlarga nisbatan issiq va quruqroqdir. Iyul oyida maksimal havo harorati +47°C ga teng. O'rtacha havo harorati +10°C dan yuqori bo'lgan davrdagi haroratning yig'indisi 4000-4500°C.

So'nggi yillarda Qoraqalpog'iston Ustyurtida o'rtasha yillik havo harorati ko'tarilib bormoqda. Oqtumshuq va Qoraqalpog'iston gidrometeorologik stansiyasi bergan ma'lumotlari bo'yicha o'rtasha havo harorati 2011-yilda +8,7-9,9°C ni tashkil etsa, 2022-yilda bu ko'rsatkish +10,3-11,8°C ga yetgan (1-rasm).




*1-rasm. Qoraqalpog'iston Ustyurtining o'rtasha yillik havo harorati ko'rsatkishlari, °C da*

Qoraqalpog'iston Ustyurtida oqar suv manbalari yo'q. Ustyurtning suv resurslari asosan yer osti va bahorgi namgarchilik vaqtida chuqurliklarda yig'ilib qolgan suvlar hisoblanadi. Ustyurtda yer osti suvlarining joylashishi ham bir xil emas. Ular shimoliy qismida 3-35 m dan 80 m gacha, janubiy qismida 18-35 m dan 100-140 m gacha, markaziy qismida 5-50 m dan 100-110 m gacha yetib, ko'pshiligi sho'r. Bahorgi namgarchilik vaqtida chuqurliklarda yig'ilgan suvlar kun isishi bilan bug'lanib ketadi. Oqtumshuq va Qoraqalpog'iston gidrometeorologik stantsiyasining ma'lomotlari bo'yicha Ustyurtda yog'ingarchilik miqdori bir tekis taqsimlanmagan (2-jadval).

2-jadval. Qoraqalpog‘iston Ustyurtida nisbiy havo namligi va yog‘ingarchilik miqdori, mm

| Yillar | Oqtumshuq gidrometeorologik stantsiyasi | | | Qoraqalpog‘iston gidrometeorologik stantsiyasi | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Nisbiy namlik,% | | Yog‘ingarchilik miqdori, mm | Nisbiy namlik,% | | Yog‘ingarchilik miqdori, mm |
| | o‘rt | min | | o‘rt | Min | |
| 2011 | 63 | 11 | 17,6 | 53 | 10 | 167,6 |
| 2012 | 58 | 9 | 13,4 | 48 | 6 | 101,1 |
| 2013 | 65 | 8 | 25,0 | 50 | 3 | 185,5 |
| 2014 | 65 | 12 | 20,9 | 54 | 6 | 122,3 |
| 2015 | 66 | 8 | 37,2 | 53 | 6 | 178,0 |
| 2016 | 67 | 15 | 21,5 | 54 | 6 | 261,0 |
| 2017 | 64 | 7 | 19,4 | 52 | 5 | 107,7 |
| 2018 | 62 | 10 | 32,7 | 53 | 4 | 132,5 |
| 2019 | 61 | 8 | 37,9 | 58 | 5 | 208,9 |
| 2020 | 59 | 10 | 23,9 | 50 | 5 | 74,8 |
| 2021 | 59 | 10 | 24,4 | 49 | 5 | 57,9 |
| 2022 | 63 | 10 | 31,9 | 58 | 5 | 181,0 |

***Izoh:** Gidrometeorologik stantsiyalar ma’lumotlarini o‘rganishlar asosida mualliflar tomonidan tahlil qilingan*

Adabiyot ma’lumotlari bo‘yicha Qoraqalpog‘iston Ustyurtida o’rtacha yillik yog‘ingarchilik miqdori 100-122 mm ni tashkil etadi. So’nggi yillarda Ustyurtning shimoliy qismida o‘rtacha yillik yog‘ingarchilik miqdori 13,4-37,9 mm, markaziy qismida 59,9-261 mm kuzatilgan (2-rasm). Yog‘ingarchilikning bunday taqsimlanishiga asosiy sabab uning geografik joylashuvi va g‘arbdan, shimoli-g‘arbdan keladigan havo massalari bilan bog‘liq.




*2-rasm. Qoraqalpog‘iston Ustyurtida yog‘ingarchilik miqdori, mm da*

Qoraqalpog‘iston Ustyurtida sur-qo‘ng‘ir, taqirli tuproqlar keng tarqalgan. Sur-qo‘ng‘ir tuproqlar yupqa bo‘lib, undagi chirindi miqdori 0,5-0,8% dan oshmaydi, tarkibida gips ko‘p va sho‘rlangan. Taqirli tuproqlar bilan birgalikda taqirlar ham uchraydi. Shuningdek, Ustyrutdagi botiqlarda sho‘rxoklar, sho‘rxok botqoqlar, taqir sho‘rxok, sho’rtob tuproqlar bor. Borsakelmas botig‘ining shimoliy qismi qum va qumli tuproqlardan tashkil topgan.

Iqlimning noqulayligi va deyarli bir xil tuproq sharoiti Qoraqalpog‘iston Ustyurtida o‘simliklarning siyrak o‘sishiga olib kelgan. Ustyurt tekisligida 59 oila 295 turkumga mansub 724 yuksak darajali osimliklar borligi aniqlangan [4].

O‘simliklar asosan shuvoq va sho‘ralardan iborat. Bulardan tashqari, qirqbo‘g‘in, kovrak, qorasaksovul, oqsaksovul, burgan, boyalich, tetir, sarsazan, iloq kabilar ham uchraydi, Ustyurtdagi botiqlarda asosan oqsaksovul, qorasaksovul, kovrak, sarsazan keng tarqalgan. Oq va qorasaksovullarning balandligi 3-4 m ga yetadi. Bahorda efemer va efemeroidlar katta maydonlarni egallaydi va kun isishi bilan qurib qoladi. Shuningdek, qumli tuproqlarda saksovullar, ular orasida iloq o‘sadi.

Qoraqalpog’iston Ustyurtida umurtqali hayvonlarning 300 dan ortiq turlari tarqalgan [1:74-88; 6:25-28]. Turlar sonining ko‘pligi bo‘yicha qushlar yetakshi o‘rinni egallaydi. Bu yerda yilning turli mavsumlarida 200 dan ortiq qush turlari uchrab, asosan chumchuqsimonlar va yirtqich qushlar uyalaydi. Tekisliklarda yo‘rg‘a, tuvaloq, qorabovur, suv bulduruq, kul rang to‘rg‘ay, toshsirchumchuqlar uchrasa, chinklarda yirtqish qushlar va bahorgi yog‘ingarchiliklarda toplangan suvlarda o‘rdaklar uchraydi.

Ustyurtdagi sut emizuvchilardan ola putorak, tamarisk qumsichqoni, Seversov qo‘shoyog‘i va kichik qo‘shoyoq, qum quyon, uzun ignali tipratikan va qizil dumli qumsichqon keng tarqalgan. Ustyurtda yashovchi sut emizuvchilardan sayg‘oq, jayron, Ustyurt qo‘yi, hind asalxo‘ri, qoraquloq, qushlardan yo‘rg‘a tuvaloq, burgut, cho‘l burguti va bir nechta yirtqish qushlar yo‘qolib ketish arafasida turganligidan O‘zbekiston Respublikasi Qizil kitobga kiritilgan. Yo‘qolib ketish arafasida turgan o‘simlik va hayvonlarni muhofaza qilish uchun Ustyurtning shimoliy tamonida Saygachiy majmua (landshaft) buyurtma qo‘riqxonasi, markaziy qismida Sudoche-Akpetki va Borsakelmas davlat buyurtma qo‘riqxonalari va janubiy qismida Janubiy Ustyurt milliy tabiat bog‘i tashkil etilgan.

Qoraqalpog‘iston Ustyurtida so‘nggi yarim asrda gaz, neft va boshqa qimmatbaho metallarni izlash ishlari jadal rivojlandi. Bu hududdan transkontinental temir yo‘l, Markaziy Osiyo-Rossiya gaz quvuri va boshqa aloqa liniyalari o‘tkazildi. Shuningdek, Jasliq, Qoraqalpog‘iston, Elobod va Aqsho‘laq nomli shahar tipidagi yirik aholi yashash punktlari paydo bo‘ldi. Bularning hammasi o‘simlik dunyosi va yovvoyi hayvonotlarga texnogen ta’sirlarning kuchayishiga olib kelmoqda.

## Adabiyotlar

1. Быкова Е. А., Есипов А.В., Головцов Д.Е., Нуриджанов Д.А. / Фауна наземных позвоночных Восточного чинка плато Устюрт. // Вестник Тюменского государственного университета. Экология и природопользование. 2017. Т 3. № 4. -С. 74-88.

2. Клейменова И. Е. Эколого-географическое районирование Каракалпакского Устюрта. // Вестник ОГУ №10 (116). 2010. – С. 106 –111.

3. Матмуратов Ж. Агроклиматические условия Северо-Западного Узбекистана. – Нукус: «Каракалпакстан», 1989. –С.255.

4. Сарыбаев Б.П. Флора и растительность плато Устюрт и перспективы их использования: Автореф. дисс. … док. биол. наук. – Ташкент: 1994. –С. 48.

5. Хасанов И.А., Ғуломов П.Н., Каюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси (2 қисм). – Тошкент: 2010. 98-б.

6. Matekova G.A., Turdıbaev K., Ametova N.I., Ametov Ya.I., Jumanov M.A. Ecological features of the ornitofauna of the karakalpak part of the Usturt Plateau. International Journal of Entomology Research, Volume 7, Issue 12, 2022, -P. 25-28

**REZYUME.** Ushbu maqolada Qoraqalpog‘iston Ustyurtining tabiiy-geografik jaylashuvi, geografik rayonlari so‘nggi yillardagi havo harorati va yog‘ingarchilik miqdorining o‘zgarishi, o‘simlik va hayvonot dunyoining hozirgi holati va ularni muhofaza qilish bo‘yicha amalga oshiriloyotgan ishlar bayon etilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье описано физико-географическое положение Каракалпакского Устюрта, изменение температуры воздуха и количества осадков в разные годы, современное состояние флоры и фауны и работы, которые можно провести по их охране.

**SUMMARY.** The article describes the physical and geographical position of Karakalpak Ustyurt, changes in air temperature and precipitation in different years, the current state of flora and fauna and the work that can be done to protect them.

# JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

**Tariyx.**

## ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ ҲОЛАТИ

***(илк босқич)***

**М.А.Абдуллаев –** *мустақил изланувчи*
*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** қорақалпоқ халқи, этнографик билимлар, экспедициялар, мустақиллик даври, илк тадқиқотлар, юрта.
**Ключевые слова:** каракалпаки, этнографические знания, экспедиции, период независимости, ранние исследования, юрта.
**Key words:** Karakalpak, ethnographic knowledge, expeditions, period of independence, early studies, yurta.

Қорақалпоқлар этнографиясини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларнинг Марказий Осиё маданий маконидаги ўрнини аниқлаш, йиллар давомида ўзлигини сақлаб қолишига оид тадқиқотларни таҳлил қилиш орқали, нафақат ушбу халқнинг ўзи, балки ўзбеклар ва бошқа қардош халқларни ҳам этник тарихини чуқур англаш имкони пайдо бўлади. Шу сабабли, қорақалпоқларнинг мустақиллик йилларида этнографик ўрганилишини тарихшунослик жиҳатидан таҳлил қилиш, соҳадаги мавжуд муаммолар, ўтган давр давомида эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш ва келажакдаги тадқиқот режалари тузишда муҳим ҳисобланади.

Қорақалпоқ халқининг этнография жиҳатдан чуқур ўрганиш Совет давлати даврида айниқса ривожланди. Аввало қорақалпоқ аҳолиси тўғрисадаги статистик маълумотлар тўплай бошланган бўлса [1], XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб қорақалпоқларни этнографик эспедициялар воситасида ўрганиш ишлари жадаллашди [2]. 30-йиллардан халқнинг этнографик ўрганишига оид илк йирик тадқиқот нашрлари чоп этила бошланди [3].

XX асрнинг 40-йилларидан Иккинчи Жаҳон уруши бошлангани муносабати билан илмий тадқиқотлар сони ва кўлами чекланиб, фақатгина урушдан кейинги йилларда тиклана бошлади [4]. 1945-1955 йиллар давомида Қорақалпоқ этнографик гуруҳи томонидан катта ҳажмдаги экспедициялар ташкил этилиб, кўплаб олимлар ушбу жараёнга ўз ҳиссасини қўшган. Жумладан, Т.А.Жданко, Б.В.Андрианов, М.В.Сазонова, К.Л.Задыхина, Н.П.Лобачева, С.К.Камалов, Р.К.Косбергенов, У.Х.Шалекенов каби тадқиқотчилар иштирок этиб [5:5-16], ўз дала маълумотларини нашр этиш орқали қорақалпоқ этнографиясини янада бойишига хизмат қилган. Бундан ташқари, А.С.Морозова [6], Т.А.Жданко, У.Х.Шалекенов, Л.С.Толстова [7:29-46] томонидан 60-йилларга қадар қорақалпоқлар хўжалиги, кундалик ҳаёти ва моддий маданиятига оид илмий тадқиқотлар, диссертация ишлари ҳимоя қилиниб, нашрлар чоп этилишда давом этди.

XX асрнинг 60-80-йилларида қорақалпоқ халқининг этнографик жиҳатдан ўрганилиши янада ривожланишига замин ҳозирланди. Яъни, 1959 йил 25 июлда ЎзССР Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ филиали ташкил этиши тўғрисида буйруқ чиқди, бу эса соҳа ривожи учун катта туртки бўлиб хизмат қилди. Бу даврда қорақалпоқларнинг умумий этнос сифатида шаклланиш тарихини бутунлигича ёки унинг турли босқичларини тадқиқ қилиш кучайди. Ушбу даврда ижод қилган бир қанча тадқиқотчилар фаолиятини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, С.К.Камалов [8, 9], Р.Косбергенов, К.Сарыбаев, У.Х.Шалекенов, А.Бекмуратова, М.К.Нурмухамедов, Х.Есбергенов ва Т.Атамуратов, А.Джалилов каби тадқиқотчилар фаолияти қорақалпоқлар этнографиясининг турли жиҳатларини ёритишда муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу даврда қорақалпоқлар тарихига бағишланган йирик монографик тўпламнинг нашр этилиши [10], халқ тўғрисида етарлича кенг маълумотлар тўпланганидан далолат беради.

Албатта, қорақалпоқ халқи этнографиясига оид тадқиқотлар юқоридагилар билан чекланиб қолмайди. Совет давлати даврида улар етарли даражада ўрганилган. Аммо ўша давр сиёсий талабига асосан, мафкуравий ғоялар сингдирилган тадқиқотлар ҳам кўп учрайди. Бу тадқиқотларнинг фақатгина этнографик жиҳатларини олинган тақдирда, унинг аҳамияти юқорилигича қолади. Ушбу даврни қисқа экскурс қилишдан кўзланган мақсад эса, мустақиллик даврига қадар ушбу халқ этнографиясига оид ўзи қандай маълумотлар асоси тўплангани, унинг ҳолати ва камчиликларини очиб бериш эди.

Мустақиллик нафақат Ўзбекистон, балки Қорақалпоғистон учун ҳам янги имкониятлар эшигини очиб берди. Ушбу халқ тарихи ва этнографиясини қайта таҳлил қилиш, ўрганиш ва саралаш имконияти юзага келди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида кузатиладиган ҳолат, яъни аввалги тадқиқот йўналишлари ва фаолиятини деярли ўзгаришсиз давом этиши ҳолати Қорақалпоғистондан ҳам кўзга ташланади. Чунки узоқ йиллар давомида тоталитар таъсир остида яшаб, ҳаётнинг барча жабҳаларини марказдан белгилашга ўрганилган ҳолатда, истиқлолга эришилмоқда ва энди барча соҳада, шу жумладан, этнографияда ҳам тадқиқот йўналишини давлатнинг ўзи белгилаши лозим бўлиб қолди. Натижада Ўзбекистонда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида тадқиқот йўналишлари деярли ўзгаришсиз давом этиб келган.

1991 йил тўртинчи чорагидан бошлаб, қорақалпоқ этнографиясининг тадқиқ этилиши бир нечта асосий йўналишда кечди:

- Биринчиси, миллий анъана ва қадриятларни сақлаб қолиш, тиклаш ва асраш масаласи (асосан оила ва тарбия мисолида);
- Иккинчиси, қорақалпоқ тили ва унинг бошқа тиллар билан ўхшаш ва фарқли томонлари масаласи;
- Фольклор ва халқ ижодини тиклаш ва асрлаш масаласи.

Жумладан, биринчи масала доирасида 1991 йилда И.М. Сагдян, В.И.Басилов, Х.Е.Есбергенов, 1992 йилда М.Низаматдинов, 1993 йилда Р.С.Камалова, Х.Е.Есбергенов ва б.; Иккинчи масала доирасида 1991 йилда Ф.А.Шарифуллина, Е.Т.Изимбетов, М.Даўлетов, Т.Кенжабаева, Г.Жумашева, 1992 йилда А.Бекбергенов ва б.; Учинчи масала доирасида 1992 йилда Н.А.Баскаков [1:124-129], А.Пирназаров, Б.Қалимбетов, 1993 йилда Ж.Бердиев ва б. мақола ва тадқиқот натижалари чоп этилган.

Юқоридаги тадқиқот ишлари таркиби ва мавзумнидан англашиладики, истиқлолнинг дастлабки уч йилида изланишлар асосан қорақалпоқ тили ва алабиёти, фольклор ва турли урф-одатлар доираси билан чекланган. Яъни, тадқиқотчилар имкон қадар сиёсат билан боғлиқ бўлмаган, халқни ўзига хослиги билан алоқадор мавзуларни олиб чиқишга интилганлар. Бу даврда қорақалпоқ халқининг халқ сифатида шаклланиши, ўзлигини англаши, ривожланиш босқичлари билан боғлиқ изланишлар деярли учрамайди.

1994 йилдан бошлаб қорақалпоқларнинг диний қарашлари ва эътиқодларига оид изланишларни учратиш мумкин. Чунончи, Ю.В.Кнозоров [11:91-96] мақоласида Мазлумхон-сулу номи билан боғлиқ шомонийлик маросимининг ўтказилишига доир маълумотлар келтирилади. Маросимни 36 ёшли Хўжайлидан келган қорақалпоқ пўрхон (шомон) ўтказади. Эътиборли томони, маросимда 100-120 нафар иштирокчи бўлиб, уларнинг аксарият қисми аёллар ва болалардан ташкил топган. Тадқиқотчи берган маълумотлар муҳим бўлиб, асосий жиҳати, исломий зикрнинг шомонлик маросими билан синкретик ҳолатни ташкил этгани, қадимий анимистик қарашлар исломий дуолар билан жўрликда олиб борилиши ҳисобланади.

Ушбу мақоладан ташқари, бу даврда қорақалпоқ тили ва адабиётига доир изланишлар нашр этиб турилган. Аммо соф қорақалпоқ этнографиясига доир тадқиқотлар ҳали-ҳамон жуда кам чоп этилар эди. Бу ҳолат бир неча муаммолар, жумладан, истиқлолга эришилгандан сўнг ҳали аниқ йўналишни белгилаб олинмагани, этнограф мутахассислар етишмаслиги, дала тадқиқотларининг ўтказилмагани сабабидан бўлиши мумкин.

1995 йилда Н.А.Тлеубергенованинг қорақалпоқлар моддий маданиятига доир мақоласи чоп этилди [12:104-109]. Мақола ўзининг таҳлилий жиҳатлари билан ажралиб туради. Аввалига қорақалпоқлар юртасига доир манба ва адабиётлар тарихшунослик таҳлили, сўнг уларнинг ўзбек (О.Сухарева, А.Писарчик, К.Задихина), қирғиз (К.Антипина), туркман (Г.П.Васильева), қозоқ (А.Маргулан) ва ноғай (С.Гаджиева) уйларидан фарқлари ҳақида тажрижий маълумотлар келтирилган. Тадқиқот асосини эса 1989-1994 йилларда Хўжайли, Тахтакўпир, Чимбой туманлари ва Нукус шаҳридан тўпланган дала материаллари ташкил этади. Бу эса ишнинг илмий қиймати ва этнографик аҳамиятининг ошишига хизмат қилган.

Н.А.Тлеубергенова қорақалпоқ юртасига доир тадқиқотларини давом эттириб, бошқа мақоласида қорақалпоқларнинг юрта билан боғлиқ маросимлари ва эътиқодларини ўрганган [13:101-110]. Х.Есбергенов ва А.Толеубаевдан фарқли равишда, тадқиқотчи юртанинг рамзий ва руҳий атрибут сифатидаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Унинг қорақалпоқлар кундалик ҳаёти, тўй маросимлари, турли урф-одатларни амалга оширишдаги ўрнини дала тадқиқотлари асосида аниқлаб, очиб бера олган.

1996 йилда Н.А.Тлеубергенова томонидан қорақалпоқ юртасига бағишланган навбатдаги, учинчи мақоласи чоп этилди [14:93-101]. Ушбу мақола ўз вақтида Т.А.Жданко, А.С.Морозова, У.Шалекенов ва бошқаларнинг тадқиқотларида акс этган маълумотларни қайта таҳлил қилиш, ўзгаришларни аниқлаш, анъанавийлик ва бошқа Марказий Осиё халқлари билан ўхшаш томонларини ўрганиш учун хизмат қилди. Олима имкон қадар юрта ичидаги барча жиҳозларнинг жойлашган ўрни, ҳар бирининг аҳамияти, уларни безаш ва тикишда ишлатиладиган рангларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилган.

1996 йилда нашр этилган бир нечта мақолаларда қорақалпоқ ёшларининг маънавий-тарбиявий ишларига катта эътибор қаратилганини учратиш мумкин. Мисол учун, С.К.Камалов, Х. Е.Есбергенов, М.А.Карлыбаев, Р.С.Камалова, Т.Х.Есбергенова мақолалари шулар жумласидан.

Юқоридаги илмий фаолият ва уларнинг натижалари шуни кўрсатадики, қорақалпоқ этнографиясига оид тадқиқотлар 1991-1994 йиллар оралиғида ўзининг биринчи босқичини ўтказган. Ушбу босқичда эътибор асосан қорақалпоқ тили, адабиёти ва халқ ижодини таҳлил қилишга қаратилган. Ушбу босқичда бир неча илмий тадқиқотларни (Х.Е.Есбергенов, М.Низаматдинов) ҳисобга олмаганда, деярли этнографик тадқиқотлар ўтказилмаган ва унинг натижалари чоп этилмаган. Шу сабабдан, биринчи босқични (1991-1994) – "дастлабки тайёргарлик даври"– деб номланса, хато бўлмас.

Қорақалпоқ этнографиясини ўрганишдаги иккинчи босқич 1995 йилдан бошланиб, бу даврда қорақалпоқлар моддий ва маънавий маданиятига доир изланишлар сони орта бошлади. Жумладан, қорақалпоқларнинг анъанавий уйлари, уларни безаш, жиҳозлаш билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, эътиқод масаласи, ёшлар тарбияси каби масалалар Х.Е.Есбергенов, Н.А.Тлеубергенова ва бошқа тадқиқотчилар томонидан амалга оширилди. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, иккинчи босқични – "дастлабки этнографик изланишлар даври" – деб номлаш мумкин.

**Адабиётлар**


1. Баскаков Н.А. К истории каракалпакской художественной литературы // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. – №1. –Нукус: 1992. –С. 124-129.
2. Есбергенов Х. Қоңырат (тарийхый-мәдений естеликлер). –Нөкис: 1993.
3. Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса. / Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. –М.: 1952, т. I. –С. 461-566.
4. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. –М.-Л.: АН СССР, 1950.
5. Жданко Т.А. Этнографическая разведка в Чимбайском районе Каракалпакской АССР / Краткие сообщения Института этнографии, 1947, вып. 2. –С. 5-16.
6. Морозова А. С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX века (К вопросу этногенеза). Автореф. Дис. канд. ист. наук. –Ташкент: 1955.
7. Толстова Л.С. Из истории ферганских каракалпаков (к вопросу о переселении). Ученые записки КК ГОСПИ. –Нукус: 1957. – С. 29-46.
8. Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII–XIX веках. –Ташкент: «Фан». УзССР, 1968.
9. Камалов С.К. Каракалпаки в Хивинском ханстве до присоединения к России. Автореф. Дис. канд. ист. наук. – М., 1953.
10. История Каракалпакской АССР в 2-х томах. –Ташкент: «Фан», 1974.
11. Кнорозов Ю.В. Шаманский зикр в подземелье Мазлумхан сулу // ЭО, 1994. – №6. –С. 91-96.
12. Тлеубергенова Н.А. Истоки традиционного деления внутреннего пространства юрты каракалпаков // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. – №3. –Нукус: 1996. –С. 93-101.
13. Тлеубергенова Н.А. Некоторые обряды и верования каракалпаков связанные с юртой // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. – №4. –Нукус: 1995. –С. 101-110.
14. Тлеубергенова Н.А. Этнокультурные аспекты юрты // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. – №2. –Нукус: 1995. –С. 104-109.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада қорақалпоқ этнографиясининг совет даврида асосларининг яратилиши, ўлка халқларига оид эспедицияларнинг ўтказилиши ва илк этнографик тадқиқотларни нашр этилиши, шунингдек, мустақиллик даврида қорақалпоқ халқи этнографиясига оид изланишларнинг бошланиши, уларнинг асосий йўналишлари ва натижалари ҳақида маълумот бериб ўтилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье даны сведения о становлении этнографии каракалпаков в советский период, проведении экспедиций и публикации первых этнографических исследований народов страны, а также о начале исследований по этнографии каракалпаков в период независимости, их основных направлениях и результатах.

**SUMMARY.** This article provides information about the foundation of Karakalpak ethnography in the Soviet period, conducting expeditions and publishing the first ethnographic studies of the peoples of the country, as well as the beginning of research on the ethnography of the Karakalpak people in the period of independence, their main directions and results.

# АМЕТ ВА АЙИМХАН ШАМУРАТОВАЛАР УЙ-МУЗЕЙИ ТАРИХИ

**У.Хужаниязов –** *тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** мустақиллик, қонун, уй-музей, зал, сайёҳлар, музей маданияти, музей фонди, санъат асарлари, адабиёт, маданий мерос.

**Ключевые слова:** независимость, закон, дом-музей, зал, туристы, музейная культура, музейный фонд, произведения искусства, литература, культурное наследие.

**Key words:** independence, law, house-museum, hall, tourists, museum culture, museum fund, works of art, literature, cultural heritage.

Музейларнинг халқимиз маънавий-маърифий камолотини ва ёш авлод маънавиятини шакллантиришдаги ўрни беқиёсдир. Музейларга ташриф буюрган каттаю кичик ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахслар, халқимиз томонидан яратилган бетакрор маданий-маънавий мерос ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади. Шу боис юртимизда ёшлар орасида музейларга саёҳатларини уюштириш ва бу масканларда турли мавзулардаги маънавий-маърифий кечаларни ташкил қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда юртимизда музейларига давлат аҳамиятига эга бўлган маданият ва маърифат соҳаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида музейлар ишини яхши ташкил қилиш, уларни ҳар хил экспонатлар билан жиҳозлаш, бойитиш, унинг аҳоли орасидаги нуфузини орттириш мақсадида кўплаб қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Музейлар тўғрисида”ги ЎРҚ-177-сонли Қонуни, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 23 ноябрдаги “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси музейларининг инклюзивлиги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 19 декабрдаги “2020-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасида музейлар фаолиятини такомиллаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қабул қилинган ҳужжатларини кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича юртимизда 134 та музей фаолият юритган, улардаги экспонатлар сони эса 2158,4 тани ташкил қилган [1].

Мазкур музейлар юртимизнинг узоқ тарихини ҳикоя қилувчи, ота-боболаримиз босиб ўтган йўллар ҳақида маълумот берувчи, маданий ва миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида қизиқарли маълумотлар оладиган маданий-маърифий муассасалар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон диёридаги музейлар халқимизнинг ўзлигини англашига, Ватанимиз тўғрисида ҳаққоний тасаввурларни уйғотишга, ёш авлодни ўз тарихи билан ғурурланишга, уларни маънавий-маърифий тарбиялашга хизмат қилувчи, руҳан покланишга чорлайдиган масканларга айланиб бормоқда.

Давлатимиз мустақиллиги йилларида республикада бир қанча янги музейлар ташкил қилинди. Шундай музейлардан бири – Қорақалпоқ маданиятининг атоқли санъаткори Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ артисти Айимхан Шамуратова ва ёзувчи, давлат арбоби Амет Шамуратовлар уй-музейидир.

Айимхан Шамуратова юртимиз маданияти тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлган инсондир. У қорақалпоқ миллий қўшиқчилик ва қорақалпоқ театри санъатининг юксалиши ва ривожланишига салмоқли улуш қўшган ҳамда қорақалпоқ миллий маданияти тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор талант соҳибидир. У ўзининг 76 йиллик умрининг 60 йилини саҳнага бағишлади. У ҳаёти давомида театр саҳналарида 100 дан ортиқ образлар яратган, хонанда сифатида 200 дан ортиқ қўшиқлар куйлаган.

Айимхан Шамуратова ўзининг маданият соҳасидаги самарали меҳнати ҳамда қорақалпоқ миллий қўшиқчилик ва театр санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун 1940 йили “Қорақалпоғистон халқ артисти”, 1950 йили “Ўзбекистон халқ артисти”, 1968 йили “СССР халқ артисти” унвонларини олишга муяссар бўлган [3].

Халқимиз манаъвиятини юксалтиришга, қорақалпоқ халқ маданияти ва қорақалпоқ театр санъатининг ривожланишига қўшган улкан хизматлари учун 2004 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Орден музей директори яъни, актрисанинг қизи Айимгул Шамуратовага топширилди. Бугунги кунда орден музей экспозициядан жой олган [4].

Амет ва Айимхан Шамуратовалар уй-музейи Нукус шаҳрининг марказида жойлашган бўлиб, у Шамуратовлар фарзандлари томонидан шахсий маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган юртимиздаги биринчи хусусий музейлардан биридир.

Одатда уй-музейлар бир неча йўналишларга бўлинади. Масалан, адабиёт йўналишидаги уй-музей, йирик фан олимларига бағишланган уй-музей, ёки мусиқа йўналишидаги уй-музей ва бошқалар.

Қорақалпоқ диёрида жойлашган Амет ва Айимхан Шамуратовалар уй-музейи адабиёт ва мусиқа йўналишидаги уй-музейдир.

Музейнинг тантанали расмий очилиш маросими 1999 йили октябрь ойида бўлиб ўтди. Очилиш маросимида маҳаллий ҳокимият мутасаддилари, маданият ва санъат номоёндалари, шоир ва ёзувчилар ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашишди. Мазкур уй-музей ташкил қилинган вақтда экспозиция зали 1 та бўлган бўлса бугунги кунда 4 залдан иборат, экспонатлар сони эса музей ташкил қилинган вақтда 300 га яқин бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу ерда 3500 дан ортиқ эспонат мавжуд. Бу экспонатларнинг

600 дан ортиғи Айимхан ва Амет Шамуратовлар ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Уй-музейни кенг жамоатчиликка таништириш мақсадида рус ва инглиз тилларида музей тарихи бўйича рангли буклет чиқарилган. Шунингдек, интернет тармоғида рус ва инглиз тилларида музей веб-сайти ишлаб турибди. Унда музей тарихи ва экспонатлар фонди ҳақида керакли маълумотлар берилган. Бундан ташқари телевидение ва радиода музей ҳақида эшиттиришлар кўрсатувлар, олиб борилмоқда. Турист меҳмонлар учун қулайликлар яратиш мақсадида музей ёнидан "Жипек жолы" номли меҳмонхона ташкил қилинган [2].

Ҳар йили музейга 10 мингга яқин инсон ташриф буюради. Экскурциялар 4 тилда, қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

Бугунги кунда музейнинг экспозиция заллари нафақат Амет ва Айимхан Шамуратовага тегишли экспонатлар билан балки, қорақалпоқ халқининг тарихи, маданияти, миллий қадриятларига оид экспонатлар билан бойиб бормоқда. Музейда XVIII-XIX асарларга тегишли қароқалпоқ аёллари миллий кумуш тақинчоқлари, қўлда тўқилган гиламлар, уй-рўзғор буюмлари мавжуд. Шунингдек музей экспозициясидан атоқли қорақалпоқ рассомлари И. Алибеков, И. Жақсибаев, Р. Мадгазин, Қ. Саипов, К. Бердимуратов, Ж.Қуттимуратов, Б. Серекеевларнинг санъат асарлари жой олган [2].

Музейда Амет ва Айимхон Шамуратовларнинг юбилей саналари мунтазам равишда ўтказиб келинади. 2007 йили Амет Шамуратовнинг 95 йиллиги, Айимхан Шамуратованинг 90 йиллиги республика миқиёсида кенг нишонланди.

2009 йили уй-музейнинг ташкил қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан музейда юбилей кечаси ўтказилди. Юбилей тадбирга маҳаллий ҳокимият мутасаддилари, маданият ва санъат намоёндалари, шоир ва ёзувчилар ҳамда жамоатчилик вакиллари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали талабалари қатнашишди. Тадбирда Амет Шамуратовнинг қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида қайта нашр этилган "Меныҥ жолбарыслар менен жолығысыўларым" (Менинг йўлбарслар билан учрашувларим) номли асарининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Музейда Айимхан Шомуротова номини абадийлаштириш билан боғлиқ катта ишлар амалга оширилмоқда. 2002 йили музей қошида музей директори Айимгул Шамуратова ташаббуси билан "Айимхан лапызы" ("Айимхон хушовози") номли фольклор-этнографик ансамбли ташкил қилинди. Ансамбльни ташкил қилишдан мақсад, хуш овоз эгаси Айимхан Шомуратова хотирасини абадийлаштириш, унинг ижоросидаги қорақалпоқ халқ миллий қўшиқларини қайта тиклаш, тарғиб қилиш ва ёш авлодга ўргатиш, шунингдек, қорақалпоқ миллий қўшиқчилик санъатини янада ривожлантиришдан иборат [2].

Ансамбль ташкил қилинган даврда унга Айимхан Шамуратованинг невараси Г.Таубалдиева бадиий раҳбарлик қилади. Кейинчалик, ансамблга Қ.Алламуратова, С.Баширова, Ҳ.Тилеумуратова, Т.Қурбанов, С.Сайтов, О.Қаратаев, Е.Асқаровалар раҳбарлик қилишди. Бугунги кунда ансамблга Ж.Камалатдинова раҳбарлик қилмоқда.

Ансамбль турли-туман маданий тадбирларга, концерт ва кўрик-танловларга, шунингдек, фестивалларга тез-тез қатнашиб туради. Ансамбльнинг қорақалпоқ миллий маданияти ва санъати ҳамда қорақалпоқ миллий қўшиқчилик санъатининг ривожланишига қўшган ҳиссасини инобатга олиб 2017 йили Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги томонидан "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" унвони берилди [5].

Бундан ташқари ҳар йили музей ходимлари томонидан Айимхон Шамуратова хотирасини эъзозлаш мақсадида у ижро этган халқ қўшиқлари республика кўрик танлови ташкил этилади. Бу кўрик танловни ташкил қилишдан мақсад Айимхан Шамуратова ижро қилган қўшиқларни ижро қилиш орқали ёш талант эгаларини аниқлаш, улар катта саҳналарга олиб чиқиш ва қорақалпоқ миллий қўшиқчилик ҳамда театр санъатини ривожлантиришдан иборатдир.

Шунингдек, музей ёнида "Маънавият ва марифат" маркази ташкил этилган бўлиб бу ерда рус, инглиз тили курслари ва миллий мусиқа асбобларида куй чалишнинг сир-асрорлари ўргатилмоқда. Ушбу марказда кам таъминланган оила болаларига бепул компьютер саводхонлиги ва тил ўргатиш бўйича семинар-тренинглар олиб борилади. Етим болалар учун байрам кечалари ташкил этилади. Ҳар йили музей ҳисобидан "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига атаб байрам кечалари ташкил қилинади ва уларга ҳар хил совға ва кийим-кечаклар тарқатилади [2].

Марказнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Амет ва Айимхан Шамуратовалар ижод меросларини сақлаш ва тарғиб қилиш.
- Амет ва Айимхан Шамуратовалар хотирасига бағишланган ижодий учрашув ташкил этиш;
- Миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни сақлаш ҳамда тарғиб қилиш ва уларни ёшларимизга ўргатиш;
- Миллий халқ қўшиқлар кўрик танловларини ўтказиш;
- Чет эллик меҳмон ва туристлар учун экскурсиялар ташкил қилиш;
- Кам таъминланган оила болалари учун компьютер саводхонлиги ва хорижий тил ўрганиш курсларини ташкил қилиш.

2017 йили Айимхан Шамуратованинг 100 йиллик, Амет Шамуратовнинг 105 йиллик юбилейи республика миқиёсида кенг нишонланди ва юбилей муносабати билан, музей директори томонидан Айимхан Шамуратованинг "Театр-тақдирим ва ҳаётим" китоби қайта нашр қилинди ва музейда китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди [5].

2019 йилнинг 18 май куни "Халқаро музейлар куни"ни муносабати билан музейнинг 20 йиллиги ўтказилди. Шу муносабат билан музейда Амет ва Айимхан Шамуратоваларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда санъат ва маданият фидойилари, ёзувчи ва шоирлар, драматург ва театршунослар, шунингдек кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Шу куни Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри ва Амет ва Айимхан Шамуратовалар уй музейи билан биргаликда театрлаштирилган байрам концерти ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 майдаги "Қорақалпоғистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 291-сон қарорининг 1-илова, 53-бандига мувофиқ 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Амет Шамуратовнинг 110 йиллиги, Айимхан Шамуратованинг 105 йиллиги республика миқиёсида кенг турда нишонланди ва мазкур йилнинг май ойида Айимхан Шамуратова номидаги республика кўрик танлови ўтказилди. Кўрик танловга 16-25 ёш оралиғидаги ёш хотин-қизлар қатнашишди. Улар Айимхан Шамуратова репертуаридан битта қўшиқ ва актриса гавдалантирган образлардан битта саҳна

кўринишини ижро қилиш орқали ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Кўрик танловда биринчи ўринни Нукус шаҳридан Нодира Караматдинова, иккинчи ўринни Хўжайли туманидан Озода Қарлибаева ва Шўманой туманидан Аймекен Нарарова, учинчи ўринни Чимбой туманидан Зулфия Мақсетбаева ва Амударё туманидан Сайёра Сапарбаевалар ғолиб бўлишди.

Кўрик танлов ғолиблари Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда уй-музей ходимлари томонидан диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Шунингдек уй-музейда турли тадбирлар, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар иштирокида ҳар хил учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Амет ва Айимхан Шамуратовлар уй-музейи юртимизда мавжуд бўлган уй-музейлар орасида ўз ўрнига эга. Бу музей халқимизни тарихдан сабоқ олиб, нурли келажакка даъват этувчи маънавий-маърифий маскан сифатида халққа хизмат қилмоқда. Мустақил мамлакатимизда бундай ибратли маданият ўчоқлари ёш авлодни, халқимизни Ватанга содиқлик, она-ерга муҳаббат, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш руҳида тарбиялашдек муқаддас ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти: - https://stat.uz/uz/
Shuning uchun ham tarjimon asliyatning tilini yaxshi bilmog‘i lozimligini ta’kidlaymiz. Shundagina mutarjim asarning ham ma’nosini, ham leksik xususiyatini o‘z o‘rnida qo‘ya oladi. Asliyatdagi har bir jumlani hech qanday xatoliksiz o‘girmog‘i lozim. Zero, ma’no-mazmun shunga ko‘ra anglashiladi. Bu kabi qilingan tarjimalar, albatta, qayta to‘g‘ri tarjima qilinmog‘i lozim.

Xulosa qilib aytganda, tarjima asarning to‘g‘ri hamda mukammal, asliyat bilan bir xil bo‘lmog‘i uchun mutarjim chuqur bilim bilan birgalikda qobiliyatga ham ega bo‘lmog‘i lozim. Chunki yaxshi qilingan tarjima ikki xalq orasidagi ma’naviy ko‘prik hisoblanadi. Tarjima qanchalik yaxshi bo‘lsa, ko‘prik ham shunchalik mustahkam bo‘ladi!

## Adabiyotlar


1. Amudaryo jurnali. – Amudaryo: Qoraqalpog‘iston, 2014.
2. Muhammad Yusuf. Biz baxtli bo‘lamiz. – T.: «Nihol», 2008.
3. Muhammad Yusuf. Biz baxıtlı bolamız (Bazarbay Seytayev tarjimasi). – Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2004.
4. Muhammad Yusuf. Oq tulpor. – Namangan: «Namangan nashriyoti», 2003.
5. Muhammad Yusuf. Saylanma. – T.: «Sharq», 2019.
6. Qaraqalpaq tiliniń túsindirme sózligi. Jeti tomlıq. 2-tom. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2023.
7. Qaraqalpaq tiliniń túsindirme sózligi. Jeti tomlıq. 3-tom. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2023.
8. Qaraqalpaq tiliniń túsindirme sózligi. Jeti tomlıq. 5-tom. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2023.
9. Qaraqalpaq tiliniń túsindirme sózligi. Jeti tomlıq. 7-tom. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2023.
10. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Besh jildlik. 2-jild. – T.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006.
11. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Besh jildlik. 3-jild. – T.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2007.
12. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Besh jildlik. 5-jild. – T.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008.
13. G‘aybulla Salomov. Til va tarjima. – T.: «Fan», 1966.



**REZYUME**. Maqolada Muhammad Yusuf she’rlarining qoraqalpoq tiliga qilingan tarjimalaridan ayrimlari asliyat bilan solishtirilgan hamda undagi yutuq va kamchiliklar izohlangan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье сравниваются некоторые переводы стихотворений Мухаммада Юсуфа на каракалпакский язык с оригиналом, отмечаются их достижения и недостатки.

**SUMMARY.** The article compares some of Muhammad Yusuf's poems translations into the Karakalpak language with the original, and mentions their achievements and shortcomings.


# ANONIM XATLARDA NOADABIY LEKSIK UNSURLARNING VOQELANISH TURLARI VA XUSUSIYATLARI


**S.Yoqubova** – *filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori*
*Nizomiy nomidagi TDPU*



**Tayanch so‘zlar**: noadabiy leksika, adabiy norma, lingvistik ekspertiza, kommunikativ maqsad, anonim xat.

**Ключевые слова**: нелитературная лексика, литературная норма, языковая экспертиза, коммуникативная цель, анонимное письмо.

**Key words**: non-literary vocabulary, literary norm, language examination, communicative purpose, anonymous letter.


Har qanday nutq umumiy jihatlarga ega. Shu bilan birga, o‘ziga xos individual va betakrorlikni ham namoyon etadi. Lingvistik ekspertologiyada lingvistik ekspertizalarni tashkil etishda va ekspert xulosalarini shakllantirishda xususiy omillarni aniqlash va lingvistik belgilarini tasniflash muhim ahamiyat kasb etadi. Qo‘lyozmalarda shaxsning individual jihatlari yaqqol ko‘zga tashlanadi. Biroq bosma ko‘rinishdagi konfliktli matnlarda nutqning xoslanish omillarini aniqlash, anonim xatlarning muallifini topish birmuncha qiyin va murakkab jarayon. Shu sababdan nutqning shaxs yosh xususiyatlariga ko‘ra xoslanish omillarini aniqlash lingvistik ekspertologiyada alohida yondashuvni taqozo qiladi.

Shaxsiy yozishmalar tipida turli qo‘lyozma xatlar, sms-xabarnomalar, ijtimoiy tarmoq va telegram, whats up, viber messengerlari xabarlari o‘rin oladi. Bundan tashqari, turli kommentlar ham lingvistik ekspertizada tahlil obyekti bo‘lib xizmat qiladi. Anonim xatlarning har qanday turida shaxsning muayyan xususiyatlarini ifodalovchi belgilar mavjud bo‘ladi. Bu belgilar shaxs nutqida leksik unsurlarning qo‘llanilishida yaqqol, o‘z aksini topadi. Noadabiy leksik unsurlalrning anonim xatlarda qo‘llanilish omillari, xususiyatlari ham lingvistik ekspertizada matn avtorizatsiyasi masalasiga oydinlik kiritishga xizmat qiladi.

Ingliz tadqiqotchilaridan biri T.B. Jay (1981) noadabiy leksik unsurlar har bir so‘zlovchi nutqida qo‘llanilishi mumkin va u pragmatik jihatidan bir-biridan farqlanishini ta’kidlaydi. Jay tadqiqotlarida noadabiy unsurlar quyidagi turlarga ajratib ko‘rsatiladi:

- La’nat so‘zlar (Cursing) ;
- Ateistik xarakterdagi kufr so‘zlar(Blasphemy);
- Haqorat so‘zlar(Profanity)’
- Tabular;
- Vulgarizmlar;
- Imo-ishora vositalari (expletives)

Noadabiy leksik unsurlarning barcha turlari (haqorat, vulgarizm, la’nat, argo so‘zlar va boshqalar) har qanday tillarning bir qismidir [2:263-275]. Tadqiqotchilar P.Brown va S.Levinsonlarning fikriga ko‘ra, axloqiy me’yorlarga zid bo‘lgan leksik unsurlarning nutqda qo‘llanilishi madaniy va shaxsiy xususiyatlarga bog‘liq [3:156-167]. E.Goffmanning fikricha, shaxslararo muloqot noadabiy leksik unsurlarning qo‘llanilishiga motiv bo‘lgan asosiy vosita sanaladi. Ushbu vaziyatda nutq egasi ijtimoiy kelib chiqishiga muvofiq bunday so‘zlarni qo‘llaydi va aksariyat hollarda so‘kish, qarg‘ish, haqorat so‘zlarni tahdiddan himoyalanish vositasi sifatida ishlatadi. Beebe Leslie kishilar nutqida noadabiy leksik unsurlar qasddan qo‘llanmasligini aytadi. Unga ko‘ra, bunday unsurlarning qo‘llanilishi salbiy his-tuyg‘ularning kuchayishi bilan bog‘liq holda amalga oshadi. Locher va Vatt tomonidan esa noadabiy leksik unsurlarning qo‘llanilishi adresat va adresantning o‘zaro muloqotidagi ta’sir vositalariga bog‘liqligi asoslanadi. Kasper muayyan noadabiy leksik unsurning shaxsga ta’sir qilish koeffitsientini baholab, aslida har qanday so‘z adresant tomonidan qanday qabul qilinishiga bog‘liq, degan fikrni ilgari suradi. O‘z fikrini asoslash maqsadida bolalar va o‘zga tilni tubdan yaxshi

bilmaydigan kishilarni misol qilib keltiradi. Bolalar biror axloqsiz so‘zni salbiy ma’noda qabul qilmaydi. Ular o‘sha so‘zning mohiyatini anglash yoshiga yetganlaridagina bunday so‘zlarga nisbatan javob qaytarishi mumkin. O‘zga tilni o‘rganayotgan shaxs ham o‘ziga nisbatan ishlatilgan so‘zning tub mohiyatini tushunmaydi.

Yuqorida keltirilgan tadqiqotlarda asosiy e’tibor noadabiy unsurlar sirasida haqorat, qarg‘ish, vulgarizmlarning qo‘llanilishidagi kommunikativ maqsadga qaratiladi. Albatta, noadabiy leksik unsurlarning qo‘llanilishida nutqiy vaziyat va kommunikativ maqsad ham yetakchi o‘rin tutadi. Biroq noadabiy leksik unsurlar faqat yuqoridagi birliklar bilangina chegaralanib qolmaydi. Bular sirasida argo va jargon birliklar, dialektizmlar ham o‘rin oladi. Noadabiy leksik unsurlarning qo‘llanilish xususiyati turlicha. Ushbu unsurlarning qo‘llanilishi kommunikantlar nutqining pragmatik vaziyati bilan bevosita bog‘liq. Tadqiqotchi Bebebning fikricha, noadabiy unsurlar, xususan, vulgar elementlarining qo‘llanilishi adresantning strategiyasiga bog‘liq. Ya’ni bunda so‘zlovchining mimikasi, ovoz tempi ham inobatga olinadi. Agarda shaxs ovozida tajovuzkorlik tempi sezilsa va mimikasi ham ayni shu holatni ifodalasa, demak, u adresantga nisbatan qo‘pol munosabatda bo‘lganligini anglatadi.

Og‘zaki nutqda noadabiy unsurlarning qo‘llanilish xususiyatlarini kommunikant nutqining pragmatik mazmun yo‘nalishiga qarab aniqlash mumkin. Yozma nutqda esa bu birmuncha murakkabliklarni keltirib chiqaradi. Sababi yozma nutqda kommunikant mimikasi, ovoz tempi qanday holatda ekanligini aniqlab bo‘lmaydi. Shuningdek, shaxsiy yozishmalarda argo, jargon, varvarizm, vulgarizm, dialektizmlar aralash holda qo‘llaniladi. Ularning turli yosh toifasida qo‘llanilishi ham bir biridan farq qiladi. Odatda og‘zaki nutqda qo‘llaniluvchi noadabiy unsurlar muayyan reja bilan tanlanmaydi. Ular so‘zlovchining emotsional holati bilan bog‘liq.

Shaxsiy xatlar tarkibida noadabiy unsurlarning qo‘llanishida ikki xil xususiyat kuzatiladi. Birinchidan, noadabiy unsurlar so‘zlovchi nutqida emotsional holatga muvofiq beixtiyor ravishda qo‘llaniladi. Ikkinchidan, rejali va nazoratga olingan holatda o‘z ifodasini topadi. Lingvistik ekspertizada har ikkalasi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Ikkinchi holat, odatda, anonim xatlarda kommunikativ maqsadni niqoblash uchun qasddan amalga oshiriladi. Noadabiy unsurlarning qo‘llanilishini nevrologik, psixologik va ijtimoiy-madaniy jarayonlarning yakuniy mahsulotlari deb tushunish mumkin [6:270].

Ingliz tilshunosi Timoy Jay noadabiy birliklarning nutqda qo‘llanilish modelini ishlab chiqadi. Unga ko‘ra inson nutqida noadabiy birliklar nevrologik, psixologik va ijtimoiy-madaniy omillar bilan bog‘liq. Timoty Jay modeli NPS (Neurological, psychological, social-culutural) deb nomlanib, u o‘z tadqiqotida insonlar tomonidan turli noadabiy birliklarning qo‘llanilish kontekstlarini tahlil qiladi. Olimning yondashuviga ko‘ra, har qanday qo‘pol mazmundagi noadabiy birliklar (asosan qarg‘ish, haqorat, so‘kish) yakuniy shakli ma’ruzachi psixologik rivojlanishi va u faoliyat yuritadigan ijtimoiy kontekstga bog‘liq. NPS nazariyasi nima uchun odam bir kontekstda noadabiy birlikni ishlatishi mumkin, ammo boshqasida emasligini izohlaydi. NPS nazariyasiga ko‘ra, so‘kish, qarg‘ish va la’nat bilan bog‘liq so‘zlar hech qachon tartibsiz, tushunarsiz yoki tasodifiy xatti-harakatlar emas - maqsadli va qoidalar bilan boshqariladi [6:14].

Aslini olganda, Timoty Jay ta’kidlagan NPS nazariyasi keng mohiyatga ega. Biroq olim ta’kidlaganidek, qo‘pol mazmunga ega noadabiy birliklarning maqsadli va qoidalar bilan boshqarilishi jihati biroz munozarali. NPS nazariyasiga muvofiq, noadabiy birliklarning qo‘llanilishiga psixologik omillar ham ta’sir ko‘rsatar ekan, demak psixologik buzilishlar ham shular jumlasiga kiradi. Odatda kuchli psixologik inqirozlar, nevrologik kasalliklarni boshidan kechirgan insonlarda nutq har doim ham maqsadli tarzda amalga oshavermaydi. Shuningdek, bunday kishilar nutqi nutqiy vaziyatga muvofiq pragmatik dasturga ega bo‘lmaydi. G‘ayriixtiyoriy tarzda psixologik o‘zgarishlar va xurujlar hosilasi sifatida o‘z-o‘zidan qo‘llaniluvchi qo‘pol noadabiy birliklarni Timoty Jay ta’kidlaganidek “maqsadli va qoidalarga muvofiq” deb bo‘lmaydi.

Darhaqiqat, noadabiy unsurlarning qo‘llanilishida nevrologik xususiyat ham yetakchi o‘rin tutatdi. Nevrologik faktorlar noadabiy unsurlarning qo‘llanilishi bilan bog‘liq emotsional holatlarga aloqador nevrobiologiyani o‘z ichiga oladi. E.Kensinger va S.Corkin fikriga ko‘ra, noadabiy unsurlardan vulgarizmlarning qo‘llanilishi chap miya yarim sharidagi tilning ishlash prossesi, shuningdek, o‘ng miya yarimsharining emotsional holati bilan aloqador. Noadabiy unsurlarning qo‘llanilish chastotasi miyaning kognitiv nazorat qilish maydoni (ventral va profrental qobiq)da ijtimoiy nomuvufiqlikning nutqiy xoslanishi bilan yuzaga keladi. Albatta, ushbu mulohazalarda noadabiy unsurlarning qo‘llanilishi nevrologik faktorlarga muvofiq deb ko‘rsatiladi. Miyada bo‘layotgan o‘zgarishlar hosilasi nutqda o‘z aksini topadi. Nevrologik faktorlar nuqdab adabiy bo‘lmagan birlikning qo‘llanilishiga aloqador. Darhaqiqat, ushbu jarayon ham muayyan noadabiy unsurning qo‘llanilishidagi o‘ziga xos xususiyatlarni aniqlashga asos bo‘la oladi. Qo‘lyozmalarda nevrologik faktorlarning namoyon bo‘lishi yaqqol ko‘rinadi. Bosma ko‘rinishdagi matnlarda esa buni aniqlash biroz murakkab.

Noadabiy unsurlar qo‘llanilishining psixologik xususiyatlari insonning ruhiy holati bilan aloqador hamda ko‘p jihatdan shaxs ulg‘ayishi jarayonidagi tajribasi bilan aloqador. Noadabiy unsurlar qo‘llanilishining psixologik xususiyati g‘azab, e’tiqod shakli, gender xoslik, og‘zaki tajovuzkorlik, o‘smirlik davri bilan aloqador. Noadabiy unsurlarning qo‘llanilishiga suhbat mavzusi, adresat va adresant munosabatlari, gender va hududiy xosligi, kasbi, yoshi singari sotsiopragmatik faktorlar ta’sir ko‘rsatadi.

Yuqorida tadqiqotchilar tomonidan bildirilgan fikrlarga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, noadabiy unsurlarning qo‘llanilish xususiyatlarida salbiy his-tuyg‘ular bilan aloqadorlikka ko‘proq urg‘u berilganligiga guvoh bo‘lishimiz mumkin. Biroq biz olib borgan kuzatishlar va tadqiqotlar natijasida noadabiy unsurlarning qo‘llanilishi ijobiy his-tuyg‘ular bilan ham aloqador bo‘lishi mumkin. Bunda adresantning kommunikativ maqsadi asosiy o‘rin tutatdi.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, shaxsiy yozishmalarning psixologik nevrologik, sotsiopragmatik xususiyatlarini o‘rganish, muallifning kommunikativ maqsadi, nutqning pragmatik yo‘nalishini aniqlashga yordam beradi. Bundan tashqari, shaxsiy yozishmalarda noadabiy unsurlarning qo‘llanilishi nutqiy vaziyat bilan ham bevosita bog‘liq. Shuningdek, noadabiy unsurlarning kommunikantlar nutqida qo‘llanilishi ijobiy yoki salbiy his-tuyg‘ular bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin.

## Adabiyotlar

1. Jay T.B. (1992). Cursing in America. Philadelphia: John Benjamins
2. Foote, R, & Woodward, J. (1973). A preliminary investigation of obscene language. Journal of Psychology, 83, 263-275
3. Brown, Penelope and Stephen Levinson (1987 [1978]). Politeness: Some Universals in Language Usage. Cambridge: Cambridge University Press.
4. Goffman, Erving (1967). Interaction Ritual. Pantheon: -New York:
5. Beebe, Leslie (1995). Polite fictions: Instrumental rudeness as pragmatic competence. In Linguistics and the Education of Language Teachers: Ethnolinguistic, Psycholinguistic, and Sociolinguistic aspects. Georgetown University Round Table on Languages and Linguistics 1995, James Alatis, Carolyn Straehle, Maggie Ronkin, and Brent Gallenberger (eds.), 154168. Washington, DC: Georgetown University Press

6. Jay, Timothy B. (2000).Why We Curse. Philadelphia: John Benjamins.
7. Kensinger, Elizabeth and Suzanne Corkin (2004). Two routes to emotional memory: Distinct neural process for valence and arousal.Proceedings of the National Academy of Sciences101: 33103315
8. Kensinger, Elizabeth and Suzanne Corkin (2004). Two routes to emotional memory: Distinct neural process for valence and arousal.Proceedings of the National Academy of Sciences101: 3310331
9. Grafman J., K. Schwab, D. Warden, A. Pridgen, H. R. Brown, A. Salazar (1996). Frontal lobe injuries, violence, and aggression: A report of the Vietnam Head Injury Study.Neurology46: 12311238
10. Locher Miriam and Richard Watts. Politeness theory and relational work. // Journal of Politeness Research 1: 933, 2005. – P. 225-232.

**REZYUME.** Tilshunoslikda noadabiy leksik unsurlar qo‘llanilish doirasi chegaralangan leksika tarkibida o‘rganiladi. Ushbu guruh leksemalarining qo‘llanilish shakli, lingvistik tabiati xususida qator tadqiqotlar yaratilgan. Lingvistik ekspertizada noadabiy leksik unsur tushunchasi, uning roli va ahamiyati masalasi dolzarb. Maqolada lingvistik ekspertizada noadabiy leksik unsur, uning ahamiyati, shuningdek nutqda voqe’lanishiga doir faktorlar misollar asosida ko‘rsatiladi.

**РЕЗЮМЕ.** В языкознании нелитературные лексические элементы изучаются в лексике с ограниченной сферой употребления. Был проведен ряд исследований языковой природы лексем этой группы. Вопрос о понятии нелитературного лексического элемента, его роли и значении является актуальным в лингвистической экспертизе. В статье на основе примеров показаны нелитературный лексический элемент, его значение, а также факторы, связанные с его появлением в речи.

**SUMMARY.** In linguistics, non-literary lexical elements are studied in vocabulary with a limited scope of use. A number of studies have been carried out on the linguistic nature of lexemes in this group. The question of the concept of a non-literary lexical element, its role and meaning is relevant in linguistic examination. The article, based on examples, shows a non-literary lexical element, its meaning, as well as factors associated with its appearance in speech.

## Ádebiyattanıw

# QARAQALPAQ HÁM BASQA DA XALÍQLAR ÁDEBIYATÍNDA AŃSHÍLÍQ TEMASÍ

(*Teńiz ańshıları haqqında jazılǵan shıǵarmalar tiykarında)*

**J.Azatova –** *doktorant*
*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogika institutı*

**Tayanch so’zlar:** dengiz ovchisi, qissa, hikoya, obraz, syujet, kompozitsiya, qiyosiy tahlil.
**Ключевые слова:** морской охотник, повесть, рассказ, образ, сюжет, композиция, сравнительный анализ.
**Key words:** sea hunter, story, short story, image, plot, composition, comparative analysis.

Milliy, aymaqlıq hám jáhán ádebiyatı hárdayım óz ara baylanısta rawajlanadı hám bir-birin bayıtadı. Jáhánde qandayda bir ádebiyat tek óz qabıǵında, óz ádebiy dástúrleri sheńberinde rawajlanbaydı, al basqa ádebiyatlardıń aldınǵı tájiriybelerine súyengen halda óz rawajlanıwın belgileydi [1].

Tipologiya – genetikalıq tárepten óz ara baylanıspaǵan, tili, tariyxı, mádeniyatı túpten parıq qılatuǵın xalıqlar ádebiyatında ortaq tareplerin anıqlawǵa járdem beretuǵın komparativistikalıq túsinik esaplanadı. Salıstırıw tipologiyası degende biz ulıwma qásiyetlerine (janrı, etnikalıq qásiyetlerine h.b) qaray ol yamasa bul ádebiyat úlgileriniń salıstırılıwın túsinemiz [5:47]. Biz tili, tariyxı, mádeniyatı biri-birinen parıq qılatuǵın xalıqlardaǵı ańshılıq ádebiyatınıń ishinde kóp tarqalǵan teńiz ańshılarınıń turmısın súwretleytuǵın shıǵarmalarǵa sholıw jasaymız. Shıǵarmalardıń kompoziciyasın, syujetin, obrazlardıń beriliwin hám basqa da táreplerin salıstıramız.

Amerika xalqınıń ullı jazıwshısı, Nobel sıylıǵınıń laureatı Ernest Xemingueydiń atın jer júzine tanıtqan “Ǵarrı hám teńiz” shıǵarması bolıp, ol 1952-jılı Bagama aralında jazılǵan. Xemingueydiń shıǵarmaları insan hám tábiyat, gúres hám qaharmanlıq, ruwxıy kúsh hám hám jalǵızlıq, áwmetsizlik penen baylanıslı. Shıǵarmada negizgi tema áwmetsizlik bolsa da ol áwmetsizlikke ushıraǵanına qaramay, aqırına shekem gúresiwdi dawam etedi. Bul óz náwbetinde insanǵa jiger baǵıshlaydı. Povest Kubalıq Santyago degen ǵarrınıń kemede teńizge shıǵıp, birneshe kúnnen berli balıq awlap, áwmeti kelmey turǵan waqıtlardan baslanadı. Qullası, bul saparı ǵarrı áwmetine isenip teńizge shıǵadı. Dáslep ǵarrı kishkene tuǹets balıǵın uslaydı. Soń júdá úlken balıq qarmaqqa ilinedi. Úlken balıq kemeni uzaqqa tartıp kete baslaydı. Solay etip ǵarrı balıq penen uzaq waqıt gúresedi. Úmit hám isenim onı tárk etpeydi. Shıǵarmada avtor insan hám tábiyat ortasındaǵı baylanıstı, adamzattıń hámiyshe gúresiwsheńligin de súwretleydi.

Ol ózi menen ózi, balıq penen, teńiz, okean, aspan, juldızlar menen sóylesedi. Olar menen sóyleskende ózine tán pikirler bildiredi, pútkil barlıqtı bir pútinlikte kóredi. Santyago jalǵı ózi teńizdiń ortasında qalǵan waqıtlarında balıqqa “*ólsem ólemen, biraq sennen ayırılmayman*”, hawa suwıtıp tońǵan waqtında “*Balıq shıdap atır ma, men de shıdayman*” dep aytıwı ǵarrınıń haqıyqıy sabırlılıǵınan, qaysarlıq penen bolsa da óz maqsetine jetisiw jolında shıdamlılıq penen háreket etkenligin kórsetedi. Ǵarrı balıqshılıq tarawında úlken jetiskenlikke erispese de ózi ushın ruwxıy baylıq toplay aldı. *“Biraq insan balası jeńilip, jeńilgenine razı bolıp kete beriwi ushın jaratılmaǵan. Adamzattı jenship taslaw múmkin, biraq onı jeńip bolmaydı*”... degen qatarlardı oqıy otırıp insan balası óz maqsetlerine erisiw jolında kóp qıyınshılıqlarǵa dus kelewi múmkinligin, biraq qaharman Santyago sıyaqlı qıyınshılıqlardı kerek jerinde qaysarlıq penen jeńip, óz maqsetine jetisiw kerekligin túsinip jetiw múmkin.

Qırǵız jazıwshısı Shıńǵıs Aytmatovtıń 1977-jılı baspadan shıqqan “Teńiz jaǵalap jortqan tarǵıl kópek” shıǵarması qırǵız ádebiyatınıń eń belgili shıǵarmalarınan biri. Bul povesttiń mazmunı júdá tereń. Shıǵarma jer júziniń hámme tárepin suw qaplap alǵan, ele bir bólek te qurǵaqlıq bolmaǵan zamanlar haqqındaǵı ráwayattan baslanadı. Povestte Arqa tárepte jasawshı nivxlerdiń bir neshe áwladınıń táǵdiri haqqında sóz etiledi. Nivxler bir kemede sheksiz túpsiz tereń teńizde qorqınıshlı qarańǵılıq qoynında qalıp ketedi hám tiri qalıw ushın gúresedi [3].

Shıǵarma basında 11 jastaǵı Kirisktiń ne ushın kemege teńiz ańshıları menen birge shıqqanlıǵı haqqında sóz etiledi: *“*Olar aralarında kemede otırǵan balanı ermek ushın alıp kiyatırǵanı joq ǵoy aqırı. Ol haqıyqıy teńiz ańshısı bolıwǵa atlanǵan. Teńiz ańshısınıń jazmıshı sol: teńiz awınan qıyınıraq hám qáwiplirek is dúnyada bolmasa kerek. Balalıqtan úyreniw kerek bul ónerdi. Sonıń ushın burınǵılar: “Bala – bastan, óner jastan”, - dep biykar aytpaǵan. Jáne de bılay degen: “Jaman ańshı joldasın joldan azdırar”. Sonnan belgili erkek adam xojalıqtı baǵıw ushın balalıqtan kásip úyreniw kerek. Kiriskke de óner úyreniw waqtı keldi. Balanı ózleri menen birge teńizge alıp shıǵıp, onı ańǵa úyretiw waqtı keldi” [3:7].

Teńiz ańshılarınıń bul saparǵı atlanısı ońınan kelmeydi. Bas qaharman Kirisk izbe-iz jaqınlarınan ayırıladı. Dáslep atası, keyin aǵası, keyin bolsa ákesi tábiyiy apat yamasa kesellik yamasa dushpanlar menen alısıw nátiyjesinde emes ilájsızlıqtan, budan artıq azap-aqıretke júzlenbew ushın, jáne basqasha aytqanda ele ómir dep atalǵan ullı baylıqtı jaqsı ańlamaǵan Kirisk ushın ózlerin qurban qıladı. Álbette, bunı kórip-bilip, júrekten ótkizip heshbir iláj taba almay atırǵan kishkene Kirisk ushın bunnan artıq azap bolmaydı. Sońında ol teńiz bawırında bárshe jaqınlarınan ayırıladı.

Sońı saqlap qoyǵan bar suwı da tawsıladı [7]. *"Kók tıshqansha, suwıńnan ber!" – anası úyretken mine usı ájayıp sózdi bala tınbay tákirarlay basladı. Heshqanday ájayıbat júz bermese de bala jalınıp kók tıshqanshanı shaqıra beredi. Endi bul – balanıń úmit-isenimi hám shóllewge qarsı birden-bir iláji bolıp qaldı [3:67].* Anası úyretken mine usı qosıq balanıń tiri qalıwına úmit beredi. Ol sheksiz azaplar ishinde qalsa da ózine bekkem shıdam, Jaratqan amanatına qıyanet qılmaw, erteńgi kúnge bolǵan isenim menen jasay aldı.

Povesttegi hárbir detalda mifologiyalıq kórinis berilgenligi hám sol arqalı násil dawamı, keleshek isenimi shıǵarmanıń xarakterli tárepi esaplanadı. Shıǵarmada forma hám mazmun úylesimligi onıń tema hám ideyasına súyenedi. Bul povestte de obrazlar sisteması ózine tán bolıp, onda insan birinshi orında turadı. Shıǵarmada ákeniń ulına, ulınıń balasına, aǵasına múnásibeti, ulıwma povesttegi hárbir personajdıń óz ara baylanısı janlı sıyaqlı súwretlengen. Ásirese, Kirisk obrazı hám Orxon baba personajı áwladlar silkinisinde áhmiyetli orın iyeleydi.

Social temalardan ilhamlanǵan túrk jazıwshısı Omer Zulfyu Livaneli 2021-jılı baspadan shıqqan "Balıqshı hám ulı" shıǵarmasında Egey teńizi tariyxı hám onıń búgingi kúni haqqında sóz júritedi. Sońǵı jıllardıń eń awır máselesi bolǵan "Immigrantlıq"tıń ayanıshlı táǵdirleri: olardıń belgisiz tárepke kóship júriwleri, aman qalıw ushın háreket etiwleri yamasa ólimi hám de balıqshı fermalar hám kompaniyalar keltirip shıǵarǵan ekologiyalıq apat, qurılıs hám tábiyattı joq qılıw máselelerine toqtalıp ótedi.

Egeydiń jas teńizshisi Mustapa hayalı Masuda menen Egey teńizindegi balıqshılar awılında jasaydı, kishkene aǵash keme menen balıq awlaw arqalı kún kóredi. Sonıń arasında Teńiz atlı perzenti dúnyaǵa keledi. Jıllar ótip balasın da ózi menen birge balıq awlawǵa teńizge alıp shıǵadı, oǵan balıqshılıqtıń dáslepki ápiwayı hám mayda sırların úyretip baslaydı hám onnan zawıqlanadı. Bir kúni Mustapa hám ulı teńizde waqtında kúshli boran bolıp, tosattan ulı Teńiz kemeden jıǵılıp, tolqınlar arasında joytılıp qaladı hám Mustapa saatlap boranlı teńizden balasın izlep úyine qaytpaydı. Qansha izlese de bala tabılmaydı. Solay etip Teńizdi teńiz aladı, onı basqa qaytarıp bermeydi. Al Mustapa hám Masudanıń ómiri pútkilley ózgeredi. Masuda jáne úyde, Mustapa endi balıq awlaw ushın teńizge shıǵadı, biraq bul awır joǵaltıwdan keyin ózin ayıplı esaplap Mustapa hayalı Masuda menen kóp sóylespeydi. Usılay ómiri dawam ete beredi. Bir kúni Mustapa óziniń ańshılıq saparında teńizde balıqlarǵa emes óli denelerge, jáne de kútpegende kishkene isirilgen kemeniń ishindegi bópege dus keledi. Eki immigranttı kemesine alıp, óli denelerin jandarmǵa tapsıradı da, kishkene balanı ózi menen birge úyine jasırın túrde alıp qaytadı. Sebebi, bala tiri edi, onı Mustapa quwanǵanınan usınday sezimde boladı: *"Teńiz Teńizimizdi aldı hám keyin ornına basqa Teńizdi berdi".* [3:27]. Biraq balanı jasırǵanı kópke barmaydı, sebebi balanıń óz anası suwdan tiri shıǵıp balanı izlewge saladı. Balanı óz anasına tapsırǵannan keyin Mustapa jáne Masuda burınǵıdan da awır awhalǵa túsip, aralarında kelispewshilikler bolıp, ómiri túsiniksiz tárizde ózgerip ketedi. Shıǵarmanıń kulminaciyası da usı jerde. Aradan kúnler kútip balanıń anası óziniń ólimi jaqın bolǵanlıǵın bilip, óz razılıǵı menen balasın isenimli Mustapa hám Masudaǵa beriwdi qáleydi hám olarǵa tapsıradı.

Livaneli óziniń intervyusında: "*Men Xemingueydiń bárshe kitapların yadtan biletuǵın edim, biraq "Ǵarrı hám teńiz"diń ornı basqasha edi*". "*Men jaslıǵımnan teńiz haqqında roman jazıwdı arzıw qılatuǵın edim. Bálkim bul meniń orta mektep jıllarımda óz izin qaldırǵan Xemingueyge bolǵan ıqlasımnıń nátiyjesi shıǵar*" [8]. Usı gáplerdi oqıy otırıp Xemingueydiń Nobel sıylıǵına iye bolǵan "Ǵarrı hám teńiz" shıǵarması tek oqıwshılardıń kitaptı oqıw menen ǵana sheklenip qalmastan, onıń motivinde shıǵarma jazıwǵa da úndegen dóretpe ekenligin bilsek boladı.

XX ásir qaraqalpaq ádebiyatında óziniń belgili shıǵarmaları menen iz qaldırǵan Ótegen Ayjanovtıń 1955-jılı jarıq kórgen "Balıqshı jigit" gúrrińinde de balıqshılar ómiri súwretlenedi. "Segiz qırlı balıqtı toǵız qırlı jigit shanshadı" deydi xalqımız, yaǵnıy jigittiń balıqtan da tez, shaqqan háreket etiwi kerek bolǵan. "Balıqshı jigit" gúrrińinde de usı sıyaqlı epshil balıqshılardıń biri haqqında sóz etiledi. Shıǵarma gúrriń janrında jazılǵanlıǵı ushın óz ishine kóp waqıyalardı qamtıy bermeydi.

Gúrrińde bas qaharman jas balıqshı jigit Aymurattıń teńizge balıq awlawǵa shıǵıwları súwretlenedi. Ol bir ózi emes qasında bir topar jigitler menen balıq awlawǵa shıǵadı hám kemeni ózi basqaradı. Olar balıq awlap tapsırıw planın orınlaw kerek boladı. Sonıń ushın Aymurat bar kúshi menen ózine tapsırılǵan wazıypanı orınlawǵa tırısadı. Bir kúni teńizge bolǵan saparınıń aldında teńizge shıǵıw qáwipli ekenligi eskertilse de Aymurat óz degeninen qaytpay balıq awlawǵa shıǵadı: "*Búgin azanda samal qattı turdı. Dispetcherler meteorologiyanıń kórsetiwi boyınsha 4-5 ball dawıl boladı, teńizdiń qısım kúshi kóbeyedi. Muzdıń qatıp qalıw qáwpi bar degen sezimdi qosa xabarlaydı. Biraq Aymurat seynerdi bul kórsetpelerge qaramastan teńizge alıp shıǵıwǵa buyrıq berdi*" [6:13]. Rasında da sol kúni dawıl turıp, qattı boran boladı. Teńizge shıqqan jigitler topar bara-bara qorqa baslaydı hám izine qaytıw kerek ekenligin qayta-qayta aytıp eskertedi. Biraq Aymurat olardıń gápine qulaq salmay, kemeni izge qaytarıwǵa ruxsat bermesten alǵa qaray ilgeriley beredi. Aymurat bul qıyın-qıstawlı jaǵdaydan óziniń sabırlılıǵı, mártligi, batırlıǵı arqalı jeńiske erisiwge miyasar boladı. Bul saparınan olar kereginen birneshe ese artıq balıq awlaydı hám kemede narazı bolıp atırǵan joldasları endi Aymurattıń aytqanları durıs ekenligin, onıń haqıyqıy balıqshı ekenligine isenim kámil qıladı. Kemede sózge kelip qalǵan Seytbek te Aymurattıń óz kásibine bolǵan ıqlasın kórip háwesi keledi, óziniń qorqaqshılıq qılıp aytqan gáplerine ókinedi. Shıǵarma sońında balıqshı Aymurattıń bul isin basında xalıq qollap-quwatlamasa da sońınan onı marapatlaydı.

Joqarıda atı atalǵan shıǵarmalardıń tipologiyasın kórip shıǵatuǵın bolsaq, tómendegishe uqsaslıqlar kózge túsedi: Avtorlardıń dóretiwshilik etken dáwirleri bir-birine júdá jaqın bolmasa da, olardıń "Ǵarrı hám teńiz"(1952), "Teńiz boylap jortqan tarǵıl kópek"(1977) hám "Balıqsh jigit"(1955) shıǵarmalarınıń jazılǵan waqıtları bir-birine jaqın keledi. Usıǵan qaray otırıp "Ǵarrı hám teńiz" povesti menen "Balıqshı jigit" gúrrińindegi waqıyalardı sol dáwirlerde yaǵnıy XX ásirdiń ortalarındaǵı kún keshirgen balıqshılar haqqında jazılǵanlıǵın biliwge boladı.

Bul shıǵarmalardıń teması balıqshılardıń teńiz saparında bolǵan waqıyaları haqqında sóz etedi. Sonday-aq, olardıń ideyası da bir-birine júdá jaqın bolıp, ideyası insan hám tábiyat ortasındaǵı baylanıs, sonday-aq adamzat qanday qıyın jaǵdayǵa tússe de, erteńgi jarıq kúninen úmitin úzbew, maqsetine jetisiw jolında gúresiw kerekligi bolıp tabıladı.

Shıǵarmalardıń kompoziciyasına kelsek olarda tek ǵana teńizde bolǵan waqıyalar súwretlenedi. Mısalı, "Ǵarrı hám teńiz" shıǵarması ǵarrı Santyagonıń teńizge balıq awlawǵa shıqqanınan baslanıp, sol teńizde qıyınshılıqlardı jeńip, úyine qaytıw menen juwmaqlansa, "Teńiz boylap jortqan tarǵıl kópek" shıǵarması da tap solay Kirisktiń ataları menen teńizge atlanıwınan baslanıp, Kirisktiń jalǵız ózi qurǵaqlıqqa jetiwi menen juwmaqlanadı. Al, "Balıqshı jigit" shıǵarmasında da barlıq waqıyalar derlik teńizde bolıp ótedi. Shıǵarmada qosımsha orınlar, atamalar kóp paydalanılmaydı.

Bul shıǵarmalarda obrazlardıń beriliwi de bir-birine uqsas keledi. Mısalı, "Ǵarrı hám teńiz" povestinde balıqshı Santyago hám onıń járdemshi shágirti kishkeni Manolin ǵana waqıyalarda qatnasatuǵın bas qaharmanlar. "Teńiz boylap jortqan tarǵıl kópek" povestinde bolsa Orxon baba, Emrayin, Milxun hám kishkene Kiriskler shıǵarmanıń bas qaharmanı bolıp, bastan aqırına shekem syujetler usı obrazlar tiykarında súwretlenedi. "Balıqshı jigit" shıǵarmasında bolsa waqıyalar bas qaharman balıqshı Aymurat hám joldası Seytbek arqalı ashıp berilgen. Bul

shıǵarmalarda epizodlıq obrazlar kóp ushıraspaydı, dıqqat kóbinese bas qaharmanǵa qaratılǵan, barlıq waqıyalar tek teńiz ańshılarınıń átirapında bolıp ótedi.

Sonıń menen birge bul shıǵarmalarda syujetlerdiń óz ara uqsaslıqların kóriwge boladı. Mısalı, shıǵarmalardaǵı qaharmanlar teńiz saparında shiyki balıqtıń góshlerin jeydi, teńizde boranda tolqınlar menen alısadı, hámme qaharmanlardıń sabırı sınaladı, biraq sonda da shıǵarmalardıń sońı balıqshılardıń teńiz saparındaǵı gúreste jeńiske jetiwi arqalı juwmaqlanadı. Mısalı, "Ǵarrı hám teńiz" povestinde Santyago haldan tayıp neshshe kúnlep kemeni tartıp ketken úlken balıq penen alısıp, sońında sol balıqtı óltiriwge erisedi. "Teńiz boylap jortqan tarǵıl kópek" povestinde hámme jaqınlarınan ayrılǵan Kirisk atasınıń, ákesiniń isenimin aqlap tiri qalıwǵa háreket etedi, sonsha kúnlik ashlıqtan soń, qıyınshılıqtan soń qurǵaqlıqqa jetip keledi. "Balıqshı hám ulı" shıǵarmasında Mustapa óz ulı Teńizden ayrılǵan bolsa shıǵarma sońında teńiz oǵan jáne ul sıylaydı. "Balıqshı jigit" gúrrińinde teńizde kemeni qulatatuǵın dawıl bolǵanda Aymurat kemeni hám óz joldasların aman alıp shıǵıwǵa miyasar boladı. Hámme shıǵarmanıń sońı balıqshılardıń úmitiniń jaqsı nátiyjege alıp kelgenligin kóriwge boladı.

Sonday-aq, hárbir avtor óz dóretpesin kórkem psixologizm kompozicion tiykar dárejesine kótergen. Bul shıǵarmalardaǵı kórkem psixologizm de bir-birine jaqın bolıp keledi. Mısalı, olardaǵı qaharmanlardı birlestirip turǵan ortaq sezim bul – teńizge bolǵan muhabbatı, hár qaharman teńizdi ózlerinshe jaqsı kóredi, teńiz benen sóylesedi, dártin aytadı, oylasadı, ishki debdiwlerin bildiredi. Olar teńizdi jansız suw sıpatında emes ómiriniń bir bólshegi kerek bolsa bir pútini dep qaraydı. Olar ushın teńizsiz jasaw múshkil, olar óziniń barlıǵın usı teńizge arnaǵan, ómirin teńizge baylaǵan, olar balıq tutıw arqalı, teńizde júziw arqalı baxıtlı adamlar. Bul sezimlerdi hár jazıwshı ózinshe bólek sheberlik penen súwretlep beredi. Teńiz ańshıları qanday jaǵday bolsa da teńizdi taslap ketpeydi, erteńgi kúnge degen úmitin úzbeydi. Mısalı, "Ǵarrı hám teńiz" povestinde Santyago 84 kún dawamında heshqanday balıq uslay almasa da, onı átirapındaǵılar áwmetsiz dep esaplasa da, boyınan kúshi qaytqan bolsa da ol teńizdi taslap ketpeydi, óz kásibinen keship ketpeydi. Jáne úmit artıp teńizge saparǵa shıǵıp ómiri dawamındaǵı eń úlken balıqtı awlawǵa miyasar boladı. "Teńiz boylap jortqan tarǵıl kópek" povestinde bolsa 11 jaslı Kirisk óziniń jaqınları kóz aldında ólip ketse de, shólden bar dimarın joytqan bolsa da, kemedegi eskeklerge kúshi jetpese de ol úmitlenip eń sońǵı kúshin qurǵaqlıqqa qarap júziwge jumsaydı. "Balıqshı hám ulı" shıǵarmasında balıqshı Mustapa óziniń ulınan teńizde ayırılıp qalǵan bolsa da teńizdi taslamaydı, jaqsı kúnlerge úmit etedi. Solay etip teńiz onıń balası Teńizdi alıp qoyǵan bolsa jáne ornına Teńiz atlı ul sıylaydı. "Balıqshı jigit" gúrrińinde bolsa balıqshı Aymurat teńizdi jaqsı kóriwi sonshelli qasındaǵı joldaslarınıń ana teńizi haqqında jábirlep sóylegenin qálemeydi. Teńizge bolǵan saparında qanday awır jaǵdayǵa tússe de aman shıǵıwına isenedi, úmit etedi. Joldasları isenimsizlik artıp teńizden qorqqan waqıtlarında onı taslap ketpeydi. Shıǵarmalarda avtorlar insan hám tábiyat ortasındaǵı baylanıstı, adamzattıń hámiyshe gúresiwsheńligin súwretleydi.

Bul shıǵarmalar ingliz, túrk, nivx hám qaraqalpaq xalıqları haqqında jazılǵan bolsa, hár jazıwshı óz shıǵarmasında xalqınıń, milletiniń ózine tán ózgesheligin kórkem túrde súwretlegen. Bul shıǵarmalardı oqıy otırıp ańshılıq tek kún kóris ushın ǵana emes, ruwxıy dem alıw jáne er azamatlardıń eplilik qásiyetin raslap otıratuǵın sheberlik ekenligin kóriwge boladı.

## Ádebiyatlar


1. Айжанов Ө. Балықшы жгит. –Нөкис: 1955. "Қарақалпақ мәмлекетлик баспасы". 69-б.
2. Курамбоев К. Адабий алоқалар- миллий адабиётлар тараққиётининг қонуниятларидан бири. //http://uzadab.ndpi.uz/adabiy_aloqalar.html
3. Aytmatov Ch. Sohil bo'ylab chopayotgan olapar. –Toshkent: 2020. "Ilm-ziyo-zakovat". 96-b.
4. Ernest Xeminguey. Chol va dengiz. -Toshkent: 2019 "Yangi nashr". 96-b.
5. Xallieva G. Qiyosiy adabiyotshunoslik. -Toshkent: 2020. "Akademnashr", 158-b.
6. Zulfu Livaneli. Ba liqchi va o'g'li. –Toshkent: 2023"Zukko kitobxon", 144-b.
7. https://uz.wikipedia.org/wiki/Sohil_yoqalab_chopayotgan_olapar
8. https://www.kitapyurdu.com/index.php?route=product/product/reviewAll&product_id=582371



**REZYUME**. Mazkur maqolada qoraqalpaq va boshqa xalqlar adabiyotida dengiz ovchilari haqida yozilgan asarlar tahlil qilinadi. Asarlarning mavzusi, g'oyasi, kompozitsiyasi, syujeti, obrazlarning berilishi va badiiy psixologizmi ilmiy jihatdan qiyoslandi.

**РЕЗЮМЕ**. В данной статье анализируются произведения, написанные о морских охотниках в литературе Каракалпакии и других народов. Научно сопоставлялись тема, идея, композиция, сюжет, подача образов и художественная психология произведений.

**SUMMARY**. This article analyzes works written about sea hunters in the literature of Karakalpak and other nations. The theme, idea, composition, plot, presentation of images and artistic psychology of the works were scientifically compared.


## "LAYLI VA MAJNUN" DOSTONI QORAQALPOQCHA TARJIMASI


**Z.G.Azilova** – *assistent oʻqituvchi*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*



**Tayanch soʻzlar:** doston, sheʼriy ertak, ibora, tarjima, badiiy detal, qofiya, sheʼriy sanʼat.

**Ключевые слова:** эпос, поэтическая сказка, идиома, перевод, художественная деталь, рифма, поэтическое искусство.

**Key words:** epic, a fairy tale, expression, translation, artistic detail, poem, rhyme, poetic art.


Badiiy tarjima va adabiy aloqalar doimo adabiyotshunoslik ilmi diqqat markazida boʻlib kelayotgan dolzarb muammo hisoblanadi. Zero, badiiy tarjima ijodkorga adabiy mavzu, gʻoya va uning ifodasi, shuningdek, ijodiy uslub va badiiy mahorati shakllanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bu tajriba nafaqat turkiy xalqlar, balki jahon adabiyotida ham oʻzining ilmiy-nazariy asosiga ega. Shu maʼnoda, oʻzbek-qoraqalpoq adabiy aloqalari taraqqiyotida badiiy tarjimaning rolini oʻrganish ilmiy ehtiyoj sanaladi. Bu borada, buyuk mutafakkir Alisher Navoiy asarlarining qoraqalpoq tiliga tarjimasini maxsus tadqiq qilish adabiyotshunosligimiz uchun zarur ilmiy-nazariy hamda amaliy muammolarni hal qilish imkonini beradi.

Bugungacha Navoiy asarlaridan bir qator namunalari oʻzbekchadan qoraqalpoq tiliga tarjima qilingan. Ular orasida „Xamsa" dostonlari tarjimasi alohida ahamiyat kasb etadi. Taʼkidlash kerakki, ishqiy dostonlar orasida eng mashhuri, ayni paytda eng dardlisi boʻlgan „Layli va Majnun" dostonidan parchalar qoraqalpoq tiliga D.Aytmuratov tomonidan tarjima qilinib, „Alisher Nawayı saylandıları" kitobiga kiritilgan. Doston tarjimasi sheʼriy ertakka oʻxshab ketgan holda asosiy qism, yaʼni X bobdan boshlanadi. Mazkur tarjimada muallif ancha aniq, ixcham va ravon ifodalarga erishgan holda iboralardan mohirona foydalangan. Xususan, tarjimada Qaysning otasi taʼrifida shunday ibora keltiriladi:

Qayır saqawatlı, bay edi.
Tórt tuligi onıń say edi [3:110].

Baytda qoʻllanilgan: „Tórt tuligi onıń say bolıw" iborasi „Kemissiz, hámme nársesi jetkilikli, jetisken bolıw" [6:145]. degan maʼnoni bildiradi. Asliyatda ham, „Qaysning otasi qoʻl ostida necha-necha qabilalar bor, ot, tuya, qoʻy-qoʻzilari son-sanoqsiz edi" degan taʼriflar

keltiriladi. Ko‘rinadiki, tarjimada bayt mazmuni asliyat bilan to‘liq muvofiq keladi. Bundan tashqari, doston tarjimasida quyidagi iboralar uchraydi: „kewli toq“, „bawırı pútin“, „baxtı qara“, „adam bolmaǵı“, „juzinde qan joq“, „táǵdiyrdiń jazǵanı“, „sır aldırıp qoyadı“, „ant etti“, „qaray almas jurttıń betine“, „perzentinen ayayma janın“, „ózin uslap bala tura almas“, „sóytip bolǵanlıǵın shermende“, „solar ushın onıń janı ashır“, „jáne joyıttı ol aqıl-esin“, „shashın juladı“, „qaq jarıldı sóytip juregi“ va h.k.

Tarjimada Navoiy qo‘llagan o‘xshatishlar, qahramonlarga berilgan ta’rif-tavsiflar, badiiy detallar tushib qolgan. Xususan, X bobdagi 5-6-bayt tarjimada berilmagan:

Osmoqdin aning qozoni tushmay,
Tun-kun o‘ti o‘chgali yovushmay,
Kim bodiya ichra yo‘l qilib gum,
Bu o‘t anga tiyra oqshom anjum [3:41].

Baytdan: „Osig‘liq qozoni o‘choqdan tushmas, tun-kun gulxanida o‘ti pasaymas edi. Sahroda yo‘lini yo‘qotganlarga bu o‘t qorong‘u kechadagi yorug‘ yulduz bo‘lib ko‘rinardi“ [2:262] degan mazmun anglashiladi. Unda shoir Qaysning otasining saxovatpeshaligini o‘quvchi tasavvurida mohirona gavdalantirgan holda „qozon“,„gulxan“ detallarini qo‘llaydi. Boshqa bir o‘rinda Navoiy Bani Omir qabilasi sardori farzandsizligini ta’riflashda umr daraxti qulay deb qolganda, yonida go‘zalligi sanavbarga o‘xshagan yosh mevali nihol bo‘lsa edi deb o‘xshatish keltiradi:

Naxli bo‘lg‘ay yonida navbar,
Ra’nolig‘i o‘ylakim sanavbar [3:41].

Tarjimada:

Bir ármani ol paqırǵa tek
Narttan shıqqan talshıbıq kerek [4:111].

„Nart“ so‘zining ma’nosi lug‘atda „Nart at. Tigilgen, kesilgen jas nálshe hám gelleklengen terektiń tubinen shıqqan shıbıǵı, talı“ [1:341] sifatida izohlanadi. Ko‘rinadiki, „Narttan shıqqan talshıbıq“ ifodasi asliyatdagi bayt mazmunini mos kelgan. Shuningdek, tarjimada ayrim tasvirlarda farqli jihatlar ham uchraydi: Asliyatda Qays to‘rt yarim yashar bo‘lganda otasi uni o‘qishga bermoqchi bo‘lishi tarjimada besh yoshga to‘lganda deb berilgan:

Adam yeter onı alpeshlep.
Házir mine ol shıqtı beske [4:113].

Qaysga ustozni boshqa, ya’ni Laylining Hay qabilasidan topishadi. U qabilasidan boshqa joyga borib ta’lim bermaganligi uchun Qaysni Hay qabilasiga o‘qishga yuborishadi. Tarjimada esa „sol jerde“ deb berilgan:

...Sol jerde bir molla bar edi.
Pazıyletler onda bar edi [4:113].

Ma’lumki, dostonda Qays maktabga kelgan paytda Layli kasalga chalingani sababli maktabga kelmayotgan bo‘ladi. Tarjimada esa Layli Qays bilan uchrashgandan so‘ng kasal bo‘lib qolgani aks etadi:

„Qáste boldı – deydi – Láylijan.“
Hám jıynaldı tuwǵan-tuwısqan [4:116].

Asliyatda Layli va Majnun uchrashgan paytda kuchli bir oh chekadilar, u o‘tdan jahon yorishib, xirmonlariga shu’la tushgandek bo‘lib, xirmoni yonib kul bo‘lgandan keyin behush bo‘lib yiqiladilar. Bu epizod ham tarjimada boshqacha tasvirlangan:

Qays Láylijandı qushaqlap.
Birim-birim suyer juzinen [4:132].

Asliyat tilida Laylining izidan kuzatib chiqqan doyasi bularning ahvoliga zor yig‘lab, birov bilib qolmasin deb, „keksa osmon quyoshni orqalagandek“ Laylini uyiga olib keladi va Qaysni qabiladan uzoqroqqa eltib qo‘yadi. Tarjimada esa kampir oshiqlig‘ing elga oshkora bo‘lib masxara bo‘lib qolmang, xalqning zaharli tili umringiz bahoriga og‘u solmasin, Qaysga uyingga qayt deb, Laylini uyiga olib qaytadi, Qays esa qum ustida qoladi:

Al Láylini qolınan suyrep
Alıp qayttı ol kempir uyge.
Qays qumnıń ustinde jatıp
Qaldı. Hámde ketti tań atıp... [4:133].

Ta’kidlash joizki, qofiya she’rda ohangdoshlikni ta’minlovchi muhim omillardan biri. Shu bois she’riy nutq qofiyaga asoslanadi. Tarjimaning ko‘p o‘rinlarida qofiyalanmagan misralar uchraydi. Bundan tashqari, tarjimada e’tiborimizni tortgan jihatlardan biri tinish belgilarining qo‘llanilishidir. Asliyatda nuqta faqat misra oxirida qo‘yilgan. Tarjimada esa misra o‘rtasida ham nuqta qo‘yish hollari ko‘p uchraydi. Bizga ma’lumki, nuqta ohang va fikr tugalligini bildiradi va gapning oxirida qo‘yiladi. Vaholanki, masnaviyda yozilgan asarlarda baytning oxirida nuqta qo‘yiladi. Misra o‘rtasida qo‘yilishi esa misrani bo‘lib o‘qilishini anglatadi:

Sezbes onı biraq miyriman
Ata-ana. Sezbes onı jan [4:112].

Bu esa bayt ohangiga ham o‘z ta’sirini ko‘rsatadi, ya’ni ohangdoshlik buziladi. Bayt asliyatdagidek jaranglamaydi.

„Layli va Majnun“ dostoni qo‘llanilgan she’riy san’atlar alohida ahamiyat kasb etadi. Xususan, dostonning ko‘p o‘rinlarida ruju’ san’atini kuzatamiz. „Ruju’ – arabcha „qaytish“ ma’nosini bildirib, she’riyatda shoirning oldingi misra yoki baytda ifodalangan fikri, qo‘llagan badiiy tasviriy vositasidan qaytgandek bo‘lib, keyingi misra yoki baytda unga qaraganda kuchliroq ifoda, she’riy san’atni keltirish yoki oldingi fikrni aniqlashtirish, to‘ldirish usulidir. Mumtoz she’riyatimizda ruju’ usuli ayniqsa tashbih qo‘llangan misralarda ko‘proq uchraydi“ [5:47]. „Layli va Majnun“ dostonida XXI bobning quyidagi baytida ruju’ san’ati qo‘llanilgan:

Har yon bo‘ri posbon itidek,
Yo‘q, yo‘q, ne dedim, shubon itidek. [3:111].

Bayt birinchi misrasida „har tomonda qo‘riqchi itidek bo‘ri“ tashbihi qo‘llanilgan bo‘lib, ikkinchi misrada shoir undan chekingan holda tashbeh belgisini yanada kuchaytiradi. „Yo‘q-yo‘q, yanglishdim, cho‘pon itidek bo‘rilar kezar“ deya bayt mazmun-mohiyatini yanada oydinlashtiradi. Tarjimada esa mazkur bayt berilmaydi.

Navoiy quyidagi baytda avval qo‘llagan ifodadan chekinib, yangi tashbih qo‘llaydi. Keyin undan ham kuchliroq ifoda yaratgan holda Layli ta’riflaydi:

Naxli-yu ne naxl, sarvi ozod
Sarvi-yu, ne sarv, rashki shamshod [3:46].

Baytda avvaliga Laylini niholga qiyoslaydi, keyin undan qaytib „sarv“ga o‘xshatadi, so‘ng bu bilan cheklanmasdan, oddiygina emas go‘yo „shamshodning rashki keladigan sarv“ ekanligini tasvirlaydi. Tarjimada shu mazmunga o‘xshash bayt bor, lekin unda ruju’ san’ati saqlanmaydi:

Ol sárviniń boylarınday boy
Bolǵan emes. Onday gápti qoy! [4:114].

„Layli va Majnun“ dostonida kinoya san’atidan ham mohirlik bilan foydalanilgan. „Kinoya “bir fikrni yasharin ifoda etmoq“ ma’nosidagi so‘z bo‘lib, bayon ilmida uni ham haqiqat, ham majoz ma’nosi anglashiladigan so‘z“ [5:59]dir. Dostonda XIII bobda Qaysning Layli bilan bog‘da ko‘rishib, ayriliq azobida qiynalayotgani, tong otishi tasvirida kinoya san’ati qo‘llanilgan:

Ko‘k gulshani gullari to‘kildi
Gullarki to‘kildi, g‘uncha kuldi [3:65].

Baytdagi „gullar to‘kildi“ so‘zlari o‘z ma’nosida „bog‘da gullarning to‘kilishi“ni ifodalaydi. Ushbu baytda “Ko‘k gulshani gullari to‘kildi“ iborasi „Osmondagi yulduzlar yo‘qoldi“ ma’nosini bildiradi. Tarjimada mazkur baytni ham uchratmaymiz.

Dostonning XI bobida keltirilgan quyidagi baytda tardu aks san’ati qo‘llanilgan:

Husn ichra **ayog‘idin boshi** xo‘b,
**Boshdin ayog‘i**ga tegru mahbub, [3:52].

Tardu aks san’atiga asos bo‘lgan **ayog‘idin boshi** – **Boshdin ayog‘i** so‘zlari turlicha o‘zgartirilib takrorlanib, tardu aks san’atining ikkinchi turi – „aksi noqis“ (nuqsonli aks) turiga misol bo‘ladi. Baytda Layli „go‘zallikda boshdan-oyog‘igacha sevimlidir“ deb tasvirlangan. Tarjimada shunga o‘xshash bayt bor, lekin unda tardu aks san’ati aks etmagan:

Ruwxı bay, kewli onıń shad.
Bastan-ayaq tolı muhabbat [4:117].

„She'rda qo'llaniladigan turli san'at she'riy musiqani amalga oshirishga yo'naltirilgan bo'ladi. Shu bois har bir she'riy sistema o'z xususiyati, an'anaviy vazni, ritmi hamda ohangiga ega" [7:197]. Shunday ekan, tarjimon imkon qadar she'riy san'atlarni tarjimada ham aks ettirsa, asar estetik ta'sirchanligi saqlashga muvaffaq bo'ladi.

„Layli va Majnun" dostonining jami 12 bobi qoraqalpoqchaga tarjima qilingan bo'lib, ulardagi baytlar soni muayyan o'zgarishlarga uchraydi:

| № | Boblar | Asliyatda baytlar soni | Tarjimada baytlar soni |
|---|---|---|---|
| 1 | X | 69 | 44 |
| 2 | XI | 150 | 83 |
| 3 | XII | 113 | 72 |
| 4 | XIII | 103 | 11 |
| 5 | XIV | 92 | 69 |
| 6 | XV | 64 | 38 |
| 7 | XVI | 58 | 67 |
| 8 | XVIII | 81 | 90 |
| 9 | XIX | 86 | 28 |
| 10 | XXXI | 123 | 27 |
| 11 | XXXIII | 126 | 43 |
| 12 | XXXV | 203 | 110 |

Tarjimada mazmun o'zgarish holatlari ham uchraydi. Chunonchi, XVI bob tarjimasi mazmunan asliyatga muvofiq emas. Tarjimada Majnunning otasi Laylining otasiga sovchi yuborganligi, Laylining otasi ularni o'ziga teng ko'rmay, rad javobini berganligi aks etadi. Asliyatda esa Majnunning otasi Layliga sovchi yubormaydi. Laylining otasi Qaysning Layli ishqida majnun bo'lganligini, ma'lomatga qolganligini eshitgach, Majnunning otasiga elchi yuborib, o'g'lini kishanlab qo'yishini buyuradi. Shundan so'ng, Qaysni zanjirlab, bir uyga qamab qo'yishadi.

**Asliyatdagi** XXXI bobda Laylini Ibn Salomga bermoqchi bo'lib to'y qilishadi. To'y kuni Ibn Salomning xafaqon kasali tutib, hushidan ketib qoladi. Hamma Ibn Salom bilan ovvora bo'lgan paytda, Layli biyobonga chiqib ketadi. Shu tariqa, ikki oshiq bir-biriga yetishadilar.

**Tarjimada** esa mazmun quyidagicha: Ibn Salom arabi otga minib, Layli eliga yo'l oladi. Qizning el-u xalqi yig'ilib, mehmonlarni kutib oladi. Laylining otasi yetti kun to'y berdi. Aroq-sharob suvday ichiladi. Nay chertkizib, qo'shiq aytqizib quvonchli kunni boshlaydilar. Layli nikohini mulla qiyadi. Shu joyda tarjimada ruscha so'z ishlatilgan: „Bola bersin *semyań* qutlı" [4:157]. Holbuki, qoraqalpoq tilida oila ma'nosida "shańaraq" so'zi bor.

Dostonda asliyat bilan tarjimada ba'zi o'rinlardagi tasvirlar mohiyatida farqli jihatlar mavjud:

– **asliyatda** Laylining otasi bir necha kun to'y berdi deyilsa, **tarjimada** aniq yetti kun to'y qilganligi aytiladi;

– **asliyatda** Ibn Salomning ko'p may ichganligi xafaqon kasali bo'lganligi sababli hushidan ketib qoladi, **tarjimada** esa bu haqda aytilmagan;

– **asliyatda** Ibn Salom Laylini uyiga olib qaytmaydi, Laylining qabilasida ekanligida hushidan ketib qoladi, **tarjimada** esa uyiga olib qaytdi va yo'lda Layli qochib keldi mazmuni aks etgan;

**Ключевые слова:** повторение, коннотативное значение, импульсы, эмоциональная коннотация, языковые единицы.

**Key words**: repetition, connotative meaning, exclamations, emotional connotation, language units.


Ma’lumki, takror til birligining emotsional-ekspressiv xususiyatini yuzaga chiqaruvchi, matnda konnotativ ma’noni hosil qiluvchi vositadir.

Tadqiqotchi Sh.Asqarova “takror” [qaytariq, takrorlash] terminining lingvistik adabiyotlarda “takrorlash”, “reduplikatsiya” (so‘z negizini takrorlash yo‘li bilan yangi so‘z yasash), “ikki martaga oshirish”, ayrim holatlarda bir-biridan farqlanmaydigan, turli ma’nolarni ifodalovchi tushuncha sifatida talqin qilinishini ta’kidlaydi [1:10]. Demak, takror til tizimidagi turli birliklarning nutqda qaytalanishidir.

Til birliklari takror qo‘llangan har qanday jumla, matn ta’sirchan bo‘ladi. A.Abdullayev qayd etganidek, “takrorning hamma turi (tovush takrori, so‘z takrori va gap takrori), odatda, ma’noni kuchaytirish, ta’kidlash uchun xizmat qiladi” [2:70].

Takror til birliklarining emotsional xususiyatini kuchaytiruvchi vosita ham hisoblanadi. Konnotativ ma’noga ega bo‘lgan birlik nutqda takror qo‘llanganda uning bu xususiyati yanada kuchayadi. Bunday vaqtda til birligining ta’sir quvvati oshadi. Takror emotsionallikni kuchaytiruvchi vosita vazifasini bajarganda til birligi orqali ifodalangan ma’no bo‘rttiriladi, u aktuallashib, o‘quvchi e’tiboriga tushadi. Shu sababli nutqda ekspressiv-emotsionallikni o‘rganishda takrorning o‘rniga jiddiy e’tibor qaratish lozim.

Ma’lumki, takrorning konnotativ vazifasi nutqda namoyon bo‘ladi. Badiiy adabiyotda takrorning manbasi she’riyat sanaladi. Shoir she’r yozar ekan, til birliklari takroriga e’tibor qaratmasligi mumkin emas. Takror she’r misralarida ohangdorlikni, ta’sirchanlikni, estetiklikni yuzaga keltiradigan vositadir.

Takror til birliklarining nutqiy funksional imkoniyatlarini yuzaga chiqaruvchi uslubiy vosita sifatida ham ahamiyatlidir. Takrordan, ayniqsa, badiiy adabiyotda asar matnida ta’sirchanlikni hosil qilishda, tasviriylikni kuchaytirishda, ta’kidni oshirishda, voqelikni bo‘rttirishda keng foydalaniladi. Badiiy matnda yozuvchi bu maqsadlarga erishishda takrorning turli ko‘rinishlarini qo‘llaydi. Iste’dodli shoir Eshqobil Shukur ham takrorlardan keng va o’z o’rnida foydalana olgan mahorat sohibidir. Shoir she’rlarida takror qo‘llangan fonetik, morfologik, leksik hamda sintaktik birliklar muallifning individual uslubini hosil qilishda muhim o‘rin tutadi. Eshqobil Shukur she’rlarining ta’sirchanligini oshirishda hamda lirik qahramon sub’yektiv munosabatini ifodalashda sintaktik birliklar, xususan, gaplar, gap bo‘laklari, so‘z birikmalari, undalmalar takroridan unumli foydalangan.

Sintaktik takror badiiy matnda konnotativlikni hosil qiluvchi takror turi bo‘lib, so‘z birikmasi, gap bo‘laklari, gap, kirish konstruksiyalar, undalmali gaplar ko‘rinishida yuzaga chiqadi va manbalarda *sintaktik parallelizm* deb ham ataladi. M.Yo‘ldoshevning ta’kidlashicha, “Badiiy matnda sintaktik jihatdan bir xil shakllangan gaplar ko‘p qo‘llaniladi. Tilshunoslikda bunday qurilmalar *parallelizm* atamasi ostida o‘rganiladi. *Parallelizm* (yunoncha *parallelos* - yonma-yon boruvchi) yonma-yon gaplar,

sintagmalarning bir xil sintaktik qurilishga ega bo‘lishi”dir[3:68].

Ma’lumki, “takror gap fikrning o‘ta ta’sirchanligini ta’minlashga xizmat qiladi. Gapning to‘la takrorida, asosan, shu gapdan anglashilgan mazmun hissiy tus oladi” [4:134]. Shoirning “Tungi dalada yolg‘iz” she’rida qo‘llangan takror gaplar ham ta’sirchanlikni yuzaga keltirishga xizmat qilgan, gapda aks etgan axborot aktuallashgan:

***…Tungi dala…***
*Oyning yorug‘ida oqarib turar*
*Yog‘izoyoq so‘qmoq.*
*Soyamga ergashib bormoqdaman jim,*
*Manzilim yiroq.*
***…Tungi dala…***
*Ovozi tinmaydi chirildoqlarning –*
*Musiqa tinmas.*
*Olisdan yulduzlar tovushi kelar,*
*Ko‘nglim ham jimmas.*
***…Tungi dala…***
*Pishgan giyohlarning isi anqiydi*
*Tun salqinida.*
*Mangulik kitobin o‘qiy boshlayman*
*Oy talqinida.*
***Ey tun, menga hikmatingni och,***
***Ey tun, menga hikmatingni och!***

Ushbu she’rda *Tungi dala* so‘z-gapi uch marta aynan takrorlangan. Xarakterli jihati, shoir bu gapni alohida band sifatida bergan. Natijada ushbu so‘z-gap mantiqiy urg‘uga ega bo‘lgan. Keyingi band misralari ushbu so‘z-gapning mazmunini ochib berishga xizmat qilgan. Shoir she’r oxirida undalmali yoyiq gap tuzilishidagi *Ey tun, menga hikmatingni och* misrasini takror qo‘llash orqali lirik qahramonning iltijosi, o‘tinchini aks ettiruvchi hissiy munosabatni ta’sirchan ifodalashga muvaffaq bo‘lgan.

Eshqobil Shukur she’rlarida konnotatsiya undalmalar takrori orqali ham ifodalangan. A.Abdullayevning ta’kidlashicha, undalmalarni takror qo‘llashda “alohida kuch bilan ekspressivlik ifodalanadi”[2:75]. Darhaqiqat, undalmalar takrorida murojaat yanada kuchayadi. Bu esa ekspressivlikni yuzaga keltiradi. Eshqobil Shukur ham o‘z she’rlarida undalmalar takroriga e’tiborini qaratgan.

Shoir she’rlarida undalmalar takrori bu bo‘lakni aktuallashtirgan, unda ifodalangan ma’no alohida ta’kidga ega bo‘lgan. Natijada poetik matnda ta’sirchanlik yuzaga kelgan. Masalan, shoirning quyidagi she’rida undalmalarning vertikal holatdagi takrori kuzatiladi:

***Sevgi!***
*Tilimga kirma,* ***Sevgi.***
*Oyog‘ingning tirnog‘i bilan*
*Yuzingni tirna,* ***Sevgi…***
***Nafrat!***
*Tilimga kirma,* ***Nafrat****,*
*Qushlarning ko‘pchigan patlari bilan*
*Yuzingni tirna,* ***Nafrat...*** (“Nomukammallik”)

She’rda qo‘llangan *Sevgi, Nafrat* undalmalari lirik qahramon murojaatini aks ettirgan. Bu birliklar she’r misralari boshida yakka holda berilib, keyingi satrlarda yana takrorlangan. Natijada murojaat alohida ta’kidga ega bo‘lgan va Sevgi, Nafrat matnning aktual birliklari sifatida namoyon bo‘lgan.

Shoir ayrim she’rlarida shaxslarga murojaat qiladi. Bunday vaqtda undalma sifatida kishi nomlari ishlatiladi. Quyidagi she’rda bi tipdagi undalma gorizontal va vertikal yo‘nalishlarda takrorlangan:

***Oysulton, Oysulton,*** *xushbaxt bo‘lurmiz,*
*Soching to‘lqinida oylar suzarlar.*
*Eshilib yulduzlarning zar yollari*
*Ko‘zing osmonini bezarlar...*
***Oysulton, Oysulton,*** *xushbaxt bo‘lurmiz,*
*Labingdan qon tilar tog‘ lolalari.*
*Toshday sadoqating haqda kuylaydi*
*Torlarday titragan tosh tolalari.*
***Oysulton, Oysulton****, xushbaxt bo‘lurmiz,*
*Yostig‘ing ichiga gullar to‘ladir.*
*Sening shodlik rangli lablaring bilan*
*Mening ko‘zlarimda dunyo kuladir.*
***Oysulton, Oysulton,*** *xushbaxt bo‘lurmiz...* (“Oysulton...”)

She’rda *Oysulton* ismining ham misra tarkibida, ham bandlar boshida anaforik usulda hamda eng so‘nggi yolg‘iz bandida takrorlanishi murojaatning o‘ziga xos ko‘rinishi bo‘lib, she’rda hissiy konnotatsiyani hosil qilishga xizmat qilgan. Takror orqali she’rda murojaat birligiga ta’kid ma’nosi yuklangan, uning matnda aktuallashuvi ta’minlangan.

Eshqobil Shukur undalmaga yuklangan murojaatni kuchaytirishda ba’zan undov so‘zlardan foydalangan. Bu holat uning she’rlarida o‘ziga xos hissiy konnotatsiyani hosil qilishga xizmat qilgan. Masalan:

*Biza muruvvatsan, hikmatsan,* ***ay ruh,***
*San xudo nazari, himmatsan,* ***ay ruh,***
*Bu tan bugun obod, ertan xarobot,*
*Bir tola nur uza abadsan,* ***ay ruh.***
***Ay ruh. ... ay ruh... ay ruh...*** (“Bu ko‘ngil...”)

She’rda *ay* undovi *ruh* undalmasi bilan birga kelib, har bir misra oxirida va she’rning so‘nggi misrasida yana 3 marta takrorlangan. Shoir ushbu undalmaning takrori orqali undash ma’nosini yanada kuchaytirgan, uni aktual bo‘lakka aylantirgan. Ayniqsa, she’r oxiridagi takror shoirning ruh timsoliga bo‘lgan ijobiy munosabatini yanada yorqin ifodalashga xizmat qilgan. Takror natijasida undalma konnotativ xususiyatga ega bo‘lgan.

Kuzatishlarimizdan ma’lum bo‘ladiki, shoir she’rlarida undalamalarning turli xildagi takrori kuzatiladi. Takror orqali shoir undalmalarda undash ma’nosini kuchaytiradi, ularni she’riy matndagi muhim bo‘lakka aylantiradi, shu bilan birga, sub’ektiv munosabatini bildirib o‘tadi. Quyidagi she’rida takror undalma misrani tashkil qilgan, keyingi misra oxirida esa bu undalma yana takrorlangan:

***Yig‘loq tosh... Yig‘loq tosh...***
*Kel, birga yig‘laylik,* ***yig‘loq tosh****, –*
*Bir tunning ichinda, bir osmon ostinda…* (“Yig‘loq tosh”)

She’rda undalma takrori orqali “yig‘loq tosh”ga undash kuchli ifodalangan, takror sababli lirik qahramon murojaati o‘rnini o‘tinch egallagan. Demak, bu o‘rinda undalmada ifodalangan murojaat ma’nosi o‘tinch konnotativ ma’nosi bilan boyitilgan.

Shoir “Ishq suhbatlari” she’rida misra boshida kelgan undalmani misra oxirida ham keltirib, takrorning yana bir o‘ziga xos turidan foydalangan:

***– Ay, gul,*** *kiymishing o‘n sakkiz bahor,* ***ay, gul,***
*So‘yla, qaysi jahon saning qulingdir?...*

Eshqobil Shukur she’rlarida parsellyativ xarakterdagi takror undalmalar ham uchraydi. Undalmalarni bu usulda qo‘llash va takrorlash orqali shoir ularning ta’sir quvvatini oshirishga erishgan. Masalan:

*Sevgimday sevimlim, sirim* ***ozodlik! OZODLIK***
*Shodlik ulasharmen dardga, qayg‘uga,*
*Mashrabday sochilib ketayapman men.*
*O‘n olti yoshimda sezgan tuyg‘uga*
*O‘ttiz besh yoshimda yetayapman men.*
*Tohir Zuhrosini suygani kabi,*
*Men suymak istadim seni,* ***ozodlik. OZODLIK***
*Dilimda chamanlar bo‘lganida xor,*
*Yelkamdan potirlab o‘sdi qabrlar.*
*Cho‘lponning qoshida chayqalganda dor,*
*Joynamoz ustida jon berdi pirlar.* ***OZODLIK.*** (“Ko‘p bo‘ldi…”)

Shoir ushbu she’riy parchada *ozodlik* undalmasini takror qo‘llagan. Xarakterli jihati, she’rda bu birlik 2 o‘rinda gap tarkibida, 3 o‘rinda gapdan ajratilgan holatda alohida takrorlangan.

*Ozodlik* undalmasining bosh harflarda alohida takrorlanishi ushbu birlik ifodalagan ma'noni aktuallashtirishga, uni ta'kidlashga xizmat qilgan. Natijada ushbu birlik konnotativ jihatdan ahamiyatli birlikka aylangan.

Eshqobil Shukur ayrim she'rlarida undalmalar takrori orqali ijobiy konnotativ ma'noni hosil qilib, she'rlarining ta'sir quvvatini oshirgan.

*Yorimni qaytib bergin,*
***Bug'u, Bug'u, Bug'ujon.***
*Nayzalarni sindirgin,*
*Baxtni qilmasin qurbon.* ("Xun ayoli haqida qo'shiq")

Berilgan she'riy parchada *Bug'u* so'zi uch marta takrorlangan. Bu so'zning so'nggi takrorida unga *-jon* affiksini qo'shish orqali erkalash ma'nosi ifodalangan. Natijada misrada ijobiy konnotatsiya hosil bo'lgan. Demak, shoir bu o'rinda takror bilan birga maxsus grammatik shakllardan ham foydalanib, ijobiy hissiy konnotatsiyani hosil qiladi.

Shoir takror qo'llangan undalmaga ba'zan -lar affiksini biriktirib, ma'noni bo'rttiradi. Masalan:

*Nega yig'layapsiz,* ***qo'llarim***
***Oyoqlarim,*** *nega*
*Yulib tashlayapsiz tirnog'ingizni?*
*Bor-yo'g'i uch ming yil yashadik hali*
*Tosh asrida, temir asrida,*
*Nega yig'layapsiz,* ***qo'llarim,***
***Oyoqlarim,*** *nega yig'laysiz?*
*Hali manzil uzoq odam asriga.*

She'rda *qo'llarim, oyoqlarim* undalmalari misra tarkibida kelgan. She'rda yaxlit misraning qisman o'zgarish bilan takrorlanishi o'ziga xos. Bunday usuldagi takror va misra tarkibida undalmalarning -lar affiksini qabul qilib, qaytalanishi misrada ifodalangan ma'noni bo'rttirishga xizmat qilgan.

Eshqobil Shukurning ayrim she'rlarida yoyiq undalmalar takrori kuzatiladi. Masalan, uning "Mag'astvi…" deb nomlanuvchi she'rida *Mag'astvi, Mag'astvi, buyuk buddaviy* undalmasi 2 o'rinda takrorlanib, konnotativ ma'no kasb etgan.

Shuningdek, shoir she'rlarida kirish konstruksiyalar takrori orqali ham konnotatsiyani yuzaga keltirgan**.** Eshqobil Shukurning quyidagi she'rida *demak* modal so'zi kirish so'z vazifasida 3 marta takrorlanib, sub'yektiv munosabatni kuchaytirishga, uni ta'kidlashga xizmat qilgan:

*Bu navoni rubobdan oldin*
*Bir qari tut kuylagan edi.*
*Bu nolani naydan ilgari*
*Bir qamishdan tinglaganlar bor.*
*Chanqovuzning po'lat tilchasi*
*Bitta g'arib turnadan qolgan.*
***Demak...***
***Demak...***
***Demak****...*
*Kuylayotgan maysani bilmay,*
*Ilg'amasdan shamol nolasin,*
*Eshitmasdan daraxt yig'isin,*
*Kapalakning faryodin sezmay,*
*Sezmay turib qayg'u kulgisin,*
*Musiqani yashay olmassan.* ("**Musiqani anglash**")

Xullas, Eshqobil Shukur she'rlarida undalmalarni o'rni bilan takror qo'llab, ularga turli konnotativ ma'nolarni yuklagan. Natijada she'rlarining ta'sirchanligi, badiiy-estetik qimmatini oshirishga muvaffaq bo'lgan.

**Adabiyatlar**

1. Асқарова Ш.К. Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг лингвистик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалс. док. (PhD) … дисс.автореф. – Тошкент: 2019. 10-11-б.
2. Абдуллаев А.Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: «Фан», 1987. 75-б.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. – Тошкент: «Фан», 2007. 68-б.
4. Қиличев Э. Ўзбек тили амалий стилистикаси (Грамматика). – Тошкент: «Ўқитувчи», 1992. 134-б.
5. Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. – Тошкент: «Шарқ», 2002.
6. Эшқобил Шукур. Сочлари сумбул-сумбул. – Тошкент: «Ғафур Ғулом», 1988.

**REZYUME.** Hozirda butun dunyo tilshunosligida konnotatsiyaning ifodalanishi masalasi turli aspektlarda tadqiq etilib kelinmoqda. She'riyatda konnotativ ma'nolarning aks ettiruvchi vositalar tadqiqi bo'yicha ham salmoqli ishlar amalga oshirildi. Badiiy matnda konnotatsiyaning pragmatik mohiyati o'ziga xos tarzda namoyon bo'ladi. Ushbu maqolada poetikada turli konnotativ ma'nolar ifodalashga xizmat qiluvchi takror hamda taniqli o'zbek shoiri Eshqobil Shukur she'rlarida qo'llangan sintaktik takrorlarning badiiy matn ta'sir doirasini kengaytirishdagi ahamiyati xususida so'z yuritilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В настоящее время вопрос выражения коннотации исследуется в различных аспектах в лингвистике всего мира. Значительная работа проделана и по исследованию средств отражения коннотативных значений в поэзии. В художественном тексте прагматическая сущность коннотации проявляется уникальным образом. В данной статье говорится о повторе, который служит для выражения различных коннотативных значений в поэтике, и о значении синтаксических повторов, используемых в стихотворениях известного узбекского поэта Эшкобила Шукура, в расширении объема художественного текста.

**SUMMARY**. Currently, the issue of expression of connotation is being researched in various aspects in linguistics of the whole world. Considerable work has also been done on the research of reflective means of connotative meanings in poetry. In the artistic text, the pragmatic essence of connotation is manifested in a unique way. This article talks about repetition, which serves to express different connotative meanings in poetics, and the importance of syntactic repetitions used in the poems of the famous Uzbek poet Eshqobil Shukur in expanding the scope of the artistic text. «»

## BADIIY TARJIMA JARAYONINING ASPEKTLARI

**F.D.Sapayeva –** *filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, professor*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** she'r, tarjimon, tarjima, she'riy takror, bayt va band, ma'no, shakl va mazmun, so'z, radifli she'r, radifsiz tarjima qilish, matn, shoir, Maxtumquli, turkman tili, o'zbek tili.

**Ключевые слова:** стихотворение, переводчик, перевод, поэтическое повторение, строфа и пункт, смысл, форма и содержание, слово, стихотворение с радифом, перевод без радифа, текст, поэт, Махтумкули, туркменский язык, узбекский язык.

**Key words:** poem, translator, translation, poetic repetition, verse and clause, meaning, form and content, word, radiff poem, translation without radif, text, poet, Makhtumkuli, the Turkmen language, the Uzbek language.

Tarjima ijrosiga ko'ra yozma va og'zaki turlarga bo'linadi. O'z navbatida, yozma tarjima xarakteriga ko'ra: badiiy asarlar; ilmiy adabiyotlar; rasmiy-idora hujjatlari; publitsistik materiallar; kinofilmlar tarjimasiga bo'linadi.

Bularning har biri yana o'z ichki bo'linishlariga ega. Badiiy tarjima nasriy, she'riy, dramatik asarlar tarjimasini o'z ichiga oladi. Ilmiy adabiyotlar fanning turli sohalaridagi tadqiqotlar tarjimasidan iborat: tilshunoslik, adabiyotshunoslik, tarix, falsafa, matematika, fizika, kimyo, biologiya, iqtisod va hokazo. Rasmiy idora hujjatlariga xatlar, qarorlar, bayonnomalar, farmoyishlar, patentlar va boshqalar kiradi. Publitsistik materiallarga maqola, xabar, felyeton, ocherk, pamflet, publitsistika kabi vaqtli matbuot va ommaviy axborot vositalaridagi barcha materiallar kiradi. Kinofilmlar tarjimasi ham badiiy, ilmiy, hujjatli filmlardan tashkil topadi.

Og'zaki tarjima ham keng tarqalgan bo'lib, davlat rahbarlari o'rtasidagi xalqaro ahamiyatga molik siyosiy-iqtisodiy mavzudagi o'zaro fikr almashuvlardan tortib, oddiy suhbatgacha bo'lgan katta doirani qamrab oladi.

Og‘zaki tarjima ham xarakteriga ko‘ra: sinxron tarjima; ketma-ket tarjima; tushuntirib berish; o‘qib tarjima qilib berish; o‘qib gapirib berish; eshitib gapirib berish kabilarga bo‘linadi.

*So‘zma-so‘z va hijjaviy tarjima.* Ya.I.Retsker “дословный” va “буквальный” terminlarining ma’nolari boshqa-boshqa bo‘lib, ularni bir-biri bilan aralashtirish yaramasligini alohida qayd etgan yedi: “… so‘zma-so‘z va hijjalab tarjima qilish degan ikki xil tushunchani aralashtirmaslik kerak. Hijjalab tarjima qilish – turli-tuman tillarning so‘zlari o‘rtasidagi nuqul tashqi, shakliy o‘xshashlikka asoslangan mexanik tarjimadir. Bu tarjima sohasidagi formalizmdir. So‘zma-so‘z tarjima esa “so‘zni-so‘z” bilan, hech narsani almashtirmasdan yoki qayta guruhlashtirmasdan qilingan tarjimadir. Hijjalab tarjima qilishga yo‘l qo‘yib bo‘lmaydi. So‘zma-so‘z tarjima esa muayyan hollarda qonuniy hodisadir” [9:272-273].

Demak, дословный перевод – aniq tarjima, буквальный перевод – hijjalab tarjima qilish.

So‘zma-so‘z tarjimaga misollar: *Терпи, казак, атаманом будещ.* – Sabr qil, kazak, ataman bo‘lasan. (erkin tarjimasi: Sabr qilsang, g‘o‘rada halvo bitar). *Если враг не сдаётся, его уничтожают.* – Agar dushman taslim bo‘lmasa, uni yanchib tashlaydilar. *Дураку закон не писан.* – Axmoqqa qonun bitilmagan.  Holva degan bilan og‘iz chuchimaydi. – *“Халва” сколько не говори, во рту сладко не станет.*

Hijjaviy tarjimaga misollar: 1. “*крестьянин крепко осел* – dehqon mustahkam eshak (dehqon mustahkam o‘rnashdi); 2. “*парк занесен снегом*” – “parkni qor bosdi” (park qor bilan olinib ketildi); 3. *угловатый* (qo‘pol, dag‘al) – burchakli; 4. *бархатный голось* (Mayin ovoz) – duxoba ovoz; 5. *голубые глаза* (ko‘k ko‘z) – kaptar ko‘zlar; 6. *краса и гордость* (ko‘rk va savlat) – bo‘yoq va faxr; 7. *учёная собака* (o‘rgatilgan it) – olim it; 8. Jigar-bag‘rim kabob bo‘ldi (Mashrab) – *Сердце стало шашлыком;* 9. U qizilmag‘izdan kelgan edi (A.Qodiriy. “Obid ketmon”). – *Он приехал из Кизилмагиза;* 10. Перевести дух (Kafka). – Ruhiyatni tarjima qilmoq (V.Fayzullo tarjimasi).

Akram Qodiriyning “Tarjimon” nomli bir pardali komediyasida Mulla Mirgarang yozgan ariza: “Glavni bosh paxtaqo‘mg‘a. Maya jilizni daroga yuk taskayt. Adin polovina luna bo‘ladi. Xotinim uyda pitir delayt. Shunga denga dayut.” (Ushbu matn va undagi berilgan ruscha-o‘zbekcha so‘z va leksemalar, so‘zlashuv uslubiga xos muammo va talqin xususiyati haqida batafsil ma’lumot berib o‘taman.)

*Aniq tarjima* – so‘zma-so‘z aniqlikka intilish. Buning yorqin misoli V.Bryusov tarjimasidagi Vergiliyning “Yeneida” asari. U asarni olti-yetti marta tarjima qilgan. Har gal yangi prinsip qo‘llagan: 1) erkin tarjima yoki “qayta hikoya qilib berish” usuli; 2) chin ma’nodagi “she’riy tarjima” (aniq, ammo bukvalizm – harfiy tarjima belgilardan holi); 3) sof bukvalizm.

*Taglama* – asl nusxa tilini bilmaydigan tarjimon uchun maxsus tayyorlab beriladigan so‘zma-so‘z, jumlama-jumla, satrma-satr (she’riy tarjimada) aynan tarjima, tahtullafz, podstrochnik. Sovet davrida rus tarjimonlari o‘zbek adabiyoti namunalarini, asosan taglamadan tarjima qilganlar (L.Penkovskiy, V.Derjavin, S.Lipkin, K.Simonov, M.Salye. “Farhod va Shirin”ning ayrim boblarini nemis tiliga o‘girgan Alfred Kurella ham taglamadan foydalangan).

Tabdil – mumtoz adabiyot asarlarining lug‘atida, jumladan, Alisher Navoiy asarlari lug‘atida ham shu darajada katta tafovut borki, bu asarlarni to‘la tushunib yetish uchun ularni to‘la ma’noda tarjima qilinmasa ham, loaqal, “yarim tarjima” qilishga zarurat tug‘iladiki, buning nomini tabdil qilish deyiladi. Masalan, Alisher Navoiy qalamiga mansub “Xamsa” dostonlari, “Lison ut-tayr” dostoni nasriy bayon qilingan bo‘lsa, “Mahbub ul-qulub” hozirgi o‘zbek tiliga tabdil qilingan. Mahmud Qoshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk”, Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig”, Ahmad Yugnakiyning “Hibat ul-haqoyiq” asarlari ham nasriy tarjimada o‘qilayapti. Bu asarlarning asl nusxasini faqat mutaxassislar o‘qiydi.

Adaptatsiya – soddalashtirish, moslashtirish. Chunonchi, Xomushiy Firdavsiyning “Shohnoma”, N.Komilov Attorning “Ilohiynoma”sini xalq saviyasi va o‘quvchilar darajasini hisobga olib, nasriy tarjima qilganlar.

Mualliflashtirilgan tarjima – Muallifning o‘zi tomonidan (Ayniy asarlari) yoki muallif va tarjimon hamkorligida (P.Qodirov va Yu.Surovtsev) amalga oshirilgan tarjimalar. Ch.Aytmatov qissalari ham, S.Ayniyning “Buxoro jallodlari”, “Odina”, “Sudxo‘rning o‘limi”, “Qullar”, “Esdaliklar”ining birinchi qismi ham o‘zbek, ham tojik tilida yozilgan. Bunda u o‘z asarlariga xohlaganicha o‘zgartirish va tahrirlar kiritgan.

Qayta tarjima. Asliyat barcha zamonlar va o‘quvchilar uchun o‘zgarmas bo‘lib qolaveradi. Lekin har bir davr, har bir avlod yangi, zamonaviy tarjimaga ehtiyoj sezadi. Aytaylik, Sa’diy “Guliston”ining Sayfi Saroyi va Ogahiy tarjimalari lisoniy jihatdan bugungi o‘quvchi talabini qondirolmaydi. Shuning uchun XX asrda uning yangi tarjimasi paydo bo‘ldi. Chunki bu tarjimalarning o‘zi tarjimaga muhtoj. Umuman, qayta tarjimaga quyidagi omillar sabab bo‘ladi: avvalgi tarjimaning til jihatdan eskirganligi; badiiy jihatdan bo‘sh tarjima qilinganligi;  vositachi til orqali o‘girilganligi; ijodiy bellashuv istagi.

Jamol Kamol ilgari rus tilidan o‘girilgan Shekspir fojialarini bevosita ingliz tilidan tarjima qildi. Yoki Bayronning “Don Juan” asarini Abdulla Sher ingliz, Sulaymon Rahmon rus tilidan tarjima qildilar. Shavkat Rahmon otashnafas ispan shoiri Garsia Lorka she’rlarini dastlab rus tilidan tarjima qilgan yedi. Keyin ispan tilini o‘rganib, bevosita asl nusxadan o‘zbekchalashtirdi.

Oybek tarjimasidagi A.S.Pushkinning “Yevgeniy Onegin” she’riy romani asliyatning mazmunini to’la-to’kis aks ettirgan bo‘lsa-da, shaklan buyuk rus shoiri asariga qoyimmaqom emas, badiiy jihatdan ham uncha baland emas edi. Shuni hisobga olib, oradan yarim asr o‘tib, Mirzo Kenjabek uni qayta tarjima qildi.

*“V o r i s i y l i k* – bir tarjimadan ikkinchisiga meros bo‘lib o‘tgan xususiyatlar. Unda an’analar ham meros bo‘lib o‘tadi-ku, degan savol tug‘iladi. Garchi tarjimada an’ana bilan vorisiylik o‘rtasida o‘xshashlik bo‘lsa-da, bizningcha, bu ikki tushuncha aynan bir narsa emas. An’ana – ancha  k e n g, vorisiylik esa birmuncha m u a y ya n hodisa. Keyin an’ana *bilvosita* o‘tishi ham mumkin bo‘lgan xususiyat. Vorisiylik – bir tarjimadan ikkinchisiga *bevosita* o‘tadi. Demak, vorisiylik deganda, biz bir asarning muayyan tilga qilingan oldingi tarjimasidan keyingisiga bevosita meros tarzida o‘tgan jihatlarnigina ko‘zda tutamiz. Lekin buni adabiy o‘g‘rilikdan farqlash kerak. Aks holda tarjimada vorisiylikni adabiy o‘g‘rilikka, adabiy o‘g‘rilikni esa vorisiylikka yo‘yib yuborish hech gap emas. Binobarin, bir asarning dastlabki tarjimasida erishilgan yutuqlar, asliyat ruhini qayta tiklash uchun topilgan ayrim usullar keyingi, ta’bir joiz bo‘lsa, musobaqadosh tarjimon tarafidan ham istifoda etilishi mumkin. Chunki o‘sha narsaning shu tilda bundan ortiq muqobili bo‘lmasligi ham mumkin-da” (5.48-49). Vorisiylik oqibatida tarjima matni mukammallashib, badiiy yuksak darajaga ko‘tarilib boradi. Bundan bir nechta tarjimonlarning adabiy xizmatlari, so‘z qo‘llashdagi badiiy mahorati, she’riy vaznni to‘g‘ri tanlash sezimi kabi tarjimashunoslikka doir ayrim masalalarning muhokamasi o‘rtaga chiqadi.

Ma’lum bo‘ladiki, J.Sharipov tarjimalari o‘zbek madaniy-adabiy hayotida kuchli aks sado berdi. Yarim asrdan buyon o‘zbek o‘quvchilarining Maxtumquli she’rlariga bo‘lgan ehtiyojini qondirib keldi va qondirishda davom etmoqda. Bu tarjimalar xalqning ko‘nglidan chuqur joy oldi, shoiru adiblarga kuchli ta’sir ko‘rsatib, maxtumquliyona pand-nasihat ruhidagi she’rlarning ko‘payishiga turtki berdi; she’riy tarjimalar bastakorlarga

ma'qul kelib, hofizlar repertuaridan mustahkam o'rin egalladi. Tabiiyki, o'zidan keyin atoqli turkman shoiri va mutafakkiri asarlari tarjimasiga qo'l urgan barcha tarjimonlarga qaysidir darajada ta'sir ko'rsatgani ham sir emas. J.Sharipov tarjimalaridan o'rganmagan, undan ta'sirlanmagan, unga ergashmagan tarjimon bo'lmasa kerak. Hatto uni tan olmagan, inkor etgan A.Jumayev va J.Zulpiyevlar [10:393] ham o'sha ta'sirdan chetda emasliklarini ularning tarjimalaridagi vorisiy namunalar yorqin ko'rsatib turibdi.

"Bulbul nolasi" kitobi esa Maxtumqulining 700 dan ziyod she'rini – hozirgacha ma'lum bo'lgan adabiy merosini to'la qamrab oladi. Unda shoirning "Asarlar" to'plamiga kirmagan 100 dan ziyod yangi she'rlari tarjimasi berildi. Maxtumqulining "Asarlar" va "Bulbul nolasi" kitobi bori-yo'g'i bir yillik farq bilan nashr etilgan, keyingi tarjimalarda E.Ochilov o'z tarjimalarini qayta nazardan o'tkazib, obyektiv va subyektiv sabablarga ko'ra o'tib ketgan xato-kamchiliklarni tuzatgan, ba'zilarini tahrir qilgan. Masalan, "Hayrondadir-hayronda" she'rining quyidagi bandi avvalgi tarjimalarda asliyat ta'sirida so'zma-so'z o'girilgan edi, *asiyatda:*

Үерден чыкан агачлар,  
Тили сеналы гушлар,  
Субхан сөен дервүшлер  
Дөврандадыр-дөвранда.  
*Yerdan chiqqan og'ochlar,*  
*Tili sanoli qushlar,*  
*Haq oshig'i darveshlar*  
*Davrondadir, davronda* (11).

Yangi nashrda so'zma-so'zlik tarjima qolipidan uzoqlashib, asosiy e'tiborni ma'noning o'zbekcha ifodasiga qaratadi:

Zikrida daraxt, giyoh,  
Qushlar tilida sano,  
Darveshlar Haqqa shaydo.  
Davrondadir, davronda.

Bunda u, albatta, o'z tarjimalari munosabati bilan matbuotda bildirilgan tanqidiy mulohazalarni ham hisobga olgan. Masalan, S.Ro'zimboyev va R.Yo'ldoshevlarning e'tirozlari asosida "Ko'zlamak bilan" she'rini "Tuzatmak bilan" nomi ostida qayta tarjima qiladi. Jumladan, quyidagi misra tarjimasida tarjimonni *bedavlat* so'zini *kambag'al* deb tarjima qilishda ayblagan edilar. Ularning tavsiyasi asosida bu so'zni *badbaxt* deb olib, tanqidga uchragan ushbu misrani qayta tahrir qiladi: *Uzak yola bidөvleti bash etma* – Uzoq yo'lga kambag'alni bosh etma – Uzoq yo'lga bir badbaxtni bosh etma. Bundan tarjima faqat yutgan. Yana mazkur she'r tarjimasida g'alvir elakka aylanib qolganligi tanqid qilingan edi – keyingi tarjimada g'alvirning o'zi tiklanadi. Holbuki, barcha tarjimonlar ham tanqidiy mulohazalardan o'rinli xulosalar chiqarishlari va aniq xatolar ko'rsatilsa, ularni yangi tarjimalarda, albatta inobatga olishlari lozim.

Asarni ilk bor tarjima qilgan tarjimon oldida murakkabliklar bilan birga, imkoniyatlar ham bo'ladi – qanday xohlasa shunday, ko'rinib turgan ma'nolari bilan tarjima qiladi. Keyingi tarjimon esa o'xshab qolmasligi uchun atay boshqa so'zlar, o'zgacha ifodalar izlaydi. Qaysi tildan o'girilishiga qarab ham tarjima ikkiga bo'linadi: bevosita tarjima (asl nusxa tilidan tarjima); bilvosita tarjima (vositachi tildan tarjima);

Avtomatik tarjima – Avtomatik tarjima faqat bir ma'noli so'zlar va bir xil grammatik tuzilishga ega tillardan tarjimada muvaffaqiyat keltirishi mumkin. Aksincha, u so'zlarni o'z o'rnida tarjima qilib qo'ya qoladi – keyin ular asosida qayta gap tuzish kerak bo'ladi. Bu ikkinchi ish bo'ladi.

Badiiy bo'yoqqa ega matnlarni esa hech qachon avtomatik tarjima qilib bo'lmaydi. Chunki badiiy matnda so'zlar ko'pincha o'z ma'nosida kelmaydi, yoki bir necha ma'noga ega bo'ladi.

*"Букет в благородном вине" – "Olijanob vinodagi guldasta" – "Sof sharob ta'mi". "Соль соли земли" – "yer tuzining tuzi" – "ona zaminimizning mag'z-mag'zi" – "jamiyat gullarining guli" – "el-yurt guli". Georgiy Markov. "Соль земли" – "yer mag'zi".*

*Antonimik tarjima* – Shakli bir-biriga zid, ammo ma'nolari monand bo'lgan birikmalar antonimik birikmalardir. *Masalan, rus tilida "nima bo'lsa, shu bo'lsin", "mening parvoyimga kelmaydi" degan ma'noda хот траве не расти degan frazeologik butunlik ishlatiladi. Buni "Menga desa, o't o'smasin" deb tarjima qilsa, o'zbekchada qoyim maqom chiqmaydi. Shuning uchun "Menga desa, g'ovlab ketsin!" deb o'giriladi.*

Tarjimada kompensatsiya – berilgan qurbonlikning o'rnini to'ldirish, tovon to'lash. "Asarning asl nusxasidagi ko'chma ma'noli birikmalarni ularning ekvivalentlari va muqobil (variant)lari bilan almashtirish uncha qiyin emas" [9]. Ammo, ko'p hollarda, shunday maqol, matal va idiomatik birikmalar uchraydiki, ular faqat ayni tilning o'zigagina xos bo'lib, boshqa tilga ko'chirish juda qiyinchilik tug'diradi. Bunday holda o'sha frazeologizm o'rniga boshqa birikma keltirib qo'yiladi va bu bilan originalning o'rni to'ldiriladi.

## Adabiyotlar


1. Комилов Н. Бу қадимий санъат. // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 3-китоб. -Тошкент: 1976.
2. Владимирова Н. Иллат қаердан бошланади? // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 6-к. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1985.
3. Олимов С., Матёқубов А. Лермонтовнинг ўзбек таржимонлари. -Т.: "Фан", 1989.
4. Илёсов Б.А. Практика перевода. – Термез: "Жайхун", 1992.
5. Сапаева Ф. Д. Махтумқули асарлари таржималарининг қиёсий таҳлили. – Т.: "Tafakkur bo'stoni", 2020.
6. Ochilov E. Badiiy tarjima masalalari. – T.: Sharqshunoslik instituti, 2014.
7. Қурамбоев К. Махтумқули шеърияти Ўзбекистонда. -Т.: "Фан", 1984.
8. Тайлақова М., Сапаров М. Махтумқули асарлари тилининг ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар. Ўзбек филологияси масалалари (Илмий асарлар тўплами). - Т.: "Фан", 1990.
9. Саломов Ғ. Тил ва таржима. -Т.: "Фан", 1966.
10. Азимов М. Меҳнат ва маҳорат меваси (Сўнгсўз) // Махтумқули-Фироғий. Сайланма. -Т.: "O'zbekiston", 2008.
11. Махтумқули. Булбул ноласи (E.Ochilov tarjimasi). -Т.: "Hilol", 2014.



**REZYUME.** Ushbu maqolada she'riy tarjimada janriy muammolarni tadqiq etish, xususan tarjimada so'z va tushunchalarni aks ettirish masalasiga asosiy e'tibor qaratildi. Tarjima ijrosiga ko'ra, yozma tarjima xarakteriga ko'ra turlari, vazifalari ilmiy nazariy va amaliy jihatdan asoslab beriladi.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье основное внимание уделено исследованию жанровых проблем поэтического перевода, в частности, вопросу отражения слов и понятий в переводе. По исполнению перевода, по характеру письменного перевода, по видам, задачам дается научное теоретическое и практическое обоснование.

**SUMMARY.** This article focuses on the research of genre problems in poetic translation, in particular the question of the reflection of words and concepts in translation. According to the execution of the translation, according to the nature of the written translation, the types, functions are scientifically theoretically and practically justified.

# M A Z M U N Í

## BAS MAQALA

**Пазылов А.** «Турмыс мектеби» бағдарламасын әмелге асырыўбасланбақта ………………….. 3

## TÁBIYIY HÁM TEXNIKALÍQ ILIMLER

### Fizika. Matematika. Texnika. Informatika

**Абдикаликов Ф., Сейтахов Р., Жартыбаев Ж.** Оценивание среднего остаточного времени жизни в специальной регрессионной модели случайного цензурирования с двух сторон ……. 5

**Aimbetova G.N., Bekniyazova N.D., Yelmuratov Q.Q.** Ǵalabalıq ashıq onlayn-kurslardıń (MOOC) informaciyalıq-kommunikaciyalıq áhmiyeti hám klassifikaciyası ……………………… 8

**Гулямов Г., Умаров К.Б., Мухитдинова Ф.Р., Солиев А.З.** Влияние магнитного поля на коэффициента неидеальности вах диода ……………………………………………………… 9

**Medatov A.A., Abduvaliyev M.M.** Python dasturlash tilida raqamli tasvirlarni qayta ishlash kutubxonalari ……………………………………………………………………………… 11

**Нуржанов О.Д., Абутова А.Б.** Об одном подходе применения численно-аналитического метода к краевым задачам для интегро-дифференциальных уравнений типа вольтерра ……… 13

**Реймов К.Д., Артиков М.Б., Базарбаева Л.Г.** Разработка технологии утилизации дистиллерной жидкости Кунградского содового завода сульфатсодержащими солями Каракалпакстана ……………………………………………………………………………... 15

**Сафарова Л.У.** Оптимизация энергосистем с использованием генетического алгоритма: эффективность, устойчивость и управление в динамичной среде ……………………………….. 18

**Сеидуллаев А.К., Кунназаров С.Б.** Теорема о неравенстве площадей треугольников, образованных касательными к гиперболе ……………………………………………………… 20

### Biologiya. Zoologiya. Ekologiya. Medicina

**Ельмуратова А.А., Алимжанова Х.А.** Виды зеленых (chlorophyta) водорослей прилегающих озер междуречьинского водохранилища ………………………………………………………... 22

**Jumamuratov A., Jumamuratov M.A., Sdıkov I.M.** Qubla Aral boyı aymaǵındaǵı tábiyiy obyektlerdiń elementlik quramın kompleks úyreniw ……………………………………………… 24

**Nasimova Z.H.** *Lilium* L. ayrim navlarini manzaralilik xususiyatlari va xoʻjalikdagi ahamiyati boʻyicha introduksion baholash ………………………………………………………………… 26

**Sultashova O.G., Akbarova B.A., Azizova R.G., Aymuratova N.D.** Methodology of studying of influence of quality of soil on productivity of the cotton taking into account bioorganomineral systems of Uzbekistan in the conditions of climate change ……………………………………….. 28

**Ulugʻbekova G.J., Adhamov Sh.A., Mamasoliyeva Sh.A., Bustanov Sh.Y.** Kichik maktab yoshidagi bolalar yuqori yuz koʻrsatkichining morfometrik tahlili ……………………………… 29

### Geografiya

**Baltabayev O.O.** Nókis rayonı oykonimleri …………………………………………………… 31

**Boboyev Sh.X.** Samarqand viloyatida agrosanoat klasterlarini hududiy joylashuvi va ixtisoslashuvi 34

**Xudoyorov L.X., Jabborova M.H.** Oila va uning demografik taraqqiyoti ……………………… 37

**Nazarov M.G., Poyanov J.Sh.** Sugʻoriladigan voha landshaftlarning dinamikasini tadqiq etish masalalari ……………………………………………………………………………………….. 38

**Norov Sh.Sh.** Navoiy viloyati mehnat resurslarining shakllanishi va aholi bandligiga ta’sir etuvchi omillar ……………………………………………………………………………………… 41

**Turdibaev Q.P., Ametov Ya.I.** Qoraqalpogʻiston ustyurtiga tabiiy-geografik tavsif ………………. 44

## JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

### Tariyx.

**Абдуллаев М.А.** Қорақалпоқлар этнографиясининг маҳаллий тадқиқотларда ёритилиши ҳолати (илк босқич) ……………………………………………………………………… 47

**Хужаниязов У.** Амет ва Айимхан Шамуратовалар уй-музейи тарихи ………………………… 49

**Қанаатов Е.Е.** Үстирттеги орта әсирдеги турмыстың дәреклерде сәўлелениўи ……………… 51

## TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

**Til bilimi**

**Abishov G.M., Sarsenbaeva B.S.** Qaraqalpaq xalıq jumbaqlarında qollanılǵan frazeologizmler ….. 54
**Allayorov T.R.** Tog‘ay Murod asarlarining badiiy til xususiyatlari ……………………………… 56
**Бегниязов М.А.** Ырымлар менен байланыслы тил бирликлериниң үйренилиўиниң теориялық тийкарлары ҳәм олардың анализи …………………………………………………….. 58
**Джумамуратов К.** Инглис ҳәм қарақалпақ тиллеринде ахроматикалық реңлердиң функционал-семантикалық сыпаты ……………………………………………………………... 60
**Халмуратов Т.Ж.** Ҳәзирги қарақалпақ тилинде парцелляция қубылысы ҳаққында …………... 62
**Ибрагимов Ю.М.** Қорақалпоғистон ўзбек шеваларининг лингвоареал талқини ……………… 64
**Каллибекова Г.А.** Описание синонимии в лексико-семантической системе языка …………... 67
**Кощанов К.М., Ходжаниязова А.А., Кощанова Г.Қ.** Русистика в Каракалпакстане (К 90 летию пединститута имени Ажинияза) ……………………………………………….. 68
**Qutibaeva A.** Alpamıs dástanı tilinde «kóz» koncepti menen kelgen frazeologizimlerdiń qollanılıw ózgeshelikleri ………………………………………………………………………………… 69
**Матжанова А.Ж.** Қарақалпақ тилинде -ым, -им, -м тартым қосымталарының сыпайылық мәни билдириўи ……………………………………………………………………………... 71
**Rzamuratova Z.** Qaraqalpaq xalıq dástanlarında tuwısqanlıq atamalardaǵı genderlik ózgeshelikler 73
**Санкибаева Р.Б.** Қарақалпақ тилинде «ақ» келбетлигиниң символлық мәнилери …………… 75
**Турабаева Н.А.** Место лексем «мать»/ «ана», «отец/ата» в выражении концепта «родина»/ «ўатан» в русском и каракалпакском языках ………………………………………………… 77
**Yeshboyeva M.** Muhammad Yusuf she’rlari qoraqalpoqcha tarjimasining leksik xususiyatlari ……. 78
**Yoqubova S.** Anonim xatlarda noadabiy leksik unsurlarning voqelanish turlari va xususiyatlari …... 80

**Ádebiyattanıw**

**Azatova J.** Qaraqalpaq hám basqa da xalıqlar ádebiyatında ańshılıq teması (Teńiz ańshıları haqqında jazılǵan shıǵarmalar tiykarında) ……………………………………………………….. 82
**Azilova Z.G.** “Layli va Majnun” dostoni qoraqalpoqcha tarjimasi ……………………………….. 84
**Аяпов С.** «Уллы жыраўдың сырлы қубылыслары» (Қаражан улы Нурабулла жыраў ҳаққында) …………………………………………………………………………………….. 86
**Dabılov P.** Milliy oyanıw dáwiri hám lirikalıq qaharman máselesi ……………………………….. 88
**Давлетов Б.А.** Әжинияз лирикасында тәрийиплик шығармалар ……………………………... 90
**Djangabaeva H.Sh.** Qaraqalpaq ádebiyatında táriyip janrı ………………………………………….. 92
**Есебаев М.М.** «Ғәрип-ашық» дәстанының қарақалпақ халық бақсыларының миллий репертуарындағы орны ……………………………………………………………………… 94
Ктайбекова З.К. М.Нызановтың сатиралық гүрриңлерине талқы …………………………….. 97
**Qalbaeva G.S.** Qaraqalpaq folklorında anekdot janrı …………………………………………… 99
**Матимов К.Г.** Жийен жыраў – импровизатор шайыр ………………………………………. 101
**Nazarova D.I.** Yangi o‘zbek she’riyatida masnaviy shaklida yozilgan she’rlarda mumtoz ruh ……. 102
**Нуржанов П., Абсаттарова Н.** К.Каримовтың «Аралдың үмити» романында диалог ҳәм монологтың көркемлик хызмети ……………………………………………………………... 104
**Rahmatova S.** She’riyatda undalmalar takrori orqali konnotatsiyaning ifodalanishi (Eshqobil Shukur she’rlari misolida) ………………………………………………………………………….. 106
**Sapayeva F.D.** Badiiy tarjima jarayonining aspektlari ………………………………………………. 108



Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutınıń 35 professor-oqıtıwshısı «QS World University Rankings» xalıqaralıq reyting shólkemi tárepinen dúnyanıń eń aldıńǵı «TOP-200»lik dizimine kirgizilgen Qazaqstan Respublikasınıń Ál-Farabiy atındaǵı Qazaq milliy universitetinde qánigeligin arttırıw kursında qatnasıp, sertifikatlarǵa iye boldı.




Ál-Farabiy atındaǵı Qazaq milliy universiteti hám Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı arasında dúzilgen memorandum sheńberinde usı jıldıń iyun-iyul ayları dawamında shólkemlestirilgen qánigeligin arttırıw kursında institutımızdıń professor-oqıtıwshıları pedagogika hám psixologiya, shet tilleri, sonday-aq, ana tili hám ádebiyatı, anıq hám tábiyiy pánler, málimleme texnologiyaları tarawları boyınsha óz ara tájiriybe almastı.

# Qaraqalpaq xalqınıń milliy Qara úyi Ginnestiń rekordlar kitabına kirgizildi








Húrmetli Prezidentimizdiń tapsırması menen Nókis qalası aymaǵındaǵı "Aqquw" kompleksinde qurıp pitkerilgen dúnyadaǵı eń úlken diametrli Qaraqalpaq xalqınıń milliy Qara úyi Ginnestiń rekordlar kitabına kirgizildi. Qara úydiń diametri 40,540 metrdi quraydı.

## Dıqqat, jazılıw - 2024!

Húrmetli, jurnal oqıwshıları! Eger, Siz ilim, tálim-tárbiya hám oqıtıwdıń jańa zamanagóy usılları, jańalıqları menen óz waqtında jaqınnan tanıspaqshı, ózińizdiń usı tarawdağı jetiskenliklerińiz hám oy-pikirlerińiz benen ortaqlaspaqshı bolsańız, «Ilim hám jámiyet» jurnalına 2024-jıl ushın jazılıwğa mirát etemiz.

Biziń jurnalımızda barlıq tarawlar boyınsha ilimiy, ilimiy-metodikalıq maqalalar járiyalanadı.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındağı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolğan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

**Jazılıw bahası - 360.000 (úsh júz alpıs mıń) swm.**

*Redakciya mánzili: Nókis qalası, P.Seytov kóshesi, n/j.*

*Indeks: 230100, Telefon: +998612294086; +998933652520.*

*JURNALDÍŃ BASÍP SHÍĞARÍLÍWÍNA*

*JUWAPKER: Ájiniyaz atındağı NMPI baspaxanası.*

«Ilim hám jámiyet» jurnalınıń esap beti:

BANK: MB BB XKKM Toshkent shahri

Esap beti: 2340 2000 3001 0000 1010

MFO: 00014; INN: 201 122 919

Jeke esap beti: 4001 1086 0354 0170 9410 0350 005

| | |
|---|---|
| *Maqalalardıń mazmunına hám durıslığına avtorlar juwapker, olardıń pikirleri redakciyanıń pikirleri bolıp esaplanbaydı* | *Jurnalğa jıl dawamında jazılğan avtorlardıń miynetleri birinshi gezekte járiyalanadı. Maqala kólemi 5 betten kem bolmawı, 9 betten aspawı kerek.* |
| *Jurnal 1992-jıldan shıǵa basladı*<br>*ISSN 2010-720X*<br>*Indeksi: Jeke puqaralar ushın — 2101.*<br>*Mákemeler ushın — 2102.* | *Basıwǵa ruxsat etildi: 28.08.2024*<br>*Buyırtpa: №0078 Format: 60x84 1/8*<br>*Kólemi: 14 b/t. Jurnal jılına 6 márte shıǵadı.*<br>*Reestr № 089632* |